60-йилларнинг иккинчи ярми ва 70-йилларнинг бошларига келиб лок-буёқ материаллар ишлаб чиқариш технологияси янада такомиллашди ва уларнинг янги турлари вужудга келди. Масалан, ультрабинафша нур таъсирида парда қатлами тез қотадиган полиэфир локлари учун фотохимиявий инициаторлар (сенсбилизаторлар - материалнинг ёруғликка сезирлигини оширадиган моддалар) ишлаб чиқилди ва амалда татбиқ этилди. Қисқа муддат ичида тез қотадиган полиэфир локларининг янги турлари, юқори кучланишли электр майдонида пуркаб сепиладиган полиэфир локи, аэросил ва шунга ўхшаш моддалар қўшиб ялтироқлиги камайтирилган нитроцеллюлоза локлари, дурадгорлик-курулиш буюмларини (эшик, дераза ромлари ва б.) пардозлаш учун пентафтал, карбамид-алкидли эмаллар яратилди. Шу даврдан бошлаб мебельнинг яхлит деталлари юзасига қоплаш

учун чиройли ёғоч текстурага эга бўлган қоғоз-смола плёнкалардан фойдалана бошланди. Бундай плёнкалар билан қопланган юзалар суюқ лок-буёқлар билан пардозланади.

Кейинги вақтларда пардоз материаллари устида кенг иш олиб борилмоқда. Пардоз материаллар ичида плёнкали қоплама материаллар улуши анчагина ўсди. Ёпиштиргандан кейин пардозлашни талаб қилмай-диган декоратив плёнкаларни қўллаш кенг расм бўла бошлади. Масалан, алкорцелл, алкор (Германияда ишлаб чиқарилган), ПДО-20, ПДСО-12, ПВХ-АБС, ВА-15 ва б. плёнка материаллари.

Ҳозирги кунда пардоз материаллар, айниқса суюқ лок-буёқлар сарфини камайтириш борасида катта ишлар қилинмоқда. Чунончи, юпка пардоз қатлам ҳосил қилиш технологиясининг яратилиши муҳим аҳамиятга эга. Шу технология асосида полиуретан локлари, кислота муҳитида қотувчи локлар, сенсбилизаторли ультрабинафша нур таъсирида қотадиган полиэфир локлари яратилди ва ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда. Бундай локлар суркаб қурилган ёғоч юзалар яна ишлов беришни талаб қилмайди.

Илгари ёғоч буюмлар асосан қўлда пардозланар, ишлаб чиқаришда механизмлар жуда кам эди. Уша вақтда лок-буёқларни (ИЦ локлари) пневматик пуркагичлар ёрдамида пуркаш пардозлаш ишларидаги энг илғор технологик операция ҳисобланган. Ҳозирги кунда ҳам суюқ лок-буёқларни, рамка конструкцияли мебельларни ва дурадгорлик буюмларини қўлда бўяш ва автоматик буёқпуркагич ёрдамида пуркаш сақланиб қолган.

50-йилларнинг ўрталарига келиб мебельларнинг яхлит деталлари юзасига лок-буёқ материалларни суркашда ишлатиладиган лок қуйиш машиналари-нинг пайдо бўлиши мебельсозлик соҳасида катта бурилиш ясади. 60-йиллардан бошлаб лок қуйиш машиналари корпус мебельларни бўяшда энг асосий пардозловчи машина бўлиб қолди. Шу даврга келиб дурадгорлик-мебель корхоналарида валли машиналар (ста-

ноклар), буюмга юқори кучланишли электр майдонида лок-буёқ материалларни пурковчи қурилмалар, химоя қатлами хоссаларини яхшилайдиган лентали жилвирлаш, барабанли жилолаш станоклари кенг қўлланила бошланди.

Химиявий ўзгаришлар ҳисобига парда ҳосил қилувчи лок-буёқ материалларни пардозлаш технологиясида кенг қўллаш инфракизил (ИК) нур таъсирида қотишдан ташқари қотиришнинг яна бошқа тезкор усуллари яратилишига сабаб бўлди. Масалан, ультрабинафша (УБ) нур ёрдамида қуриштириш ва электрон қуриштириш мосламалари шулар жумласидандир.

Дурадгорлик-мебель буюмларини пардозлаш цехларида замонавий ярим автоматик ва автоматик линиялар унумли ишлаб турибди. Масалан, МКП-1, МКП-2 маркали яхлит деталларнинг сербар юзаларини бўяш линиялари, МЛН-1, МЛН-2 маркали сербар юзаларга нитроцеллюлоза локлари суркайдиган линиялар, МЛП-1, МЛП-2 маркали сербар юзаларга полиэфир локлари суркайдиган линиялар, МПП-1, МПП-2 маркали юзаларни живирлайдиган ва жиллолайдиган линиялар ММСК-1, “Хильдебрамд» “ДЮРР” (Германия) маркали пардозлаш ишларини бажарадиган линиялар.

Шпон ёки плёнка қоплаш (облицовка) ва рулон кўринишидаги пардоз материалларни ёпиштириб пардозлаш операцияларини бирга олиб бориш шу материалларни қизиқ турган валлар орқали узлуксиз ўтказиб қоплаш усулини келтириб чиқарди. Ҳозирги вақтда ёғоч юзаларни лок-буёқлар ҳамда чиройли ёғоч текстураси босилган синтетик плёнка материаллар ёпиштириб пардозлаш технологияси энг илғор технологиядир. Бизда юқори сифатли буюмлар ишлаб чиқариш учун малакали кадрлар тайёрлашни яхши йўлга қўйиш лозим. Шундагина мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган дурадгорлик ва мебель буюмлари чет эл мебелери намуналаридан қолишмайди ва халқимизнинг узиб келаётган талабларини қондиради.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, ёғоч ва ёғоч материалларни пардозлаш технологияси соҳасида ҳали ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар бор. Бу муаммолар сифатида қуйидагиларни эътироф этишимиз мумкин:

УДК 691.42

САЙДИНГЛИ БИРИКМА ТИЗИМИДА КЕРАМИК МАТЕРИАЛЛАРДАН ФЙДАЛАНИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Парсаева Нодира Журъатовна – катта ўқитувчи; **Шаропова Лазиза Юнус қизи** – магистр
Жиззах политехника институти

Аннотация : Мақолада сайдинг тизими ҳақидаги жаҳон тажрибалари, уларда ишлатиладиган табиий, сунъий материаллар авзаллик ва камчиликлари, сайдинг тизимидаги конструктив элементлар ҳақида фикр юритилган. Лаборатория синов натижаларидан олинган маълумотлар асосида янги қурилиш материали ишлаб чиқариш технологияси ҳақида таклифлар киритилган.

Таянч сўзлар: Сайдинг, фасад, керамика, технология, пардоз материал, шиша чикиндиси, архитектура,

1. Пардозланадиган буюмлар юзасини олдиндан сифатли қилиб силликлаш ҳисобига лок-буёқ материаллар сарфини камайтириш.

2. Табиий шпон ўрнига унинг ўрнини боса оладиган плёнка материаллардан, яхлит деталнинг камбар юзасига ёпиштириладиган пластиклардан, ламинирланган плиталардан, қимматбаҳо ёғочга ўхшатиб пардозлаш усулларида кўпроқ фойдаланиш.

3. Плёнка материалларни яхлит деталь устига қоплашда валли машиналардан самарали фойдаланиш.

4. Ультрабинафша нур таъсирида тез қотадиган ва самарали шпатлёвка, грунтовка, ғовакўлдиргичлар ва бошқа химоя таркиблардан фойдаланиш.

5. Қимматбаҳо ёғочга ўхшатиб пардозлашнинг босма усуллари учун янги сифатли лок-буёқларни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш.

6. Полиуретан локлари, кислотали муҳитда қотадиган локлар, тез қотадиган полиэфир локлари каби юқори самарали лок-буёқ материаллардан кенг фойдаланиш.

7. Сув билан суюлтириладиган лок-буёқ материалларни яратиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш.

8. Юқори сифатли қилиб пардозлашда пигментли лок-буёқ материаллардан кўпроқ фойдаланиш.

9. Лок-буёқ материалларни юпқа қатлам қилиб суркайдиган ёки пуркайдиган турлитуман валли станоклар ва лок қуйиш машиналари (конструкцияси)ни яратиш.

10. Пардозлаш цехлари ва участкаларида меҳнат шароитини яхшилаш, заҳарли ва қолдиқ моддалар концентрациясини кескин камайтириш ҳисобига атроф-муҳитни муҳофаза қилиш.

Адабиётлар:

1. Фридман И.М. Деревообработка. Практическая руководство. СПб.: ПРОФИКС, 2007.-544с.

2. Прозоровский Н.И. Технология отделки столярных изделий. М., «Высшая школа», 1991.

3. Максудов Ю.М., Цацкин М.Л., Ромаданов А.А. Эффективность использования водоразбавляемых лаков в мебельной промышленности. В кн.: Пути повышения эффективности в производстве и применения лакокрасочных материалов М., 1984.

конструкция, мустаҳкамлик, совуққа чидамлик.

Аннотация: В статье дается представление о лихих проявлениях системы сайдинга, преимуществах и недостатках используемых в них естественных, искусственных материалов, конструктивных элементах системы сайдинга. На основании данных, полученных по результатам лабораторных испытаний, были сделаны предложения по технологии производства новых строительных материалов.

Abstract: the article gives an idea of the dashing manifestations of the siding system, the advantages and disadvantages of medical and artificial materials used in them, and the structural elements of the siding system. Based on the data obtained from laboratory tests, proposals were made for the production technology of new construction materials.

Жаҳон тажрибаларига таянган ҳолда Ўзбекистон шароитига мос келадиган, маҳаллий хом-ашёлар, маиший чиқинди шиша асосида юқори мустаҳкамликка, совуққа чидамли, атмосфера шароитига чидамли сайдинг тизимида қўллаш имконияти бўлган керамик маҳсулот ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқариш ҳақида фикр юритилган.

Биолар архитектураси, конструкцияси ва уларнинг фасади, у қурилган даврга боғлиқ бўлиб, шу даврнинг қурилиши ҳақида тушунча бериб туради. Йиллар ўтиши билан қурилишда, архитектура, конструкциялар, фасад кўринишлари ўзгариб бориб, такомиллашиб, иқтисодий самарали бўлиб бормоқда.

Ҳозирги замон кўринишида иморат фасадини тез ва сифатли пардозлаш давр талаби бўлиб, унда табиий материаллар билан биргаликда сунъий, атроф-муҳит шароитга чидамли материаллардан жадал фойдаланилмоқда.

Янги қурилишларда фасад пардозини учун сайдингги бирикмалар замонавий усуллардан бири саналиб, фойдаланиш давр талаби бўлиб қолмоқда ва уларни қўллаш самарали узок муддатга чидамли иморатнинг юк кўтарувчи қисмини яхши ҳимояловчи конструктив элементлардан бири деб эътироф этилмоқда. Сайдингги бирикма тизимлари янги иморатларини фасадини пардозлаш билан биргаликда эски, реконструкция қилиниши керак бўлган иморатларни таъмирлашда ҳам кенг фойдаланилмоқда.

Сайдинг - инглизча SIDING-амерказизм, иморатларни пардозлашни технологик кўриниши. Иморатлар ташқи деворларини, унинг томини табиий муҳитдан (қор, ёмғир, шамол, қуёш) таъсирдан асрайди, ташқи деворга эстетик кўриниш беради.

Сайдинг биринчи бўлиб Шимолий Америкада XIX асрда ёғоч тахталардан, горизонтал ҳолатда, пастки тахта устига иккинчи тахтани устма-уст қўйиб, қияликни таъминлаб, ёмғир сувни пастга тушиб кетишини, қуёш иссиқлигини девор орқали уй ичига киришини олдини олган. [1]

XX аср 50 йилларда АҚШ ва Канадада винилдан тайёрланган, ёғоч тахтага нисбатан чидамли, хар хил рангдаги сайдинг учун мўлжалланган панеллар ишлаб чиқариш бошланди. Уларни бўяш, қайта ишлов бериш шарт эмас,

бириктириш технологияси содда эди. Кейинчалик сайдинг панеллар металлдан, цементдан, табиий тошлардан ва пластик материаллардан ишлаб чиқариш бошланди. Ҳозирги кунда мураккаб таркибли сайдинг панеллар ишлаб чиқарилмоқда ва улардан унум билан фойдаланилмоқда.

Сайдинг бирикма тизимлари ҳозирги кунда иморатнинг фасад қисмида, деворларни шамоллатиб туриш технологияси асосида фойдаланилмоқда [1].

Ушбу бирикмалар фасад кўринишини яхшилаш билан биргаликда иморатнинг иссиқлик, шовқиндан ҳимоялаш, конструктив юк кўтарувчи қисмини шамоллатиш учун фойдаланишда унум билан ишламоқда.


Сайдингги бирикмали тизимда керамик материаллардан фойдаланиш яхши самара бермоқда. Бунинг учун асосан ҳозирги пайтдан керамогранитдан фойдаланилмоқда. Керамик материаллар ўзининг иссиқ совуққа чидамлиги, механик, кимёвий таъсирларга турғунлиги, экологик тозаллиги билан бошқа қурилиш материаллардан устунлиги мавжуд. Шу билан биргаликда керамик материаллар узок муддат ишлаглиги, тан нархини нисбатан пастлиги билан қурувчилар ишончини оқламоқда [2].

Сайдингги бирикма тизимида Япония, Россия тизимлари ўз ўрнига эга бўлиб, унда керамик плитка юзаси атмосфера шароитига турғун пегментлар билан қоплаш асос қилиб олинган. Сайдингги бирикма тизимининг навбатдаги тури ғовакли (тешикли) керамик плиткани бириктириш бўлиб, унда махсус кўринишга эга бўлган керамик панелларни бириктириш тармоғи ҳисобланади. Унда керамик материал тайёрланишдаги хом-ашёни турига қараб рангини ўзгартириш мумкин. Бу маҳсулотларнинг асосий кўрсаткичларидан рангини хилма-хиллиги шовқин ва иссиқликни кам ўтказиши ҳисобланади [2].

Сайдингги бирикма тизимидаги керамик материаллардан тайёрланган пардоз материалларнинг ёнғинга ҳафвсизлик тизим синфи К=0 га, пардоз материалнинг ёниш гуруҳи НГ га тенг бўлиб, бу кўрсаткичлар тизимни умуман ёнмаслигини белгилайди [2].

Юқорида келтирилган маълумотларга асосланиб, сайдингги бирикмаларни иссиқлик ўтказмайдиغان материаллар билан биргаликда фой-


даланиш, иморатларнинг ташки муҳитдаги иссиқ-совука бўлаган муносабатини яхшилаш мақсадида изланишлар олиб борилмоқда.



2-расм.

Ўрганишлар шуни кўсатдики, иморат деворидаги “шудринг нуқтаси” тушунчасини деворнинг ташки томонидан амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлишни кўрсатмоқда [6].

Шу мақсадда сайдинг бирикманинг пардоз юзаси билан юк кўтарувчи девор оралиғига енгил бетонларга асосланган иссиқлик ўтказмайдиган қоплама билан тўлдириш мақсадга мувофиқдир. (3-расм). Керамик материаллар, енгил бетонлар “нафас олувчи” материаллар сарасига кирганлиги сабабли, таклиф этилаётган илмий ишлардан замон талабига жавоб берадиган маҳсулотлар тайёрлаш имкониятини беради.



3-расм. 1-пардозбоп материаллар(керамик плитклар, гранит, мармар, травертин); 2-пардозбоп материалларни маҳкамловчи қурилмалар жамламаси; 3-иссиқлик ўтказмайдиган бетонлар – газобетон, фибрагазобетон, пенополистролбетон, вермукулитбетон; 4-юк кўтарувчи асосий девор.



4-расм.

2.01.04.97. “Қурилишда иссиқлик техникаси” ҚМҚдаги катталикларни яхшилаш мақсадида сайдинг бирикма тизимида иссиқлик химоясини енгил бетон асосида қўллаш яхши

самара беради.[4].

Келтирилган намунадан (5-расм) кўриниб турибдики, вемикулит, пенополистрол, фиброгазобетондан тайёрланган иссиқлик химоя қатламлари юқори самара беради. Бу усулни такомиллаштириш, улар устида илмий изланишлар олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлиб бормоқда.

Иссиқликни ўтказиш қобилияти кам бўлган қурилиш материалларидан бири керамик материаллар бўлиб, уларни сайдинг бирикмали тизимларда юқорида келтирилган енгил бетонлар билан биргаликда фойдаланиш яхши натижалар беради. Фақат уларнинг табиий шароитга чидамлигини, турғун рангли, совуққа чидамлигини, механик хоссаларини яхшилаб, маҳаллий хом-ашёлардан маҳсулот тайёрлаш устида иш олиб бориш давр талаби бўлиб қолмоқда.

Юқорида келтирилган жаҳонда бажарилаётган ишларни ўрганиб [8, 9, 10,11], Ўзбекистонда, худуд шароитига тўғри келадиган керамик материаллар, енгил бетонлар асосида, янги материаллар яратиш, уларни сайдинг бирикмали тизимда фойдаланиш усуллари яратиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Шу мақсадда Жиззах вилояти худудидаги гилтупроқларнинг кимёвий таркиблари ўрганилди (1-жадвал), шиша чиқиндилари ва улардан фойдаланиш устида мониторинг олиб борилди.

1-жадвал

Жиззах вилоятидаги синов учун олинган гилтупроқли хом-ашёларнинг кимёвий таркиблари.

№	Номи	п.п.п	SiO ₂	Al ₂ O ₃	TiO ₂	Fe ₂ O ₃	CaO	MgO	SO ₃
1	Лесс Янгиобод	12,07	49,96	11,23	11,23	3,96	11,04	2,79	2,39
2	Лесс Бахмал	12,09	54,50	11,33	11,33	3,59	8,40	2,82	2,29

Йиғилган маълумотларга асосланиб Жиззах вилоятидаги ўрганилган хом-ашёлардан тўрт хили, маиший шиша чиқиндилари билан биргаликда лаборатория синовлари ўтказилди. Синов натижалари асосида олинган натижалар шиша чиқиндиларини керамик материаллар ишлаб чиқаришда фойдаланиш яхши натижалар беришини кўрсатди (диаг.1).





Диаграмма №1

Механик хоссалари яхшиланиши билан биргаликда уларнинг физик хоссалари ҳам яхшиланди. Синалаётган намуналарнинг совуққа чидамлиги F-10 дан F-30 гача кўтарилди.

Бажарилган лаборатория синовлари натижаларидан маълум бўлдики, керамик материалларга қўшиладиган шиша чиқиндиларидан оптимал миқдорда фойдаланиш ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг физик-механик хоссаларини яхшилаш, ишлатиш жойларини кенгайтириш имконини бермоқда. Шу билан биргаликда маҳсулот тайёрланадиган керамик массанинг хоссаларини яхшилаб, уларни қолипаниш, қуришиш ва пиширишдаги сифат имкониятларини оширмоқда.



5-расм.

Жиззах вилоятида 20 дан ортиқ ғишт заводлари бўлиб [7], улар 1858 йилда ихтиро қилинган ҳалқали печларда фақатгина тўла танли, ўлчамлари 250x120x88 мм.лик, 50-75 маркали ғиштлар ишлаб чиқаришмоқда, маҳсулотнинг пишиқлиги талаб даражасида эмас. Ваҳоланки, лаборатория синовлари уларнинг хом-ашё захираларидан технологик жараёнларни яхшилаш билан 150-175 маркали ғишт маҳсулотлари ишлаб чиқариш имконияти

мавжудлигини кўрсатди.

Дунёдаги етакчи керамик заводлар фақатгина ғишт эмас, балки қурилиш учун керакли бошқа маҳсулотларни ҳам замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқармоқдаким, бу билан кархонани йилнинг 12 ойида тўхтовсиз ишлашини таъминлашмоқда [8, 9].

Лаборатория синовларидан олинган натижалар, жаҳон тажрибалари шуни кўрсатадики [8,9,10,11], синов учун ажратилган хом-ашёлардан юқори сифатли, табиий хом-ашё сарфини 40-45% гача камайтириш мумкин бўлган маҳсулотлар тайёрлаш имкони борлигини кўрсатмоқда.

Лаборатория синов натижаларидан олинган маълумотларга асосланиб керамик материалдан сайдинг бирикмали тизим учун фасадбоп, атмосфера шароитига чидамли, иқтисодий самарали маҳсулот ишлаб чиқариш имкони бор. Маҳсулотни ишлаб чиқариш учун технологик жараёнга ўзгартириш киритиш шарт эмас, фақат маҳсулотни қолиплаш мунштуғи алмаштирилиши кифоя (5-расм).

Юқорида келтирилган илмий изланишлар натижалари ва жаҳоннинг етакчи керамик материаллар ишлаб чиқариш корхоналари технологияларининг самарали томонларига таянган ҳолда Ўзбекистонда ҳам сифатли маҳсулотлар тайёрлаш имкони бор.

Адабиётлар:

1. ru.wikipedia.org/wiki/ Сайдинг.
2. www.alt-ural.ru.
3. Чупрова Л.В. Отходы производства и потребления стекла как сырье для получения качественной продукции // Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований. – 2016. – № 12-4. – С. 640-644;
4. СНиП 2. 01. 04. 97. "Қурилишда иссиқлик техникаси."
5. И.Г.Дудеров, Г.М.Матвеев и др. Общая технология силикатов. Москва. Стройиздат. 1987.
6. Рунова Р.Ф. и др. Новые строительные материалы. Киев - 2017
7. Жиззах вилоят статистика бошқармаси маълумотлари. 2017.
8. sales@COSMEC-italy.com
9. www.kedachina.com.cn
10. Wienerberger.ru.
11. WWW.vesynn/ru.

УДК 624.011

БИНОЛАРНИНГ ЕРТЎЛА ДЕВОРЛАРИНИ ИССИҚЛИК ИЗОЛЯЦИЯЛАШ ВА УНИНГ ҚАЛИНЛИГИНИ ҲИСОБЛАШ

Тулаков Элмурад Саломович – т.ф.д., профессор;

Иноят Диловар Толибович; Қурбонов Алижон Сарабек ўғли – мустақил изланувчи;

Матёқубов Бобур Пўлатович – магистрант

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти

Аннотация: Ҳаво намлиги ўзгармаган ҳолда ҳар қандай қурилиш материали сиртининг ҳарорати кескин пасайтирилса ва сирт ҳарорати шудринг нуқтаси ҳароратидан паст бўлса, шу материал сиртининг юзасида

шудринга ўхшаш сув томчилари ҳосил бўлади. Бу ҳолат конденсацион намлик ҳолати дейилади. Курилиш материаллари ва ташки тўсиқ сиртларида ҳосил бўлган конденсацион намлик вақт мобайнида, секинлик билан курилиш материалларининг жисмига сўрилиб, шу конструкция нисбий намлигини оширади. Ташки тўсиқ конструкциялар сиртларининг ҳарорати кескин пасайса конденсацион намликнинг пайдо бўлишини кузатиш мумкин. Бу ҳолатни ертўла ташки деворларнинг грунт билан туташган ҳамма жойида кузатиш мумкин. Мақолада республикамызда ва хорижий мамлакатларда кенг қўлланилаётган замонавий энергия тежамкор бинолар ертўла деворлари конструкцияларини иссиқлик изоляция қилиш ҳамда уларни ҳисоблаш масаласи қаралган.

Калит сўзлар: Ҳаво намлиги, курилиш материали сиртининг ҳарорати, шудринг нуктаси, конденсацион намлик, нисбий намлик.

Thermal insulation of the foundation walls of buildings and calculation of its thickness

Annotation: If the surface temperature of any building material drops sharply without changing the humidity and the surface temperature is lower than the dew point temperature, dew-like water droplets are formed on the surface of this material. This condition is called condensing humidity condition. Condensation moisture formed on the surfaces of building materials and external barriers is slowly absorbed into the body of building materials over time, increasing the relative humidity of this structure. Condensation moisture can be observed when the temperature of the surfaces of external barrier structures drops sharply. This condition can be observed everywhere where the basement is connected to the outer walls of the basement. The article deals with the issue of thermal insulation and calculation of basement walls of modern energy-efficient buildings, which are widely used in the country and abroad.

Keywords: Air humidity, building material surface temperature, dew point, condensation humidity, relative humidity.

Кириш. Ертўла ёки цокол қават хонасида шинам микроиклим яратиш учун унинг ташки тўсиқ конструкциялари етарли даражада иссиқлик изоляцияга эга бўлиши керак. Пойдевор - ҳар қандай бинонинг асосий конструкцияси ҳисобланади. Шунинг учун у кўп йиллар давомида ўзининг хусусиятларини ва ишлаш кўрсаткичларини сақлаб қолиши, ишончли ва узоққа чидамли бўлиши керак.

Совуқ иқлим ва грунт сувларининг мавжудлиги сабабли грунтларнинг музлаши билан унинг шишиши (музлаш чуқурлиги доирасида музлаган грунт ҳажмининг ошиши, бино пойдеворига нотекис таъсир кўрсатади) каби ҳодисага олиб келади, бу эса курилиш конструкцияларнинг деформацияланишига ва унинг натижасида бинонинг бузилишига олиб келиши мумкин.

Совуқдан грунтларнинг музлаши орқали унинг шишишини салбий таъсирларини бир неча усул билан бартараф этиш мумкин. Мисол учун, пойдеворларнинг остки сатҳини музлаш чуқурлигидан пастга жойлаштириб ёки музлайдиган грунтни музлаш чуқурлигигача чиқариб ташлаб ва уни музламайдиган грунт билан алмаштириб. Бироқ, бу усуллар катта миқдордаги ер қазиларининг бажарилишига ва бунинг натижасида кўп меҳнат сафланиб, бино нархининг юқори бўлишига олиб келади. Янада самарали усул - пойдеворни иссиқлик изоляциялашдир. Бу совуқдан грунтни музлаши туфайли ҳосил бўлган кучларнинг пойдеворга таъсирни сезиларли даражада камайтиради ёки бутунлай йўқ қилиш имконини беради. Шунинг билан бирга бино асосини ва тўсиқ конструкцияларини хавфли деформацияланишдан сақлайди.

Асосий қисм. Ертўла деворларини юқори сифатли иссиқлик изоляция қилиш ер ости ин-

шоотини қиш ва ёзда доимий шинам ҳароратни таъминлайдиган иссиқлик аккумуляторига айлантириш имконини беради. Пойдеворни иссиқлик изоляциялаш, у орқали иссиқлик йўқотилишини сезиларли даражада камайишига ёрдам беради. Деворларни конденсация, моғор ва замбуруғлардан химоя қилади. Цокол қават хонасини ташки тўсиқ конструкцияларини иссиқлик изоляциялаш қўшимча иситишсиз 5-10 °С хона ҳароратини сақлаб туриш имконини беради.

Ҳозирги вақтда ертўла деворларини иссиқлик изоляциялаш кўпроқ кенгайтирилган полистиролга асосланган материаллардан фойдаланиб ва камроқ – толали материаллардан фойдаланиб амалга оширилмоқда. Ушбу материаллар етарли даражада иссиқлик изоляцияни таъминлайди. Аммо улардан фойдаланишнинг ўзига яраша бир қатор камчиликлари бор - кўп меҳнат талаб қилади ва етарли даражада самарали эмас. Хусусан, сувни ўз жисмига жуда юқори даражада шимишга эга бўлган ушбу материаллар, кучайтирилган гидроизоляция қатлам билан грунт намлигининг таъсиридан химояланган бўлиши керак. Шунинг билан бирга, бундай конструкцияларда гидроизоляция қатламининг ўзи ташки томондан грунтнинг механик таъсиридан химояланган бўлиши талаб қилинади. Мисол учун, ертўла деворларининг гидроизоляция қатламини химоя қилиш учун унинг бутун баландлигида ертўла ташки деворларининг пастки қисмидан ярим фиштли қўшимча химоя девори қурилади, натижада курилиш конструкцияси мураккаблашади ва бино қимматлашади.

Агарда, бинони ертўла деворларининг иссиқлик изоляцияси бир вақтнинг ўзида бир нечта муаммоларни ҳал қилса, бундай қуйидаги ечим анча самарали ечим ҳисобланади:

- тўғридан-тўғри ертўла ёки цокол қаватни иссиқлик изоляциясини таъминласа;
- бундан ташқари, ертўла ёки цокол қават ташқи деворларини намликдан ҳимоя қилса;
- гидроизоляцияни механик шикастланишлардан ҳимоя қилса.

Натижада, бинонинг ертўла ёки цокол қаватни иссиқлик изоляциялашда ишлатиладиган иссиқлик изоляция материаллари учун биринчи ўринда қилинадиган талаб сиқилишга мустаҳкамлик ва намликга чидамлик каби параметрлар бўлиб қолади.

Ертўла ёки цокол қават ташқи деворларини грунт ва грунт сувлари билан доимий ўзаро таъсирда бўлиш натижасида юзага келган экстремал иш шароитларни, шунингдек, совуқдан грунтни музлаши туфайли ҳосил бўладиган ва грунт босими туфайли юзага келадиган механик юкларни ҳисобга олган ҳолда, биноларнинг ер ости қисмларини иссиқлик изоляция қилиш учун экструдировка қилинган полистирол URSA XPS плиталарига тенг келадиганини топиш қийин.

Биноларнинг иссиқлик ҳимоялаш даражаси лойиҳа топшириғида белгиланади. Бинонинг иссиқлик ҳимояси даражасини биринчи даражадан юқори қилиб лойиҳалаганда, унинг айрим тўсиқ конструкциялари учун R_0^{TP} нинг қийматини биринчи даража бўйича қабул қилишга руҳсат этилади. Лекин бунда бошқа конструкция ёки бир нечта тўсиқ конструкцияларнинг термик қаршилигини ошириш зарур. Бундан ташқари, барча ташқи тўсиқ конструкциялар орқали йўқотиладиган иссиқликнинг умумий миқдори иссиқлик ҳимояси даражаси учун қабул қилинган R_0^{TP} бўйича ҳисобланган миқдордан ошмаслиги керак.

Қурилиш жойи учун иситиш мавсумининг D_d градус-сутка кўрсаткичини қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$D_d = (t_B - t_{от.пер.}) \cdot Z_{от.пер.} \quad (1)$$

бу ерда t_B - хона ички ҳавонинг ҳисобий температураси, °С. Хонадаги микроклимнинг параметри;

$t_{от.пер.}$, $Z_{от.пер.}$ - мос равишда ташқи ҳаво температураси ≤ 10 °С бўлган даврдаги ўртача температура -°С, ва унинг давом этиш даври-суткада.

Иссиқлик ўтказишга қаршиликнинг талаб этилган қиймати R_0^{TP} 26-жадвалдан [2] "Иссиқлик ҳимоясининг иккинчи даражаси" бўйича иситиш мавсумининг D_d градус-сутка кўрсаткичи қийматларига қараб аниқланади.

$$R_0^{TP} = a \cdot D_d + b \quad (2)$$

Ташқи тўсиқ конструкциянинг иссиқлик узатишга умумий аршилиги R_0 иссиқлик ўтказишга қаршиликнинг талаб этилган қиймати R_0^{TP} дан кичик бўлмаслиги керак.

Ташқи тўсиқ конструкциянинг иссиқлик узатишга умумий қаршилиги қуйидаги формула билан аниқланади:

$$R_0 = \frac{1}{\alpha_B} + R_K + \frac{1}{\alpha_H} \quad (3)$$

бу ерда α_B - ташқи тўсиқ конструкция ички сиртининг иссиқлик бериш коэффиценти, 5*-жадвал бўйича аниқланади [2];

α_H - ташқи тўсиқ конструкция ташқи сиртининг иссиқлик бериш коэффиценти, 6-жадвал бўйича аниқланади [2].

R_K - ташқи тўсиқ конструкциянинг термик қаршилиги, уни ташкил этувчи қатламларининг иссиқлик узатишга қаршиликлари йиғиндиси бўлиб, қуйидаги формула билан аниқланади:

$$R_K = \frac{\delta_1}{\lambda_1} + \frac{\delta_2}{\lambda_2} + \frac{\delta_3}{\lambda_3} + \frac{\delta_4}{\lambda_4} \quad (4)$$

бу ерда δ - лойиҳа бўйича қатлам

қалинлиги; λ - қатлам материалнинг иссиқлик ўтказувчанлик коэффиценти (материал характеристикаси).

Яқуний қисм. Дастлаб, ертўла деворларини текисланган ташқи сирти бўйлаб гидроизоляция қатлам ётқизилади. Бу гидроизоляция қатлам суртилган ёки ёпиштирилган бўлиши мумкин. URSA XPS плиталари гидроизоляция қатлам устидан бириктирилади.

URSA XPS плиталарнинг деворга ўрнатилиши қуйидагича амалга оширилади: гидроизоляция қатламнинг уч ёки беш нуқтаси эритилади ва унга иссиқлик изоляция плитаси маҳкам босилиб ёпиштирилади. Агар иссиқлик изоляция плиталарини маҳкамлаш учун мастикалар ишлатилса, ўлчами 1250x600 мм бўлган иссиқлик изоляция плитасининг сиртидан 8-10 нуқтасини белгилаб мастика суртилади ва у гидроизоляция қатлам устига маҳкам босилиб ёпиштирилади. Бинонинг цокол зонасида плиталар анкер ёрдамида маҳкамланади. Бунда битта плита 4 та анкер орқали маҳкамланади. Плиталар шахмат тартибда жойлаштирилади. Танланган чорак шаклидаги ҳар бир URSA XPS плитаси чекка томони билан қўшни плиталарга яқин жойлаштириб терилади. Бунда юқори плитанинг махсус ўйиғи пастки плитанинг ўйиғини қоплаши керак. Бу ўз навбатида иссиқлик изоляция қатлами орқали бўшлиқлар (узилишлар) бўлмаслигини таъминлайди ва иссиқлик йўқотилишини камайтиради. Пойдеворнинг атрофидаги чуқур (котлован) грунт билан тўлдирилгандан сўнг, URSA XPS плиталар грунт босими туфайли ертўла деворларига маҳкам босилади.

Хулоса. Мазкур мақолада ҳозирги кунда устувор аҳамиятга эга бўлган масалалардан бири - бинонинг ер ости конструкцияларини қуриш, уларни музлашидан муҳофаза қилиш, гидроизоляция ва изоляция масалаларини қўриб чиқилди. Ёқилғи-энергетика ресурсларини

тежаш ва иситиш учун эксплуатация харажатларни камайтириш мақсадида турар-жой ва жамоат биноларининг иссиқлик ҳимоясини такомиллаштириш қурилишнинг долзарб муаммосидир. Мазкур муаммонинг ечимини биринчи навбатда деворлар, ертўла деворлари ҳамда чордоқ ёпмаларини иссиқлик ўтказишга юқори қаршилик кўрсатувчи иссиқлик изоляция қатлами билан қопланган конструкциялар ёрдамида амалга ошириш мумкин.

Адабиётлар:

1. ҚМҚ-2.01.01-94. Лойиҳалаш учун иқлимий ва физикавий-геологик маълумотлар. Ўзбекистон Республикаси Давлат Архитектура ва Қурилиш Қўмитаси. Тошкент. 1994 й.

2. ҚМҚ 2.01.04-97*. Қурилиш иссиқлик техни-

УДК 691.1

БИНОЛАРНИНГ ТАШҚИ ДЕВОРЛАРИНИНГ ИССИҚЛИК ҲИМОЯСИНИ ОШИРИШ ҲАҚИДА

Шукуров Ғайрат – техника фанлари номзоди, профессор

Фозилов Фарход Холиевич – катта ўқитувчи, Эгамова Марғуба Тўрақуловна – ўқитувчи Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти

Аннотация: Ушбу мақолада турар жой, жамоат биноларининг ташқи деворларини иссиқлик ҳимоясини ва энергия самарадорлигини ошириш мақсадида бир жинсли бўлмаган жойида қолувчи пенобетон ва пенополистиролдан иборат олинмайдиган қолип ташқи деворларни конструктив ечими ишлаб чиқилиб, улардан тикланган деворлар намунасида иссиқлик физик жиҳатдан ўтказилган назарий ва амалий тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Аннотация: В данной статье приведены результаты теоретических и экспериментальных натурных теплофизических исследований в моделях наружных стен возведенных при помощи несъемной опалубкой из пенобетона и из пенополистирола для повышения уровня тепловой защиты и энергоэффективности жилых и общественных зданий.

Annotation: This article presents the results of theoretical and experimental full-scale thermo physical studies in the models of external walls constructed using fixed formwork made of foam concrete and expanded polystyrene to increase the level of thermal protection and energy efficiency of residential and public buildings.

Ҳозирги даврда бутун дунёда табиий ёқилги энергия захираларини тежаш, ер атмосферасида парник эффектини ҳосил қилувчи газларни (CO₂) камайтириш, атмосферани экологиясини асраш ва энергия самарадор бино ва иншоотлар қуриш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Бу масала Ўзбекистон республикаси президенти Ш. М. Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган “2017-2021 йиллар Ўзбекистонни ривожланиш ҳаракатлар стратегиясида” ҳам кўзда тутилган.

Иссиқлик энергиясини 50-60 (%) фойизи бино ва иншоотларни иситиш ва одамларнинг маиший эҳтиёжларини қондириш учун сарф бўлар экан. Биноларни иситиш учун сарф бўлаётган иссиқлик миқдорининг 40-50 фойизи ташқи тусиқ конструкциялар ва деворлар орқали йўқолади. Шу сабабли биноларни ташқи деворларини турли конструктив ечимлар орқали, ҚМҚ 2.01.04-97* талабларига асосан, иссиқлик ҳимоясини яъни энергия самарадорлигини ошириш ҳамisha долзарб масалалардан бири бўлиб қолаверади. Шу сабабли ушбу мақолада иссиқлик физик жиҳатдан такомиллаштирилиб,

қаси. Ўзбекистон Республикаси Давлат Архитектура ва Қурилиш Қўмитаси. Тошкент. 2011.


3. СП 23-101-2004. Проектирование тепловой защиты зданий. Москва. 2004.

4. В.Файст. Основные положения по проектированию пассивных домов. Издательство Ассоциации строительных вузов. 2008.

5. Tulakov, E. S., Inoyatov, D. T., & Kurbonov, A. S. (2019). Waterproofing and calculation of the thickness of the insulation of the basement wall of a low-rise energy-efficient house in accordance with domestic and foreign standards and norms. International Journal of Scientific and Technology Research, 8(11), 3311-3314.

6. Тулаков Э.С., Иноятлов Д.Т., Қурбонов А.С. Архитектура. Қурилиш. Дизайн. 2019 йил, №1, 56-61 б. ТАҚИ.

турли конструктив ечимга эга, иссиқлик ҳимоясини оширилган ташқи девор намуналаридан ўтказилган назарий ва амалий иссиқлик физик тадқиқотлар натижалари келтирилган. Бунда пенобетон ва пенополистиролдан иборат, қурилишда жойида қолувчи, олинмайдиган девор қолипларини конструктив ечими ишлаб чиқилди. Қолипларни умумий кўриниши ва ҳисобий схемаси 1 ва 2-расмларда келтирилган.




1 – расм. Пенополистиролдан иборат жойида қолувчи девор қолипларини умумий кўриниши.

Ҳозирги пайтда хорижда таркиби турли – туман иссиқлик изоляцияловчи қатламдан иборат ташқи девор конструкциялари лойиҳалаш ва қуриш амалётда қўлланилиб келинмоқда.

Юқорида келтирилган олинмайдиган яъни жойида қолувчи қолиплар ёрдамида тикланаётган деворларда, ҳозирги давргача Ўзбекистон шароити учун, иссиқлик физик жиҳатдан назарий ва амалий тадқиқотлар ўтказилмаган.

Шу сабабли бир жинсли бўлмаган жойида қолувчи олинмайдиган қолип ташқи деворларни конструктив ечими муаллифлар томонидан ишлаб чиқилди. Ушбу бир жинсли бўлмаган ташқи девор конструкцияларини қуйидаги иссиқлик физик ҳисоблари бажарилди.

2-расмда келтирилган пенобетондан иборат олинмайдиган қолип ташқи девор конструкциясини термик иссиқлик узатиш қаршилиги аниқланди.



2-расм. Пенополистирол ва пенобетондан иборат олинмайдиган қолип ташқи деворларнинг конструктив ечими.

Иссиқлик – физик ҳисоблар учун қуйидаги дастлабки маълумотларни қабул қиламиз: 1. Пенобетондан иборат қуйма қолип блокларни зичлиги $\gamma_0 = 400 \text{ кг/м}^3$, иссиқлик ўтказувчанлик коэффиценти $\lambda = 0,14 \text{ Вт/м}^0\text{С}$; 2. Оғир бетон, зичлиги $\gamma_0 = 2400 \text{ кг/м}^3$, иссиқлик ўтказувчанлик коэффиценти $1,74 \text{ Вт/м}^0\text{С}$; 3. Пенобетон, $\gamma_0 = 400 \text{ кг/м}^3$, иссиқлик ўтказувчанлик коэффиценти $\lambda = 0,14 \text{ Вт/м}^0\text{С}$. [1,3].

Бу конструкция иссиқлик оқими йўналишига параллел ва перпендикуляр жойлашган бир жинсли бўлмаган қурилиш материалдан иборат. Конструкцияни иссиқлик оқими йўналишига параллел бўлган текислик билан кесиб, I, II, III, қисмларга ажратамиз.

Бу конструкциянинг термик иссиқлик узатиш қаршилигини қуйидаги формула ёрдамида аниқлаймиз(1,2) .

$$R_{II} = \frac{F_I + F_{II} + F_{III} + \dots}{\frac{F_I}{R_I} + \frac{F_{II}}{R_{II}} + \frac{F_{III}}{R_{III}} + \dots}$$

бу ерда, R_I, R_{II}, R_{III} – алоҳида олинган қатламларнинг термик иссиқлик узатиш қаршилиги, $\text{м}^2 \text{ }^0\text{С/Вт}$, F_I, F_{II}, F_{III} – алоҳида қисмларнинг юзалари, м^2 ;

$$R_{II} = \frac{0.05 + 0.30 + 0.05}{\frac{0.05}{3.571} + \frac{0.30}{2.913} + \frac{0.05}{3.571}} = \frac{0.40}{0.131} = 3.053 \text{ м}^2 \text{ }^0\text{С/Вт}.$$

Конструкциянинг иссиқлик оқими йўналишига перпендикуляр бўлган текислик билан кесиб, 1, 2 ва 3та қатламга ажратамиз. (2-расм).

1-ва 3-қатлам, пенобетон
 $R = R = 0,20/0,14 = 1,428 \text{ м}^2 \text{ }^0\text{С/ Вт}.$

Иккинчи қатламнинг термик иссиқлик узатиш қаршилиги

$$R_2 = \frac{\delta_2}{\lambda_{yp}} = \frac{0.10}{1.34} = 0.075 \text{ м}^2 \text{ }^0\text{С/Вт}$$

демак,

$$R_{\perp} = R_1 + R_2 + R_3 = 1.428 + 0.075 + 1.428 = 2.931 \text{ м}^2 \text{ }^0\text{С/Вт}.$$

Бир жинсли бўлмаган конструкциянинг иссиқлик ўтказувчанлик қаршилиги қуйидаги формула ёрдамида аниқланади(1).

$$R = \frac{R_{II} + 2R_{\perp}}{3} = \frac{3.053 + 2 \times 2.931}{3} = 2.971 \text{ м}^2 \text{ }^0\text{С/Вт}.$$

Пенобетондан иборат бир жинсли бўлмаган девор конструкциясини умумий иссиқлик узатиш қаршилигини аниқлаймиз.

$$R_{ум} = R_u + R_T = 0,116 + 2,971 + 0,043 = 3,129 \text{ м}^2 \text{ }^0\text{С/Вт}.$$

Назарий иссиқлик-физик тадқиқотлар натижасидан қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин:

Биз тавсия этаётган пенобетондан иборат олинмайдиган қолип девор конструкциясини умумий иссиқлик ҳимояси ҚМҚ 2.01.04-97*да келтирилган иссиқлик ҳимоясини барча даража талабларига жавоб беради;

Худди ушбу услубда аниқланган пенопластдан иборат олинмайдиган қолип ташқи девор конструкциясини умумий иссиқлик узатиш қаршилиги $R_{ум} = 2,49 \text{ м}^2 \text{ }^0\text{С/Вт}$ экан. Пенобетондан иборат олинмайдиган қолип девор конструкциясини умумий иссиқлик узатиш қаршилиги $R_{ум} = 3,129 \text{ м}^2 \text{ }^0\text{С/Вт}$ бўлиб бу катталиклар ҚМҚ 2.01.04-97* да келтирилган иссиқлик ҳимоясининг 2-даражасини иссиқлик узатиш қаршилигидан 42 % ва 3- даражасидан 17% катталиги сабабли, бинони энергия самардорлигини оширади.

Пенобетон ва пенопластдан иборат олинмайдиган қолип ташқи девор конструкцияларида назарий жиҳатдан олиб борилган иссиқлик физик тадқиқотларни амалий жиҳатдан асослаш учун, кафедра лабораториясида тажрибалар ўтказилди. Тажрибалар доцент Ғ. Шукуров раҳбарлигида магистрлар Қ. Элмуродов, С. Одинаева ва кафедра ўқитувчилари Ф. Фозилов ҳамда М. Эгамовалар иштирокида ўтказилди. Тажрибалар Ўз РСТ 809-97 “Тўсиқ конструкцияларининг иссиқлик узатишга қаршилигини аниқлаш” стандарт талаблари асосида

бажарилди (4). Тайёрланган пенопласт ва пенобетондан иборат бир жинсли бўлмаган девор намуналари“ Бино ва иншоотлар” кафедраси лабораториясида ўрнатилди. Ўрнатилган ташқи девор намуналарида қуйидаги иссиқлик-физик кўрсаткичлар аниқланди: 1. Девор қатламларидаги ҳарорат; 2. Тажриба ўтказилаётган хонадаги ҳарорат; 3.Ташқи ҳаво ҳарорати; 4. Девор намунасида ўтаётган иссиқлик оқими (микдори); 5. Ташқи девор намунасини ташкил этган қатлам материалларини иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентлари.

Ўтказилган тажриба тадқиқотларидан маълум бўлдики пенобетондан иборат олинмайдиган қолипда девор намунасида тажрибада аниқланган умумий иссиқлик узатишга қаршилиги $R_v = 2,204 \text{ м}^2 \cdot \text{°C} / \text{Вт}$ бўлиб, пенополистиролдан иборат олинмайдиган қолипда ташқи девор конструкциясини умумий иссиқлик ўзатиш қаршилиги $R_v = 2.72 \text{ (м}^2 \cdot \text{°C) / Вт}$ экан.

Демак пенобетондан иборат уч қатламли девор намунасини иссиқлик узатиш қаршилиги $2.204 \text{ (м}^2 \cdot \text{°C) / Вт}$ бўлиб , ҚМҚ 2.01.04-97* да келтирилган иссиқлик ҳимоясини биринчи ва иккинчи даража талабларига жавоб беради. Иссиқлик ҳимоясини учинчи талабларига жа-

воб бариш учун пенобетонни қалинлигини ошириш лозим. Агар биз деворни икки сиртидаги пенобетонни қалинлигини 15 см. олсак у ҳолда ушбу даворнинг иссиқлик узатиш қаршилиги $3.26 \text{ (м}^2 \cdot \text{°C) / Вт}$ бўлар экан. Демак пенобетондан иборат олинмайдиган қолипда деворнинг умумий қалинлиги 450 мм. ва умумий иссиқлик узатиш қаршилиги $3.26 \text{ (м}^2 \cdot \text{°C) / Вт}$ бўлиб, ҚМҚ 2.01.04-97* талабларида келтирилган иссиқлик ҳимоясини барча талабларга жавоб беради экан. Бундай ҳолат янги намунавий лойиҳа асосида қурилаётган турар жой ва жамоат биноларини энергия самарадорлигини оширади.

Адабиётлар:

1. Шукуров Ғ., Исломова Д. Ғ. Қурилиш физикаси. Дарслик, “Янги аср авлоди”. Тошкент 2018 й. 226 с.
2. Фокин К. Ф. Строительная теплотехника ограждающих частей здания. Москва. «Стройиздат», 1973 г. 286 с.
3. ҚМҚ 2.01.04-97* Қурилиш иссиқлик техникаси. Тошкент, 2011й.
4. Ўз РСТ 809-97 “Ўсиқ конструкцияларининг иссиқлик узатишга қаршилигини аниқлаш”. Тошкент, 1997 й.

ЙЎЛ ВА КЎПРИКЛАРДА КУЛРАНГ АСФАЛТБЕТОНЛИ КОМПОЗИТ ҚОПЛАМАЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ҚЎЛЛАШ

Хушвақтов Усмон Норқобилович

Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси бош мутахассиси

Ядгаров Сирожиддин Номозович, Тошкент давлат транспорт университети

Худойбердиев Мансур Дилмуротович, Самарқанд давлат архитектура қурилиш институти

Аннотация. Мақолада сульфатбитум асфалт қопламасининг ўтказилган синовлари шуни кўрсатадики, икки йил давомида қуйма сульфурбитум асфалтидан қопламали йўллар майдонларида қуйма сульфитбитум асфалтининг турли хил ҳаракатланиш интенсивлигига бўлган йўллари ўзгармади ва хусусиятларига мос келди.

Калит сўзлар: бетон; олтингургурт; серобетон; ишлаб чиқариш; бошқарув; сифат; ўзгартириш; полимер бетон; хом ашёлар; чекиниш; экология; испитиания; ёрилиш; асфалтбетон; трек; кийиш; синов усуллари; лаборатория тадқиқотлари; синов комплекслари; юклаш; ҳаракат тезлиги.

Аннотация. Проведенные в статье испытания сульфатно-битумного асфальтового покрытия показывают, что в течение двух лет пути литого серобитумного асфальта из литого серобитумного асфальта до различной интенсивности движения на участках дорог с твердым покрытием не менялись и соответствовали своим свойствам.

Ключевые слова: бетон; олтингургурт; серобетон; производство; менеджмент; качество; изменение полимербетон; сырье; отступление; экология; испитиания; растрескивание; асфальтобетон; треккинг; носить; методы испытаний; лабораторное исследование; тестовые комплексы; скачать; скорость передвижения.

Annotation. The carried-out tests of a cast sulphurbitumen asphalt paving show that after two years of operation of a paving from a cast sulphurbitumen asphalt on sites of roads to various intensity of movement of property of a cast sulphurbitumen asphalt didn't change and corresponded to properties of a cast sulphurbitumen asphalt in course of the paving device on the basis of what it is possible to draw a conclusion that cast sulphurbitumen asphalt is steady against influences of mechanical loadings and pogodno-climatic conditions.

Keywords: concrete; sulfur; serobeton; production; control; quality; modification; polymer concrete; raw materials; withdrawal; ecology; ispytianiye; crack paving; asphalt concrete; track; wear; test methods; laboratory researches; test complexes; loading; movement speed.

Кириш: Амалиёт шуни кўрсатадики, асфальтбетон қопламалар меъёрий ҳужжатларда келтирилган кафолат муддатидан олдин де-

формацияланади. Фойдаланишга топширилгандан сўнг, биринчи йилнинг ўзидаёқ таъмирлашни талаб этади. Эрта бузилишлар ва дефор-

мацияларнинг сабаблари қуйидагилардан иборат: юқори транспорт интенсивлиги, бир ўққа тушадиган юкларнинг ортиши, қурилиш технологияси ва ишлаб чиқаришнинг бузилиши, шунингдек, ишлатиладиган материалларнинг сифати пастлиги.

Йўл қопламаларининг хизмат муддатини чўзиш муаммоларининг ечимларидан бири ижобий ва салбий ҳароратлар ўзгариши шароитида ишончли ишлайдиган ва аксинча, оғир автомобиль транспортининг таъсири остида ишлайдиган материал олиш вазифаси билан боғлиқ.

Асфалтбетон-чақиқтош, кум, минераль кукун ва боғловчилардан иборат композицион материал. Боғловчи сифатида ҳар хил вискозитив ва битумли мастикаларнинг битумларидан фойдаланилади.

Асфалтбетоннинг афзалликлари ва камчиликларини кўриб чиқинг.

Афзалликлари:

- мустаҳкамлиги;
- сув ўтказмаслиги;
- овоз ютувчанлик;
- вақт синовидан ўтган қурилиш ва

таъмирлаш технологияси;

- ташкилотларнинг зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланиши;
- нисбатан арзон нархлардаги.

Камчиликлари:

о юқори ҳароратларда пластик деформацияга паст қаршилиқ;

о паст ҳароратларда паст ёриқ қаршилиқ;

о қаришга таъсир қилиш, натижада физик-механик хусусиятларнинг ўзгариши ва материалнинг хиралашуви ортади.

Юқори ўққа тушадиган юкларни ва юқори транспорт интенсивлиги ўсиши даврида, замонавий йўл қопламалари юқори ёз ҳароратларда ортиб кесиш барқарорликни таъминлаш керак, паст ҳароратларда қаршилиқ ёрилиш ва деисинг материаллар (кимёвий реагентлар) таъсири остида юқори чириш қаршилиқ.

Шу билан бирга, йўл қопламалари чидамчилигини баҳолашда тўғри рол қаршилиқ, юқори тезликда оғир трафик таъсирини қарши туриш учун материаллар қобилятини, шунингдек шитирлаши резина ва бошқа турли омиллар таъсирини кийиш берилади.

Ўзбекистонда ва чет элларда асфалтбетон йўлларнинг функционал ишончилигини ошириш ҳозирги вақтда йўл қопламаларининг транспорт-эксплуатацион хусусиятларини яхшилашга ёрдам берувчи турли ўзгартирувчи кўшимчалардан фойдаланиш билан боғлиқ. Бундай ўзгартирувчиларга: полимер термопластика, резина крошка ва бошқалар киради.

Функционал технологик параметрларни механик таъминлаш талаб қилинадиган истеъмол хусусиятларини таъминламаслиги мумкин.

Модификацияланган олтингургуртдан фойдаланишни назарий асослаш:


Олтингургурт табиатда жуда кенг тарқалган кимёвий элемент ҳисобланади (ер қобиғидаги ўртача миқдори оғирлик бўйича 0,05%, денгиз ва океанлар сувида – 0,09%). Олтингургурт ва унинг бирикмалари қаттиқ, суюқ ва газ ҳолатларида мавжуд. Энг кенг тарқалган вакили қаттиқ (она) олтингургурт ва унинг металллардаги минерал-сульфидлари, бундай мис ялтироғи (FeS_2), мис колчедани (CuFeS_2), кўрғошин ялтироғи (PbS), рух ялтироғи (ZnS), спхалерите (ZnS), шунингдек, сульфат жинслар – барит (BaSO_4) ва гипс ($\text{CaSO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$). Бундан ташқари, олтингургурт табиий кўмир ва оксил органларининг бир қисмидир. Енг кўп тарқалган газсимон олтингургуртли бирикма водород сульфид (H_2S) ҳисобланади. Табиатда энг кам тарқалган суюқ олтингургурт бўлиб, у нефт таркибида органо-сулфур бирикмасидир. Физик хоссаларига кўра олтингургурт икки модификацияда барқарор қаттиқ кристалл модда: зичлиги 2.07 г / см^3 ($T_{\text{пл}}=112.8 \text{ }^\circ\text{C}$) бўлган лимон-сарик рангли ромбик $\alpha\text{-S}$ ва зичлиги 1.97 г/см^3 бўлган асал-сарик рангли моноклиник $\beta\text{-S}$ ($T_{\text{пл}}=119.3 \text{ }^\circ\text{C}$). Иккала модификация ҳам мустаҳкам бўлмаган саккиз аъзоли циклик S_8 молекулаларидан Корона шаклида қурилади ва бир-биридан фақат кристалл панжара молекулаларининг ўзаро йўналганлиги билан фарқ қилади. Ёритиш жараёнида модда 160°C дан юқори ҳароратда кўнғир тусда ҳаракатчан сарик суюқликка, 190°C атрофида еса ёпишқоқ тўқ жигарранг массага айланади. $250\text{-}300^\circ\text{C}$ гача қиздирилган эритилган олтингургуртнинг ингичка оқими совуқ сувга қуйилса, пластик олтингургурт деб аталадиган кўнғир-сарик эластик масса ҳосил бўлади. Олтингургурт иссиқлик ва электр энергиясини яхши ўтказмайди. Сувда деярли эриймайди, этанол, гексан ва гептанда кам эрийди ва толуол ва бензолда бироз яхши. Энг яхши олтингургурт еритувчилари суюқ аммиак (босим остида), углерод дисульфид (CS_2) ва олтингургурт монохлорид (S_2Cl_2). Охириги икки бирикма саноатда ишлатилади (масалан, S_2Cl_2 -каучукни вулканизациялашда). Олтингургуртнинг кимёвий хоссалари унинг ўзгарувчан валентлигига боғлиқ, шунинг учун яратилган шароитга қараб модда оксидловчи ёки камайтирувчи агент вазифасини бажаради. Олтингургурт кимёвий фаол модда бўлиб, N_2 , I_2 , Au , Pt ва инерт газлар бундан мустасно, деярли барча кимёвий элементлар билан бирикиши мумкин. Ҳавода 300°C дан юқори ҳароратда CO_2 иштирокида оксидлар ҳосил қилади: SO_2 -олтингургурт ангидриди ва SO_3 -олтингургурт ангидриди, улар ўз навбатида сульфатли ва сульфат кислота ҳамда уларнинг тузлари – сульфитлар ва сульфатлар ҳосил қилади. Нормал шароитда олтингургурт F_2 билан бирикади ва қиздирилганда Cl_2 билан таъсир-

лашади. Бром билан S фақат S_2Br_2 ҳосил қилади. Ҳарорат $150-200^\circ C$ гача кўтарилганда водород сулфид ишлаб чиқариш учун H_2 билан қайтмас реакция содир бўлади. Бундан ташқари, олтингугурт умумий формуласи H_2S_x (сулфанес деб аталади) билан кўп олтингугуртли водород ҳосил қилади. Таниқли ва кўплаб органик олтингугурт бирикмалари.

Модификацияланган олтингугуртдан асфальтбетон қоришмасида фойдаланишни асослаш: Олтингугурт асфальтбетонда битум ва чакиктош орасидаги боғловчи вазифасини бажаради, чакиктош донаси юзасининг мусбат ва манфий зарядланган микропрепаратлари билан юқори адгезион хоссаларга эга бўлиб, битум ва чакиктош орасидаги адгезион хоссаларни оширади. Каврамалар битта зарядли зарралар орқали эмас, балки чипнинг бутун геометрияси орқали ишлайди. Шунинг учун, янги композитлар сирт фаол моддалар (сирт фаол моддалар, тош материалга юқори чидамлик даражаси) фойдаланишни талаб қилмайди (1-расм).

Кулранг асфальтбетон синовлари: Эритилган кулранг асфальтбетон йўл қопламасида ўтказилган синовлар шунинг кўрсатадики, эксплуатацияга топширилгандан 2 йил кейин, ҳаракат жадаллиги турли ҳил бўлган автомобиль йўллари қисмларида кулранг асфальтбетоннинг хусусиятлари ўзгармади ва йўлга кулранг асфальтбетон ётқишиш жараёнида эритилган кулранг асфальтбетоннинг хусусиятларига (1 жадвал) мос бўлиб, улар асосида эритилган кулранг асфальтбетон механик юқларга ва экс-

тремаль об-хаво ва иқлим шароитларига чидамли деган хулосага келиш мумкин.



1-расм. Асфальтбетон қоришмасининг кўриниши: а) асфальтбетон тузилиши, б) кулранг асфальтбетон тузилиши

Донадорлик таркибини танлаш натижасида куйма кулранг асфальтбетон аралашмасининг минерал компонентлари орасидаги оғирлик бўйича фоиз нисбати аниқланди. Куйма кулранг асфальтбетон учун боғловчи таркиб олдиндан танланган эди. Битум ва олтингугурт микдори ишлаб чиқариш пайтида созилаши керак. Эритилган кулранг асфальтбетон қоришмасининг таркиби (2 жадвал) кўрсатилган.

Танланган композиция, эритилган кулранг асфальтбетон қоришмаси МАДИ лабораториясида ва "ВНИИГАЗ" МЧЖда тайёрланди.

Иссиқ технология ёрдамида лабораторияда аралашмалар тайёрлашда аввал минерал материаллар (майдаланган тош, кум, минерал кукун) олдиндан қуритилиб, битум сувсизланганди. Кулранг асфальтбетоннинг физик-механик хусусиятлари (3 жадвал) келтирилган.

1 жадвал

Кўрсаткичлар	Кернлар танланган объектлар				
	ВАО, бош. йўл ВВЦ	ВАО, р-н Косино	ВАО, к-т «Янтарь»	ЮЗАО, ОЭБ ВНИИГАЗ	Қрылатский кўприги,
Йўл қопламасига ётқирилганда куйма кулранг асфальтбетон қоришмасининг хоссалари					
Аралашманинг ўртача зичлиги, $г/см^3$	2,32	2,38	2,049	2,368	2,443
Сувга тўйиниш, %	0,27	0,28	0,34	0,19	0,18
Сурилишдаги мустаҳкамлик чегараси, МПа	0,89	0,91	0,67	0,94	0,95
Бўлинишдаги мустаҳкамлик чегараси, МПа, $0^\circ C$ ҳароратда	3,7	3,8	3,1	3,8	3,95
Эгилишдаги мустаҳкамлик чегараси, МПа, $50^\circ C$ ва $20^\circ C$ ҳароратда	1,16 2,0	1,35 2,1	1,0 1,9	1,56 2,28	1,67 2,2
Сувга чидамлилиги	0,99	0,99	0,98	0,99	0,99
Узоқ муддатли сувга чидамлилик	0,96	0,96	0,95	0,96	0,97
Куйма асфальтбетон қоришмасининг эксплуатация қилингандан кейинги хоссалари					
Аралашманинг ўртача зичлиги, $г/см^3$	2,32	2,38	2,048	2,368	2,44
Сувга тўйиниш, %	0,29	0,28	0,35	0,19	0,2
Сикилишдаги мустаҳкамлик чегараси, МПа, $50^\circ C$ ва $20^\circ C$ ҳароратда	3,1 4,0	3,3 4,15	2,9 3,5	3,5 4,2	3,75 4,3
Сурилишдаги мустаҳкамлик чегараси, МПа	0,89	0,91	0,67	0,94	0,95
Бўлинишдаги мустаҳкамлик чегараси, МПа, МПа, $0^\circ C$ ҳароратда	3,7	3,8	3,1	3,8	3,95

Кўрсаткичлар	Кернлар танланган объектлар				
	ВАО, бош. йўл ВВЦ	ВАО, р-н Косино	ВАО, к-т «Янтарь»	ЮЗАО, ОЭБ ВНИИГАЗ	Крылатский кўприги,
Чўзилиш ва эгилишдаги мустаҳкамлик чегараси, МПа, 50°C ва 20°C хароратда	1,15 2,0	1,3 2,1	1,0 1,9	1,55 2,28	1,6 2,2
Сувга чидамлилиги	0,98	0,98	0,97	0,98	0,98
Узоқ муддатли сувга чидамлилиги	0,968	0,967	0,95	0,968	0,97


2 жадвал

Таркиби, %					
Чакиктош	Отсев	Қум	Битум	Олтингугурт	Минераль кукун
47,0	0,0	36,0	6,5	4,5	24,0

3 жадвал

Кўрсаткичлар	Куйма асфальто-бетон ТУ 400-24-258-89	Куйма олтингугуртли асфальтобетон ТУ 5718-002-536375 04
Урғача зичлиги, кг/м ³ .	2395	2443
Пористость минерального остова % от объема	21	18
Сувга тўйиниш, %	0,3	0,17
Сиқилишдаги мустаҳкамлик чегараси, МПа, 20°C хароратда	2,74	4,3
Сиқилишдаги мустаҳкамлик чегараси, МПа, 50°C хароратда	0,71	3,75
Сиқилишдаги мустаҳкамлик чегараси, МПа, 0°C хароратда	7,39	9,3
Сурилишдаги мустаҳкамлик чегараси, МПа	0,95	3,45
Бўлинишдаги мустаҳкамлик чегараси, МПа	1,79	3,95

Эритилган кулранг асфальтобетон аралашмаси махсус лаборатория аралаштиригичида тайёрланди. Асфальтобетон ва кулранг асфальтобетоннинг физик-механик хусусиятлари солиштирилди (2-расм).



2-расм: Асфальтобетон ва кулранг асфальтобетоннинг физик-механик хусусиятлари

Таркиби билан белгиланган миқдорда минерал материаллар билан 160-170°C хароратга, вақти-вақти билан аралаштириб, иситилади ва иситилмайдиган минерал кукун, олтингугурт зарур миқдорда қўшиб, бир идиш ичига тартиби ва алоҳида идиш боғловчи иситилади.

Хулосалар: Кавитация технологиясига асосланган ҳолда Ўзбекистонда модификацияланган олтингугурт ишлаб чиқаришни (наноматериал хоссага эга боғловчи сифатида) ташкил этиш лозим.

Ўтган йигирма йил мобайнида назарий база шакллантирилди (жараён тавсифи, аппарат ди-

зайни, ЕХМ таъсирини тасдиқловчи тадқиқот натижалари, бу жараённи ўтказиш вақтини қисқартириш ва юқори сифатли минерал олиш имконини беради). Олтингугуртли композитлар (масалан, цемент) ишлаб чиқариш ва турли модификаторлардан фойдаланишнинг турли усуллари бўйича патент тадқиқоти ўтказилди. Олтингугуртнинг кополимер сифатида жараёнлари ва хоссалари ўрганилади ва унинг технологик характеристикаси сифатида тирик қолиши батафсил таҳлил қилинади.

Муаллифлар “Бошқариладиган хоссаларга эга модификацияланган олтингугуртга асосланган композицион йўл материаллари” илмий йўналишини: бошқариладиган бир хилликни таъминлаш; рецептларни бошқариш, керакли тизим ва функционал хусусиятларни таъминлаш; аралашмаларни барқарорлаштириш вазифасини таъминлаш.

Рецептлар хусусиятлари билан эмас, балки давлатлар томонидан ишлаб чиқишнинг янги концепцияси айтилади.

Ишлаб чиқарилган олтингугурт асосидаги композицион материалларнинг ҳомогенлик кўрсаткичларини бошқариш учун хатти-ҳаракатни назорат қилиш ва керакли тизим хусусиятларини таъминлаш ва уларни ҳақиқий иқлим ва операцион шароитларга мослаштириш учун ўзгартириш керак.

Хулоса ва тавсиялар: “Бошқариладиган хоссаларга эга бўлган модификацияланган олтингугуртга асосланган композицион йўл материаллари” илмий йўналиши шаклланди.

Йўл қурилиш материаллари ва уларни қўллаш билан йўл ва кўприк иншоотларининг

қурилмаларини ишлаб чиқариш технологияси ишлаб чиқилган.

Москвадаги йўл ва кўприк иншоотларида модификацияланган олтингугурт асосидаги композицион йўл наноматериалларини кенг миқёсда қўллаш амалга оширилди [9-11].

Ишлаб чиқилган патентланган технология кенгайтирилган фойдаланиш учун таклиф этилади. Ўзбекистон Республикасида паст навли битумдан фойдаланиш муаммосини ҳал қиладиган йўлларни қуриш ва таъмирлаш учун серобитум асфальтбетон қоришмалари технологиясини қўллаш таклиф этилади, шунингдек, очик домкратларда олтингугурт миқдорини камайтириш ва атроф-муҳитни чанглатиш масаласини қисман ҳал қилади.

Адабиётлар:

1. Йўл қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда сифат назоратини ташкил этишнинг статистик усуллари/Кочетков А.В., Василев Ю.Е., Каменев В.В., Шляфер В.Л./Сифат. Инновациялар. Тарбия. уз 2011. №5 (72). П. 46-51.

2. Йўл хўжалиги сифатини бошқариш тизимини ахборот таъминоти тузилмасини лойиҳалаш/ Кочет-

ков А.В., Гладков В.Ю./фан интернет журналы Немчинов.2013.№3(16). П. 72.

3. Экопарклар яратиш учун геоимплант тузилмаларни қўллаш/Янковский Л.В., Кочетков А.В./ Россия экологияси ва саноати. 2011. йўқ. 5. Пп. 32-34.

4. Йўл хўжалиги инновацион фаолиятининг ташкилий-иқтисодий механизми/Арзханухина С.П., Сухов А.А., Кочетков А.В., Янковский Л.В./ минтақанинг инновацион Ахборотномаси. 2012. № 4. П. 40-45.

5. Йўл хўжалигида инновацион фаолиятни ривожлантириш истиқболлари/Кочетков А.В., Янковский Л. В./ инновацион транспорт. 2014. йўқ. 1 (11). П. 42-45.

6. Василюев Ю.Е. Кул асфальтбетон ва кулранг цементбетон учун боғловчи сифатида материал сифатида олтингугуртни қўллашнинг физик ва кимёвий асослари// Ю.Е. Василюев., Н.В Сарйчев. И.Ю Мотин., А.В. Кочетков халқаро илмий конференция материаллари тўплами, Россия, Киров, июн 24-25, 2013. А.В томонидан таҳрир. 2013-Йил Пк Киров. 64-71.

7. Транспорт қурилиши учун инновацион экологик тоза олтингугуртли композицион материаллар/ Ю.Е. Василюев., Шубин А.Н./Саноат ва фуқаро қурилиши. 2015.12. Пп. 8-13.

УДК 691.(115+311):536.2

ГИПС ВА ЁҒОЧ ҚИПИҚЛАРИ АСОСИДА ОЛИНГАН МАТЕРИАЛНИНГ ИССИҚЛИК ЎТКАЗУВЧАНЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Mahmudov Mirzadjon, texnika fanlari nomzodi, dotsent;

Mahmudova Sharofat, katta o'qituvchi; **Saidmurodova Sarvara Muzaffarovna**, magistrant Samarqand davlat arxitektura-qurilish instituti

Аннотация. Мақолада гипс ва ёғоч қириндилари ҳамда асосида олинган қурилишбоп материалнинг иссиқлик ўтказувчанлик хусусиятларини экспериментал тадқиқ қилиш натижалари келтирилган, иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентининг материал намлигига боғлиқлик қонуниятини аналитик ифодалаш учун эмпирик формула тавсия қилинган ва аппроксимациянинг статистик таҳлили келтирилган.

Калит сўзлар: гипс, ёғоч қипиқи, иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти, намлик, регрессия тенгламаси, аппроксимация, қолдик дисперсия, тасодифий хатолик дисперсияси, Фишер критерийси.

Теплопроводность материала, полученного на основе гипса и древесных опилок.

Аннотация. В статье представлены результаты экспериментального исследования теплопроводности материала полученного на основе гипса и древесных опилок, предложена эмпирическая формула для аналитического выражения зависимости коэффициента теплопроводности от влажности материала и приведены результаты статистического анализа аппроксимации их.

Ключевые слова: гипс, опилка, теплопроводность, влажность, уравнение регрессии, приближение, остаточная дисперсия, дисперсия случайной ошибки, критерий Фишера.

Thermal conductivity of a material obtained based on gypsum and woody sawdust.

Annotation. The article presents the results of an experimental research of the thermal conductivity of a material obtained on the basis of gypsum and woody sawdust, an empirical formula is proposed for the analytical expression of the dependence of the thermal conductivity coefficient on material moisture, and the results of a statistical analysis of their approximation are presented.

Keywords: gypsum, wood chips, thermal conductivity, humidity, regression equation, approximation, residual dispersion, random error variance, Fisher's criterion.

Бинолардаги ташки тўсиқ конструкцияларнинг эксплуатацион хусусиятлари кўп жиҳатдан уларни ташкил материалларнинг иссиқлик ўтказувчанлик хусусиятига ва намлик ҳолатига боғлиқ бўлади.

Мақолада гипс ва ёғоч қириндилари асосида (1:1,5 ҳажмий нисбатда) олинган зичлиги $\gamma_0 = 280 \text{ кг/м}^3$ бўлган материал (“гипсқипиқбетон”

деб аташ мумкин) учун иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти λ нинг материал намлиги ω га боғлиқлик қонуниятини тадқиқ қилиш бўйича ўтказилган экспериментал тадқиқотлар натижаси келтирилган (1-жадвал). Жадвалда иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти λ нинг $[\text{Вт}/(\text{м}\cdot^\circ\text{C})]$ қийматлари y_i билан, материал намлиги ω нинг (%) қийматлари x_i билан белги-

ланган.

1-жадвал

Зичлиги $\gamma_0 = 280 \text{ кг/м}^3$ бўлган “гипскипик-бетон” учун иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентини λ нинг материал намлиги ω га боғлиқлик қонуниятини тадқиқ қилиш бўйича ўтказилган эксперимент натижалари

№	1	2	3	4	5	6	7	8	9
x_i	0	0	0	0,303	1,21	1,917	3,53	7,14	10,45
y_i	0,1648	0,1692	0,1558	0,1743	0,1792	0,1854	0,1907	0,2318	0,2372

1-жадвалда келтирилган эксперимент натижалари бўйича гипс ва ёғоч қипиқлари асосида олинган зичлиги $\gamma_0 = 280 \text{ кг/м}^3$ бўлган материал учун иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентини λ нинг материал намлиги ω га боғлиқлик қонуниятини ифодаловчи регрессия тенгламасининг адекватлигини текшириш учун экспериментни такрорий ўтказишда тасодифий хатоликлар туфайли ҳосил бўладиган дисперсия s_e^2 нинг қийматини билиш талаб қилинади. Натижалари юқоридаги жадвалда келтирилган экспериментал тадқиқотларда материалнинг намлиги $x=0$ бўлган ҳол учун иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти y_i нинг қийматлари 3 марта такроран аниқланган. Уларнинг ўртача қиймати

$$\bar{x} = \frac{0,1648 + 0,1692 + 0,1558}{3} = 0,1632 \text{ га тенг.}$$

У ҳолда экспериментни такрорий ўтказишда тасодифий хатоликлар туфайли ҳосил бўладиган дисперсия s_e^2 нинг қиймати [1] даги (3.8) формула ёрдамида аниқланган қиймати

$$s_e^2 = \frac{(0,1648 - 0,1632)^2 + (0,1692 - 0,1632)^2 + (0,1558 - 0,1632)^2}{3 - 1} = 0,0000486$$


га тенг бўлади.

1-жадвалда келтирилган эксперимент натижаларини қуйидаги 2-жадвал кўринишда ифодалашимиз мумкин.

2-жадвал

№	1	2	3	4	5	6	7
x_i	0	0,303	1,21	1,917	3,53	7,14	10,45
y_i	0,1632	0,1743	0,1792	0,1854	0,1907	0,2318	0,2372

Гипс ва ёғоч қипиқлари асосида олинган зичлиги $\gamma_0 = 280 \text{ кг/м}^3$ бўлган материал учун иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентини λ нинг материал намлиги ω га боғлиқлиги тадқиқ қилиш натижаларининг Декард координата системасида тасвирланган графиги 1-расмда кўрсатилган.



1-расм. Эксперимент натижаларининг график тасвири.

Графикдан кўриниб турибдики, гипс ва ёғоч қипиқлари асосида олинган материал учун иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти λ нинг материал намлиги ω га боғлиқлик қонуниятини аппроксимациялаш учун чизикли тенгламадан фойдаланса бўлади. Регрессия чизиги формасини ифодаловчи регрессия тенгламасини $y = b_0 + b_1 \cdot x$ кўринишда излаймиз.

Эксперимент натижаларига ишлов беришда регрессион анализнинг вазифаси тажриба натижалари асосида графикда белгиланган, масалан, ушбу экспериментдаги 7 та экспериментал нукталарнинг текисликдаги ҳолатини билган ҳолда оптимал регрессия функциясининг кўринишини аниқлашдан иборат. Бунда регрессия тенгламаси шундай танланиши керакки, OY ўқи йўналишида экспериментал нукталарнинг шу регрессия чизигидан четланишларининг квадратлари Δ_i^2 ларнинг йиғиндиси минимал бўлсин. Буни амалга ошириш учун энг кичик квадратлар методидан фойдаланамиз. Энг кичик квадратлар методининг аналитик ифодаси қуйидагича [1] бўлади:

$$S = \sum_{i=1}^n [y_i - (b_0 + b_1 \cdot x)]^2 \rightarrow \min, \quad (1)$$

бу ерда $y_i - (b_0 + b_1 \cdot x) = \Delta_i$.

Шундай қилиб, регрессия тенгламасидаги b_0 ва b_1 номаълум коэффициентларни қуйидаги тенгламалар системасини ечиш орқали аниқлаш мумкин:

$$\begin{cases} b_0 \cdot n + b_1 \cdot \sum x_i = \sum y_i \\ b_0 \cdot \sum x_i + b_1 \cdot \sum x_i^2 = \sum y_i \cdot x_i \end{cases} \quad (2)$$

Бундай тенгламалар системасини детерминантлар усулида ечиш тавсия этилади [2]. У ҳолда

$$\Theta = \begin{vmatrix} n & \sum x_i \\ \sum x_i & \sum x_i^2 \end{vmatrix} = n \sum x_i^2 - (\sum x_i)^2;$$

$$\Theta_{b_0} = \begin{vmatrix} \sum y_i & \sum x_i \\ \sum y_i \cdot x_i & \sum x_i^2 \end{vmatrix} = \sum y_i \cdot \sum x_i^2 - \sum y_i \cdot x_i \cdot \sum x_i;$$

$$\Theta_{b_{0i}} = \left| \begin{matrix} n & \sum y_i \\ \sum x_i & \sum y_i \cdot x_i \end{matrix} \right| = n \cdot \sum y_i \cdot x_i - \sum x_i \cdot \sum y_i.$$

Бундан b_0 ва b_1 коэффициентларни қуйидагича аниқлашимиз мумкин:

$$b_0 = \Theta_{b_0} / \Theta \quad (3) \text{ ва}$$

$$b_1 = \Theta_{b_1} / \Theta \quad (4)$$

Регрессия коэффициентларини аниқлаш учун зарур ёрдамчи ҳисоблашларни жадвал кўринишида бажарамиз (3-жадвал).

3-жадвал

Регрессия коэффициентларини ҳисоблаш учун маълумотлар

№	y_i	x_i	$y_i x_i$	x_i^2
1	0,1632	0	0	0
2	0,1743	0,303	0,052813	0,091809
3	0,1792	1,21	0,216832	1,4641
4	0,1854	1,917	0,355412	3,674889
5	0,1907	3,53	0,673171	12,4609
6	0,2318	7,14	1,655052	50,9796
7	0,2372	10,45	2,47874	109,2025
Σ	1,3618	24,55	5,43202	177,8738

(3) формулага асосан

$$b_0 = \frac{(\sum y_i \cdot \sum x_i^2 - \sum y_i \cdot x_i \cdot \sum x_i)}{[n \cdot \sum x_i^2 - (\sum x_i)^2]} = \frac{1,3618 \cdot 177,8738 - 5,43202 \cdot 24,55}{7 \cdot 177,8738 - 24,55^2} \approx 0,17$$

(4) формулага асосан

$$b_1 = \frac{(n \cdot \sum y_i \cdot x_i - \sum x_i \cdot \sum y_i)}{[n \cdot \sum x_i^2 - (\sum x_i)^2]} = \frac{7 \cdot 5,43202 - 24,55 \cdot 1,3618}{7 \cdot 177,8738 - 24,55^2} \approx 0,007$$

Шундай қилиб, 2-жадвалда келтирилган эксперимент натижалари бўйича гипс ва ёғоч қипиклари асосида олинган зичлиги $\gamma_0 = 280 \text{ кг/м}^3$ бўлган материал учун иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти λ нинг материал намлиги ω га боғлиқлик қонуниятини ифодаловчи регрессия тенгламаси


$$\tilde{y} = 0,17 + 0,007 \cdot x$$

$$\text{ёки } \lambda = 0,17 + 0,007 \cdot \omega \quad (5)$$

кўринишга эга бўлади. Унга мос регрессия чизигининг графиги ва тажриба натижаларини ифодаловчи экспериментал нукталар 2-расмда кўрсатилган.

2-жадвалда келтирилган эксперимент натижалари бўйича гипс ва ёғоч қипиклари асосида олинган зичлиги $\gamma_0 = 280 \text{ кг/м}^3$ бўлган материал учун иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти λ

нинг материал намлиги ω га боғлиқлик қонуниятини ифодаловчи (5) регрессия тенгламасининг адекватлигини текшириб кўрамиз. Бунинг учун бажарилган ёрдамчи ҳисоблар 4-жадвалда келтирилган.



2-расм. Гипс ва ёғоч қипиклари асосида олинган зичлиги $\gamma_0 = 280 \text{ кг/м}^3$ бўлган материал учун иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти λ нинг материал намлиги ω га боғлиқлик қонуниятини ўрганиш натижасида аниқланган экспериментал нукталар ва регрессия чизиги тасвирланган график.

4-жадвал

№	y_i	x_i	\tilde{y}_i	$\tilde{y}_i - y_i$	$(\tilde{y}_i - y_i)^2$
1	0,1632	0	0,1694	0,0062	0,000038
2	0,1743	0,303	0,1715	-0,0028	0,000008
3	0,1792	1,21	0,1778	-0,0014	0,000002
4	0,1854	1,917	0,1828	-0,0026	0,000006
5	0,1907	3,53	0,1941	0,0034	0,000011
6	0,2318	7,14	0,2194	-0,0124	0,000153
7	0,2372	10,45	0,2455	0,0083	0,000069
Σ					0,000287

У ҳолда, экспериментал y_i қийматларнинг (5) регрессия тенгламаси бўйича аниқланган \tilde{y}_i қийматларга нисбатан қолдиқ дисперсияси s_0^2 нинг қиймати

$$s_0^2 = \frac{1}{n - k} \cdot \sum (\tilde{y}_i - y_i)^2 = \frac{0,000287}{7 - 2} = 0,0000574.$$

Экспериментал y_i қийматларнинг (5) регрессия тенгламаси бўйича аниқланган \tilde{y}_i қийматларга нисбатан қолдиқ дисперсияси s_0^2 нинг қийматини экспериментни такрорий ўтказишда тасодикий хатоликлар туфайли ҳосил бўладиган дисперсия s_e^2 билан Фишернинг F-критерийси ёрдамида таққослаймиз.

Фишернинг F-критерийсининг ҳисобий қиймати

$$F_x = s_0^2 / s_e^2 = 0,0000574 / 0,0000486 = 1,18.$$

Бу дисперсияларнинг овоздлик даражалари $f_1 = 7 - 2 = 5$, $f_2 = 3 - 1 = 2$ ва қийматдорлик даражаси $1 - \rho = 0,05$ бўлган ҳол учун F-критерийнинг жадвалий қиймати [1] (3-илова) $F_{ж} = 19,3$ га тенг, яъни

$$F_x = 1,8 < F_{ж} = 19,3.$$

Демак, (5) регрессия тенгламаси намлик ω нинг 0 дан 11 % гача оралигидаги қийматларида гипс ва ёғоч кипиклари асосида олинган зичлиги $\gamma_0 = 280 \text{ кг/м}^3$ бўлган материал учун учун иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентини λ нинг қийматларини башорат қилиш учун яроқли, яъни (5) тенглама адекват тенглама деб хулоса қилиш мумкин.

Адабиётлар:

1. Mahmudov M. Eksperimentni rejalashtirish va natijalariga ishlov berish [Matn]: O'quv qo'llanma / M.Mahmudov. –Samarqand: Zarafshon, 2019. -192 b.
2. Карасев А.И. Теория вероятностей и математическая статистика [Текст] : Учебник / А.И. Карасев. – Москва : Статистика, 1974. – 279 с.

UDK.546.66.64

QURILISHDA GIDRAVLIK BOG'LOVCHI MODDALARNING AHAMIYATI

Shakarov N.J., Eshqobilov Sh.A., Nomirov M.N., Ergashev I.Sh.
Samarqand davlat arxitektura-qurilish instituti

Annotatsiya: Hozirgi vaqtda O'zbekiston Respublikasining qurilish sanoatida va halq xo'jaligining barcha sohasida eng ko'p ishlatiladigan bog'lovchi moddalar ichida birinchi o'rinda portlandsementning ahamiyati juda kattadir. Undan tashqari shlaki sement, Glinazyomli sement, Gazobeton, Ko'pik betonlarning zichligi odatdagi betonlardan ancha yengiligi, kislota va ishxiy muhitlarga chidamliligi, hamda yengil, issiq va tovushni kam o'tkazuvchanligi xossalari va iqtisodiy ko'rsatkichlari jixatidan katta ahamiyatga ega ekanligi o'rganildi.

Kalit so'zlar: shilakli sementlar, gidrovlik bog'lovchi moddalar, shlak, CaO, Al₂O₃, SiO₂ oksidlari, kaltsiy metalalyuminat Ca(AlO₂)₂. tabiiy materiallar, gidroliz, gidratlanish, beton, sement, kaltsiy xlor CaCl₂, gil tuproq, kvarts qumi.

Значение гидравлических связей в строительстве

Аннотация: В настоящее время портландцемент является одним из наиболее широко применяемых вяжущих в строительной индустрии и во всех отраслях экономики Республики Узбекистан. Кроме того, по плотности шлаковый цемент, глиноземистый цемент, пенобетон, пенобетон намного легче обычного бетона, устойчив к кислотным и щелочным средам, а также обладает свето-, тепло- и низкими звукоизоляционными свойствами и экономичностью.

Ключевые слова: Цементный раствор, гидравлические вяжущие, шлак, оксиды CaO, Al₂O₃, SiO₂ алюминат металлического кальция Ca(AlO₂)₂ природные материалы, гидролиз, гидратация, бетон, цемент, хлористый кальций CaCl₂, глинистый грунт, кварцевый песок.

The importance of hydraulic binders in construction

Annotation. Currently, Portland cement is one of the most widely used binders in the construction industry and all sectors of the economy of the Republic of Uzbekistan. In addition, the density of slag cement, alumina cement, aerated concrete, foam concrete is much lighter than conventional concrete, resistant to acid and alkaline environments, as well as light, heat and low sound permeability properties and economic performance.

Keywords: Slurry cement, hydraulic binders, slag, oxides of CaO, Al₂O₃, SiO₂, calcium metal aluminate Ca(AlO₂)₂ natural materials, hydrolysis, hydration, concrete, cement, calcium chloride CaCl₂, clay soil, quartz sand.

Bugungi kunda halq ho'jaligida ishlab chiqarish sanoati va uy-joy qurilishining kun sayin o'sib borishi, qurilish materyallariga bo'lgan ehtiyojini yanada oshirmoqda. Shuning uchun qurilish materiallari hamda ularni ishlab chiqarish texnologiyasini, ulardan yasalgan buyumlar tarkibini bilish va o'rganish har bir quruvchi-muxandis mutaxassislar uchun muximdir.

Bog'lovchi moddalar deb maydalangan kukun shaklida bo'lib suv bilan qorishtirilganda xamir shakliga o'tib o'z-o'zidan qotib, qattiqligini havoda ham, suvda ham saqlay oladigan moddalarga gidravlik bog'lovchi moddalar deyiladi.

Bog'lovchi moddalar mineral va organik bo'ladi, organik bog'lovchi moddalar: smolalar, bitumlar, organik elimlar va hokozolardan iborat bo'ladi. Mineral bog'lovchi moddalar havoda qotuvchi moddalar faqat havoda qotadi. Masalan: ohak, gips, magnizal va kislotabardosh sement kiradi. Gidravlik bog'lovchi moddalar ham havoda ham suvda qotadi. Bunga gidravlik ohak, portlandsement va boshqa har xil sementlar kiradi.

Bunday moddalar yer yuzidagi va yer ostidagi suvli joylarda gidromelerativ va gidrotexnika inshootlarini qurishda ishlatiladi. Girovlik bog'lovchi moddalarga quyidagi sementning turlari kiradi: portlandsement, gil tuproqli sement, Roman sement, Putsalon sement, shlakli sement, gidrovlik ohak, kengalovchi sement va shunga oxshash hozirgi vaqtda O'zbekiston Respublikasining qurilish sanoatida va xalq xo'jaligining barcha sohasida eng ko'p ishlatiladigan bog'lovchi moddalar ichida, birinchi o'rinda portlandsementning ahamiyati juda katta bo'lib, ishlab chiqarishda uning 70% dan ortig'ini tashkil qiladi.

Ushbu sement Angilyaning Portland shahrida birinchi bo'lib ishlab chiqarilgan va Portland shaxri nomidan olingan.

Uni olish 75-80% kaltsiy karbonat (ohaktosh, bo'r yoki marmartosh) 20-25% oson suyuqlanuvchi tuproqdan iborat aralashmani chala suyuqlantirib yopishib qolguncha kuydirishga asoslangan. Ko'pchilik zavodlarda xamashyo sifatida mergel deb ataluvchi tog' jinslari ishlatiladi (mergel-

ohaktoshlarning mayda zarrachalarining taxminan 3:1 nisbatidagi tabiiy aralashmasidan iborat mineralardir). Undan tashqari domna pechlarining shlaklari va changlari, ko'mir yoki slanes kullari, pirit kuyundilari qo'shiladi. Portlandsement ishlab chiqarish ikki usulda, quruq va xo'l usulda amalga oshiriladi. Bu usul keng tarqalgan va iqtisodiy jihatdan samarali va maxsuldorligi yuqori usuldir. Demak, portlandsement ishlab chiqarish ucun oldin sement qorishmasi tayyorlanadi, sement qorishmasi asosan 3-hissa ohaktoshi CaCO_3 va 1-hissa gil tuproqni $\text{Al}_2\text{O}_3 \cdot 2\text{SiO}_2 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ quruq yoki nam holda qorishtirib tayyorlanadi va maxsus aylantirib turuvchi pechlarda yuqori temperaturada (1400-1450°C) da qizdirib klinker hosil qilinadi. Sifatli portlandsement ishlab chiqarish uchun uning tarkibiga oksidlarning miqdori (kimyoviy tarkibi) asosan quyidagi miqdorlarda bo'lishi kerak. Portlandsementning kimyoviy tarkibi % hisobida bo'ladi.


CaO 62-68, SiO_2 18-26, Al_2O_3 4-9,
 Fe_2O_3 0,5-6,0.

Ko'pchilik zavodlarda portlandsement ishlab chiqarishda ohaktosh o'rniga mergellardan (3tuproqli ohaktosh) yoki to'g'ridan to'g'ri bordan foydalaniladi. Bundan tashqari sement qorishmasiga korrekcirovka qiluvchi (kimyoviy tarkibi to'g'rlab turuvchi) qo'shimchalar qo'shiladi, masalan: kolchidan kuyundisi, yoki temir rudasi, agarda giltuproq tarkibida qumning miqdori kam bo'lsa, u holda kvarts qumi ham qo'shiladi. Bugungi kunda ko'pchilik zavodlarda nam usul bilan sement qorishmasini tayyorlaydilar. Bu usulda qorishmaga suv solib, maxsus aralastirgichlarda, disperslik darajasi (maydalanligi) juda yuqori holatga kelguncha maydalanib qorishiriladi. Tayyorlangan qorishma, sekin aylantirilib turuvchi uzun silindir shakldagi pechga kuydirish uchun yuboriladi. Pechning razmeri masalan: uzunligi 185 m gacha diametri 5 m gacha bo'ladi. Pech birmuncha qiyalikga ega bo'lgan shakilda bo'lib, uning ichiki qismi shomot va xromomagnitli g'isht bilan qoplangan bo'lib, qorishma pechning yuqori qismidan quyiladi va pech aylanishi natijasida qorishma sekinlik bilan, pechning pastiga qarab dumalab tusha boshlaydi. Pechning pastki qismidan esa olov purkaladi, yoqilgi sifatida kukun shaklidagi komir yoki tabiiy gaz ishlatiladi. Bunda sement qorishmasi yuqoridan pastga qarab, olov esa pastdan yuqoriga qarab bir-biriga qarama-qarshi yo'naltiriladi, kuydirish pechi shartli ravishda oltita kameraga bo'linadi rasmda ko'rsatilganidek. (rasm.)

Aylanib turuvchi sement kuydirish pechining sxemasi sonlar bilan ko'rsatilgan I-kameraga pechning yuqori qismidan boshlanadi, bunda sement qorishmasi quritiladi va suv bug' shaklida ajralib chiqaradi bunda issiqlik (500 °C gacha ko'tariladi).

II-kamerada quritilgan shlam 500-800°C gacha

qizdirilib, degidratlandi, yani giltuproq tarkibidagi (kristalogidrat) kristalizatsiya suvi ajralib chiqadi, $\text{Al}_2\text{O}_3 \cdot 2\text{SiO}_2 + 2\text{H}_2\text{O}$ va qisman $\text{Al}_2\text{O}_3 + 2\text{SiO}_2$ bunda uning ichki energiyasi ortib, bu ikki kameraning uzunligi pechning 50-60 % ni tashkil qiladi.



III-kamerada temperature 900-1200°C gacha ko'tariladi, bunda CaCO_3 parchalanib $\text{CaCO}_3 = \text{CaO} + \text{CO}_2$ CaO ni hosil qiladi. Shu kameraning o'zida $\text{Al}_2\text{O}_3 + \text{SiO}_2$ to'la parchalanib Al_2O_3 va SiO_2 larni hosil qilib, qisman qattiq fazali reaksiya boshlanib, kaltsiy oksidi $\text{CaO} + \text{Al}_2\text{O}_3$ bilan $2\text{CaO} \cdot \text{Al}_2\text{O}_3$ va qisman birikib $2\text{CaO} + \text{SiO}_2$ hosil qiladi, bunda reaksiyaga kiruvchi moddalarning kontakt uchaskalari qancha ko'p bo'lsa (bu disperslik darajasiga bog'liq) shuncha shiddatli reaksiya borib tez yangi moddalar hosil bo'lishiga olib keladi. Shuning uchun ham ko'pchilik zavodlarda nam usul bilan, yuqori disperslik darajasiga sement qorishmasini maydalab tayyorlaydi.

IV –kamerada temperatura 1000-1250°C gacha qizdiriladi, bunda qattiqfazali reaksiya kuchayib $2\text{CaO} \cdot \text{SiO}_2$ ning hosil bo'lishi tugallanadi. Bu temperaturada erkin holatda qisman yani CaO qoladi. Pechning III-IV –kamaralari uzunligining yig'indisi 25-30% ni tashkil qiladi. Agarda kimyoviy jarayo suyuq holatda ham bunda shu kamerada tugatilsa u holda yaxshi gidrovlik ohak xosil qilinadi. Sement hosil qilish uchun erkin ohakni to'la biriktirib, silekatlar va alyuminatlar hosil qilish kerak, bunga esa pechning V –kamerasida erishiladi.

V-kamerada temperature 1450°C gacha ko'tariladi, bu kamerada xomashyo qisman suyuq holatga o'tib eriydi, bunda suyuq holatda ham reaksiya borib, kaltsiyning selikatli va alyuminli birikmalari to'la hosil bo'lib tugallanadi va mayda –mayda toshlar shaklida razmeri 4-20 mm orasida portlandsementning klenkeri hosil bo'ladi.

VI-kamerada sovitish zonasi bo'lib, bu zonada temperature 1000-1200°C gacha tushirilib klenkir savutiladi va klenkir pechdan chiqarishdan oldin yani kuchliroq sovitiladi, bu xolodilnik deyiladi.

Klenkir sovigandan keyin u maxsus tegirmonlarda maydalaniladi, maydalanish jarayonida klenkir, sementning qotish vaqtini sekinlashtirish uchun 5% gacha $\text{CaSO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ ikki suvli gips toshi qo'shiladi va qotish paytida ajralib chiqadigan kaltsiy gidrooksidini biriktirib olish uchun (suvga chidamliligini oshirish uchun) esa 15% gidrovlik qo'shimchalar (tabiiy kremnaziomning turli xillari)

qo'shiladi.

Portlandsementning mineralogik tarkibidagi sement klinkeri bir necha xil suniy mineraldan tashkil topgan moddalar bo'lib, bu juda kichik zarrachalarni bir-biridan oddiy ko'z bilan ajratib bo'lmaydi. Portlandsementning tarkibidagi oksidlarning formulasi shartli ravishda quydagicha yoziladi. CaO-C- bilan, SiO₂-S bilan, Al₂O₃-A-bilan, Fe₂O₃-P-bilan va H₂O-H- bilan belgilanadi.


Sement klinkerining mineralogik tarkibi

№	Menerlalar-ning nomi	Formulasi	Shartli belgisi va qisqa lotincha nomi	Meneral-larning klinkerdagi miqdori % hisobida
1	Uch kaltsiyli silikat	3CaO-SiO ₂	C3S-alit	40-65
2	Ikki kaltsiyli silikat	2CaO-SiO ₂	C2S-belit	15-40
3	Uch kaltsiyli alyuminat	3CaO-Al ₂ O ₃	C3AF-boksit	5-15
4	To'rt kaltsiyli alyumoferrat	4CaO*Al ₂ O ₃ *Fe ₂ O ₃	C4AF-selit	10-20

Bu jadvaldagi asosiy minerallardan tashqari oz miqdorda boshqa kaltsiyning alyuminatlari va alyumoferitlari ham bo'ladi, bularga 5CaO*Al₂O₃, 8CaO*3Al₂O₃, Fe₂O₃, 2CaO*Fe₂O₃ oksidlari va 8-10 % gacha amorf holatdagi shisha massasi ham bo'ladi. Klenkerning tarkibidagi 4,5% gacha erkin holda MgO va 1% gacha erkin holatdagi CaO oksidlari bo'lishi mumkin. Juda ozmiqdorda sulfatlar ham birikkan holda bo'ladi, bundan tashqari yana 1-2 % gacha Na₂O va K₂O larning birikmalari ham bo'ladi, bular har xil chiqindilardan hosil bo'ladi.

Demak, birinchi novbatda sement klenkiri menerallarining tarkibini o'rganish va asosiy xossalari bilishga katta yordam beradi bu jarayonda quyidagicha sodir bo'ladi. Uch kaltsiyli silikat, suv bilan aktiv kimyoviy reaksiyaga kirishadi, uning to'la gidratlanish prosessida 120 kkal/g, 502,7 dj/g issiqlik ajralib chiqadi bu issiqlikning 75-80 % uch sutkaga ajraladi. Uch kaltsiyli silikat juda tez qotadi va mustaxkam massa xosil qiladi. Shuning uchun CaS ning miqdori sement klinkerida uning qattiqligiga ta'sir qiladi.

Ikki kaltsiyli silikat kimyoviy jixatdan ancha passivroq gidratlanish reaksiyasiga kirishadi. Shuning uchun ham ikki kaltsiyli silikat sement qorishmasida gidratlanadi:




Bu reaksiya natijasida ikki kaltsiyli gidrosilikat hosil bo'ladi, gidratlanish reaksiyasining issiqlik effekti 66 kkal/g, 259,78 Dj/g ni tashkil qiladi, uch sutkada bu issiqlikning 10% ajralib chiqadi. Uch kaltsiyli silikat juda sekin qotadi va kam qattiqlikka ega bo'ladi, bu massaga yaxshi sharoit yaratilsa uning qattiqligi oylar va yillar o'tishi

bilan ortib boradi. Uch kaltsiyli alyuminat bu minerallar ichida eng aktiv birikma bo'lib, u gidratlanganda 203 kkal/g, 850,57 dj/g issiqlik ajraladi, bu issiqlikning 80% uch sutkada ajralib chiqadi. Uch kaltsiyli alyuminat juda tez qotadi lekin uning qattiqligi kam bo'ladi.

To'rt kaltsiyli alyuminaferit gidratlanish jarayonida 100 kkal/g 419 dj/g issiqlik ajralib chiqadi, bu issiqlikning 20 % uch sutkada ajralib chiqadi. To'rt kaltsiyli alyumoferrit juda sekin qotadi C₂S ga nisbatan ortiqroq bo'ladi.

Uch kaltsiy silikat juda tez qotadi va mustaxkam massa xosil qiladi. Shuning uchun CaS ning miqdori sement klinkerida uning qattiqligiga ta'sir qiladi.

Ikki kaltsiyli silikat kimyoviy jixatdan ancha passivroq gidratlanish reaksiyasiga kirishadi shuning uchun ham ikki kaltsiyli silikat sement qorishmalarida gidratlanadi.




Bu reaksiya natijasida ikki kaltsiyli gidrosilikat hosil bo'ladi, gidratlanish reaksiyasining issiqlik effekti 66 kkal/g, 259,78 dj/g ni tashkil qiladi, uch sutkada bu issiqlikning 10 % ajralib chiqadi. Uch kaltsiy silikat juda sekin qotadi va juda kam qattiqlikka ega bo'ladi, bu massaga yaxshi sharoit yaratilsa uning qattiqligi oylar yillar o'tishi bilan ortib boradi. Uch kaltsiyli alyuminat bu minerallar ichida eng aktiv birikma bo'lib, u gidratlanganda 203 kkal/g , 850,57 dj/g issiqlik ajraladi, bu issiqlikning 80 % uch sutkada ajralib chiqadi. Uch kaltsiyli alyuminat juda tez qotadi lekin uning qattiqligi kam bo'ladi.

To'rt kaltsiyli alyumoferrat gidratlanish jarayonida 100 kkal/g 419 dj/g issiqlik ajralib chiqadi, bu issiqlikning 20 % uch sutkada ajralib chiqadi. To'rt kaltsiyli alyuminaferit juda sekin qotadi C₂S ga nisbatan tezroq qotadi, qattiqligi ham C₂S ga nisbatan ortiqroq bo'ladi.

Bundan quyidagi xulosalarni chiqarish mumkin agarda qurilish sanoatida tez qotuvchan sement talab qilinsa u holda C₂S va C₃A lar miqdori klenker tarkibidan 65-70 % dankam bo'lmasligi kerak. Qurilishda ko'pchilik xolatlarda gidratlanish prosessida kam kam issiqlik ajralib chiqadigan sement talab qilinadi, bunday sementdan keng ko'lamda va katta hajimda sementbeton tayyorlanadi.

Maslan, shilakli sementlarni gidrovlik bog'lovchi moddalar bilan domna pechlarining shilaklarini aralashtirib maydalash orqali olinadi. Shlak tarkibida asosan CaO, Al₂O₃, SiO₂ oksidlari bo'ladi. Glinoziomli sementning asosiy tarkibiy qismi kaltsiy metalalyuminat Ca(AlO₂)₂. U glinnazyomga (boksitga) boy bo'lgan tabiiy materiallarga ohaktosh qo'shib kuydirish orqali olinadi. U tez qotadi, uning qotishi gidroliz va gidratlanish reaksiyalari asosida amalga oshiriladi.



Glinazyomli sementdan tayyorlangan betonlar asosan gidrotexnika inshotlari qurilishda yani ko'l, daryo va dengizning sho'r suvlariga, ishqor eritmalariga chidamli bo'ladi, tez qotadi va juda mustaxkam bo'ladi.

Sementning ishlatilishi soxalari keng ammo asosan beton tayyorlash uchun ishlatiladi. Betondan bloklar, yig'ma uylar uchun devorlar, to'g'onlar, yo'llar, basseynlar, quvurlar va boshqa qurilish materiallari tayyorlanadi. Odatdagi bitonning zichligi juda katta bo'lib 2500 kg m^3 ga teng, yengil g'ovak to'ldiruvchila qo'shilganda uning zichligi $1200-1400 \text{ kg/m}^3$ gacha kamayishi mumkin masalan: shlakobeton, gazobeton va ko'pikbeton juda yengil, issiq va tovushni yomon o'tkazadi. Gazobeton, sement xamiriga gaz hosil qiluvchi moddalar Al (vodorod ajratib chiqaradi) H_2O_2 (kislorod ajralib chiqadi) qo'shib tayyorlanadi. Ko'pik beton, sement xamiriga ko'pik hosil qiluvchi moddalar qo'shib olinadi. Chidamli beton olish uchun sement kaltsiy xlor CaCl_2 tuzining suvdagi eritmasida qoriladi. Tuz eritmasi savuqqa chidamli bo'lib betonda muz zarralari hosil bo'lmaydi. Savuq paytlarida ham beton tayyorlash imkonini beradi.

Shunday qilib, katta hajimdagi beton massasi tayyorlanganda betonning ichki qismida katta issiqlik ajrab chiqishi natijasida betonda yoriqlar

paydo bo'lishi mumkin, tashqi qismi esa tashqi havо ta'sirida tabbiy sovutiladi.

Shuning uchun ham bunday holatlarda sekin qotuvchi va kam issiqlik ajrab chiquvchi mineralogik tarkibga ega bo'lgan sementlardan foydalalanish maqsadga muvofiqdir. Buning uchun sementning tarkibidagi C_3S va C_3A larning miqdorini qisman kamaytirib olish kerak bo'ladi. Hamda sement tanlanganda uning meneralogik tarkibini aniq bilish ham juda katta ahamiyatga ega bo'ladi.

Adabiyotlar:

1. Семернов И.С., Гарашмова Е.С. Физическая химия строительных материалов. Учебное пособие. Екатеринбург Издательство Уральского Университета 2018 г

2. Сидров В.И., Домажилова Ю.В, Мартынычева У.И., Никифорова Т.Н., Платнова Е.Е. Учебное пособие по химии строительстве. Под редакцией профессора В.И.Сидрова.

3. Семернов И.С. Физическая химия строительных материалов. Учебное пособие. ГОУ ГБТУ УПИ, 2002 -245с.

4. Бердов Г.И., Зырянова В.Н., Кучерова Э.А., Машкин Н.А., Баев В.С.. Химия (специальные разделы для направление, строительства. Новосибирск 2011 г.

5. Mineral organik bog'lovchi moddalar. Uslubiy qo'llanma. K.M.Sobirov, E.Sh.Allaev. SamDAQI 2006.

АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ ЙЎЛ ПОЙИНИ ТУРГУНЛИГИ ВА МУСТАХКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Мухаммадиев Бекзод Аслиддинович - Жиззах политехника институти

Аннотация: Автомобиль йўлларининг кенгайтириладиган қисмларида йўл пойининг турғунлиги ва мустахкамлигини таъминлаш лойиха-смета хужжатларида кўзда тутилган ҳамда киш ва ёз ойларида ёғинларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қурилиш ишлари олиб борилади. Бунда ёғинларнинг миқдори, иқлим шароити ҳисобга олинган ҳолда ҳамда йўлнинг ўтиш қисмини кенгайтириш машина ва механизмлар ёрдамида амалга оширилади.

Калит сўзлар: грунтлар, кенгайтирилган, узок муддатли, йўл пойи, зичлик, ёғин мавсуми

Аннотация: Для обеспечения плотности и долговечности в ущербной части земполотна автомобильных дорогах по сметно-расчётным документам предлагается несколько рекомендаций. В том числе, проезжей части автомобильных дорогах ведется наблюдение за морозных и осадочных периодах. Строительство земполотна в летний и осенний период продолжается по графику и должен обеспечивать прочность проезжей части автомобильной дороги.

Ключевые слова: грунты, ущербные, долговечность, земполотно, плотность, осадочный период

Annotation. Enhanced stability of road sections in the extended sections of roads is provided in the design and estimate documentation and construction works are carried out taking into account the amount of precipitation during the winter and summer months.

Key words: grunts, expanded, long period, road state, density, amount of precipitation.

Йўлни кенгайтириладиган участкасидаги сув-иссиқлик тартибини бошқариш бўйича тадбирларни қўллаш йўлни катнов қисми бўйича бир хил музлаши ва чўкишини таъминлаш, шунингдек катнов қисмини кенглиги бўйича йўл тўшамасини бир хил мустахкамлигига эришиш йўлларини белгилашга тааллуқли массаларни ечиш бўйича вазифаларни ҳал қилади.

Тақидлаш жоизки, грунтлари мавсумий музлайдиган туманларда йўллардан фойдаланиш

даврида грунтларни зичлиги ва намлиги ўзгаради. Умумий ҳолатда бу жараён тўртта асосий давр: кузда кўпчиш; кишда музлашдан кўпчиш; баҳор ва ёзда грунтларни эриши ва уни қуришида ҳажмини кичрайтиришда чўкишидан иборат.

Ёз ойларида йўллардан фойдаланиш жараёнида грунтларни зичлиги қурилиш даврида эришилган зичликка нисбатан камайиши мумкин. Грунтларни зичлигини камайиши кузда

уларни кўпчиши + қишда музлаб кенгайиши + баҳорда грунтларни эришидаги чўкиш ва ёзда қуришидан ҳажмини торайишининг йиғиндисидан ката бўлса юзага келади. Грунтларни ҳажмини камайиши тахминан 5-10 йил давомида кузатилади, ундан кейин бу жараён тўхтайди ва ёз ойларида «маиший зичлик» деб аталувчи ўзгармас зичлик юзага келади.

$$K_{y(6)} = K_{y(min)} / (1 - e_{усад}), \quad (1)$$

бу ерда $K_{y(6)}$ —«маиший» зичликка мос келувчи зичлаштириш коэффициентини; $K_{y(min)}$ — ёз ойларида грунтларни чўкишдан сўнгги зичлаштириш коэффициентини минимал қиймати; $e_{усад}$ — ёз ойларидаги грунтларнинг ҳажмини кичрайишини нисбий қиймати. (1) ифода даги $K_{y(min)}$ нинг қиймати 3-расдаги графикдан қурилиш даврида эришилган бошланғич зичлик ва йўл пойи грунтга тушувчи тўшама ва грунтнинг устида ётувчи босимга боғлиқ равишда келтирилган.

Йўл пойининг ишчи қатламини 1-чи намланиш чизмасида қишда грунтларнинг музлаб кўпчиши, одатда, баҳорда эришида ва ёзда қуриб ҳажмини торайтиришидаги грунтларнинг чўкишини йиғиндисининг қийматидан ошмайди. Шунинг учун ёзнинг охирида грунтларни зичлиги йўлнинг қурилишида эришилган зичлик қийматига етади. Ҳар йили бундай ҳодиса иншоотлардан фойдаланиш даврида юз беради.

Йўл пойининг ишчи қатламини 2-чи ва 3-чи намланиш чизмасида йўлдан фойдаланиш даврида йўл пойи грунтнинг зичлигини «маиший» зичлик миқдорига камайиши юз беради.


Юқорида таъкидланганларга асосан йўл пойи грунтнинг зичлиги йўл пойининг ишчи қатламини 2-чи ва 3-чи намланиш чизмаси бўйича йўлдан фойдаланиш жараёнида камаяди. Йўлларни кенгайтиришда, улардан фойдаланиш даври 5-10 йилдан кам бўлмаганда, амалдаги йўл пойи грунтнинг зичлиги «маиший» зичликка тенг бўлади. Ёз мавсумида грунтларнинг зичлигини бундай қиймати йўлни кенгайтириш жараёни тугаллангандан сўнг ҳам сақланади.

Янги қурилган йўл пойида ёз ойларида грунтларни зичлиги ўзгармас доимий миқдор бўлиб қолмасдан, аввал таъкидланганидек, йўллардан фойдаланиш даврида камаяди. Грунтларни зичлиги ўзгарганда унинг музлашдан кўпчиши ҳам ўзгаради.

Ҳар йили бундай шароитни бўлиши амалдаги ва янги қурилган йўл тўшамаси остидаги грунтларни музлашдан кўпчиш қийматини ўзаро нисбатини ўзгартиради. Бунинг натижасида йўл тўшамаси йўлнинг қатнов қисмини кенглиги бўйича ҳар хил музлашга қаршилиқ қилади. Бундай ҳолат йўл тўшамаси мустаҳкамлигида ҳам кузатилади. Ҳар йили йўлдан фойдаланиш даврида амалдаги йўл тўшамасини эластиклик модули ва кенгайтирилган участка-

даги йўл тўшамасини эластиклик модули орасидаги нисбат ўзгаради. Бунинг натижасида қатнов қисмини кенглиги бўйича амалдаги ва янги қурилган йўл тўшамаси ҳар хил мустаҳкамликка эга бўлади.

Йўлларни кенгайтиришда йўл конструкциясини лойиҳалашни асосий муаммоси қатнов қисмини ҳамма кенглиги бўйича бир хил музлашга қаршилиқ, чўкишга турғунлик ва бир хил мустаҳкамликка эришидир.



1-расм. Грунтнинг чўккандан сўнг зичлаштириш коэффициенти минимал қийматини аниқлаш учун график. а – майда кум; б – чангли кум; в – супесь; г – энгил суглинок; д – оғир суглинок; е – гил

Йўл тўшамасини музлашга қаршилиқ, чўкишга турғунлик ва мустаҳкам-

ликка текшириш конструкция ишини 3 та ҳисобий йили учун олиб борилади. Бу қуйидаги йиллардир: йўлни кенгайтиргандан сўнг биринчи йили; йўлни кенгайтирилган участкасида грунтларни музлашдан кўпчишини максимал қийматига эришилган йил; йўлни кенгайтирилган участкасида грунтларни «маиший» зичлиги аниқланган йили.

Кўрсатилган ҳисобий йилларда қуйидагилар аниқланади: қатнов қисмини кенглиги бўйича, йўл пойини музлашдан аввал грунтларни намлиги ва зичлигини эпюраси; қиш даврида қатнов қисмини кенглиги бўйича грунтларни намлиги ва зичлиги ва унинг музлашдан кўпчишини эпюраси; баҳор даврида йўл пойини эришида қатнов қисмини кенглиги бўйича грунтларни намлиги ва зичлиги ва унинг музлашдан кўпчишини эпюраси; баҳор ва ёз ойларида йўл пойини қуриш даврида ва куз даврида йўл пойини намланганида грунтларнинг намлигини ўртача тортилган қиймати; йилнинг ҳар хил даврларида қатнов қисмини кенглиги

бўйича грунтларни мустаҳкамлик ва деформацион тавсифларни қийматлари. Ҳисоб ишларида амалдаги йўл пойи грунтини зичлигини «маиший» зичликка тенг деб олиш мумкин, аммо йўлни кенгайтириш бўйича ўлчанган қийматдан кам эмас.

Олинган маълумотларга асосланиб лойиҳаланган йўл пойини сув-иссиқлик тартибини бошқариш бўйича тадбирлар натижасида қатнов қисмининг кенлиги бўйича грунтларни рухсат берилган музлашдан кўпчиш эпюраси, шунингдек йўл тўшамасини бир хил мустаҳкамлиги таъминланади.

Йўл конструкциясини лойиҳалаш жадвалда келтирилган кенгайтириладиган йўл участкаларидаги грунтларни ҳисобга олиб бажарилиши керак.

1-жадвал

Кенгайтириладиган йўлларни турдошлари

№	Мавжуд йўл пойини кенгайтириладиган участкасидаги грунт	
1	қум	қум
2	қум	супес
3	қум	суглинок

№	Мавжуд йўл пойини кенгайтириладиган участкасидаги грунт	
4	қум	глина
5	супес	қум
6	супес	супес
7	супес	суглинок
8	супес	гил
9	суглинок	қум
10	суглинок	супес
11	суглинок	суглинок
12	суглинок	гил
13	гил	қум
14	гил	супес
15	гил	суглинок
16	гил	гил

Адабиётлар:

1. ШНК 2.05.02-07. Автомобильные дороги. Ташкент, 2007.

2. Золотарь И.А. и др. Водно-тепловой режим земляного полотна и дорожных одежд. –М.: Транспорт. 1971. -345 с.

3. Рувинский В. И. Оптимальные конструкции земляного полотна. –М.: Транспорт. 1982. -218 с.

МАЛОЭТАЖНЫЙ ДОМ ИЗ АРБОЛИТА

Асатов Нодирбек Улуғбекович – ассистент, Жиззах политехника Институт

Аннотация. В статье приводятся основные преимущества и недостатки арболита в строительстве малоэтажных домов

Ключевые слова. малоэтажный, арболит, блок, коттедж, материал, огнеустойчив, температуры, градус.

Annotation. The article provides the main advantages and disadvantages of using wood concrete in the construction of low-rise buildings

Keywords. low-rise, wood concrete, block, cottage, material, fire-resistant, temperature, degree.

Annotatsiya. Maqolada kam qavatli binolarni qurishda qo'llaniladigan arbolitning asosiy afzalliklari va kamchiliklari keltirilgan

Kalit so'zlar. kam qavatli, yog'och beton, blok, kottej, material, olovga chidamli, harorat, daraja.

Возведение дома из арболитовых блоков имеет главное преимущество, которое проявляется в экономичности затрат на приобретение строительного материала. Также арболит имеет высокие жаропрочные свойства, и легко применяется в строительных работах. Среди недостатков стоит отметить низкую влагостойкость блоков, что может постепенно разрушать арболит под воздействием дождя или снега. Однако арболит широко применяется в строительных работах при возведении коттеджей, домов, дач и так далее (рис.1).

Плюсы строительства дома из арболита:

Главным преимуществом постройки дома из арболитовых блоков является тот фактор, что данный материал огнеустойчив. Он может выдержать довольно высокие температуры - примерно до 300 градусов. Данные характеристики определяются добавлением в блоки специальных химических веществ, как правило, сернокислого алюминия. Также дом из арболита

практически не поддается гниению, а в основании стен не будут заводиться микроорганизмы или грибок.



Рис.1. Малоэтажный дом из арболита.

Дом из арболита значительно теплее здания, сооруженного из иных материалов, например,

из кирпича. При возведении подобной конструкции значительно уменьшаются растраты на приобретение строительного материала. Данная технология возведения домов не является чем-то новым, но уже неоднократно проверена многими специалистами в области строительства. Вариант дома из арболита отличается значительной экономичностью и доступностью для многих жителей. Главные преимущества блоков определяются особенными технологиями создания блоков. Итак, среди главных плюсов возведения дома из арболита можно выделить:

- Арболитовые блоки создаются из обработанных древесных щеп химическими добавками, которые скрепляются с цементного раствора.

- Подобный материал имеет небольшой вес, учитывая большие параметры одного блока. Поэтому при строительстве дома не потребуются нанимать определенную технику для перемещения арболита.

- Данный материал применяется в строительных работах, что позволяет легко просверлить или пропилить структуру блока. Крепежные детали прочно фиксируются в арболите, что позволяет возвести крепкое и надежное здание.

- Готовый дом из арболита способен удерживать тепло в помещении при любых погодных условиях. В подобном случае растраты на отопление жилого здания значительно уменьшаются, даже в очень холодные зимы.

- В процессе строительства нет необходимости ждать определенного времени для усадки стен. Таким образом, после возведения стен можно будет приступить к отделке дома.

- Арболит очень легкий, поэтому для возведения конструкции нет необходимости заливать фундамент из дорогостоящих материалов.

- Дом из арболита является экологически чистой постройкой, которая практически не изнашивается со временем. В основании дома не будут заводиться разные насекомые или грибок. Это позволит избавиться от разрушения, а также уменьшит растраты на обработку строительного материала антисептическими средствами. Арболит создается из древесной щепы, что благотворно влияет на состояние здоровья жильцов дома.

Минусы строительства дома из арболита: Конструкция, возведенная из арболитовых блоков, имеет свои недостатки, как и любой

строительный материал. Все характеристики и особенности постройки определяются технологией производства и составными компонентами арболита. Все параметры материала должны соответствовать определенным условиям применения блоков. Если придерживаться правил строительства дома из арболита, то здание может простоять десятки лет без дополнительного обслуживания или ремонта. Главные минусы строительства дома из арболитовых блоков:

- Арболит состоит из разных компонентов, 80 процентов которых составляет древесная щепа. Как правило, дерево в разном виде требует повышенной защиты от дождя или снега. При разовом намокании материал не разрушается, однако постоянное воздействие воды будет влиять на структуру арболита. Поэтому для дома необходимо обеспечить прочный слой гидроизоляции блоков от внешней среды.

- Как правило, дом, возведенный из арболита, может иметь неровные формы, что зависит от строительного материала. Например, кирпич или пеноблоки создают не такую большую погрешность в геометрии здания. Данные особенности определяются технологиями производства арболита и соответствующими компонентами. Поэтому при строительстве особое внимание следует уделить вертикальному и горизонтальному положению блоков, отклонения которых должны быть минимальными. Анализируя вышеизложенных материалов можно отметить:

- строительство дома из арболитовых блоков довольно распространено, особенно при возведении малоэтажных домов;

- состав арболита позволяет создать легкие и экологически чистые блоки, которые легко применяются в строительных работах;

- на строительство дома из арболита не требуется много времени, что влияет на экономичность возведенной конструкции.

Литература:

1. Наназашвили И.Х. "Строительные материалы из древесно-цементной композиции". Л.: Стройиздат, 1990. 425с.
2. Бисенов К.А., Касимов Э.У., Тулаганов А.А., Удербаяев С.С. "Легкие бетоны на основе безобжиговых цементов". Алматы, 2005. 412с.
3. Косимов Э.У., Хабибуллаев Ш.А. "Ичкишимдиришусулида мустахамструктурали зичланган плиталарни яратиш". ТАҚИ. Тошкент, 2017. 80б.

АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ ҚОПЛАМАСИ РАВОНЛИГИНИ ҲАВО МУҲИТИГА ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ

Содиқов Жамшид Иброхимович, Ядгаров Сирожиддин Номозович
Тошкент давлат транспорт университети

Аннотация. Автотранспорт мажмуасидаги (АТК) жараёнларни атроф-муҳитни баҳолаш мезонлари сифатида йўл қоламасининг текислик кўрсаткичи таклиф қилинган. Ўтказилган назарий тадқиқотлар ва

рақамли эксперимент зарарли чиқиндилар, шовқин ва йўл-транспорт ҳодисалари хавфининг йўл текислиги билан ўзаро боғлиқлигини аниқлаштиришга имкон берди. Турли АТС жараёнларидан чиқадиган чиқиндилар нисбати тенглигига қараб ўзгариши ўрганилди.

Калит сўзлар: автомобил йўллари, атроф-муҳитга таъсири, йўлларнинг ҳаёт айланиши, иссиқхона газлари, сирт текислиги, шовқин, йўл-транспорт ҳодисалари.

Аннотация. В качестве критерия для экологической оценки процессов в автотранспортном комплексе (АТК) предложен индекс ровности дорожного покрытия. Проведенные теоретические исследования и численный эксперимент позволили уточнить взаимосвязь вредных выбросов, шума и риска ДТП с ровностью дорожного покрытия.

Ключевые слова: автомобильные дороги, воздействие на окружающую среду, жизненный цикл дороги, парниковые газы, ровность покрытия, шум, ДТП.

Annotation. The flatness index of the road surface is proposed as a criterion for the environmental assessment of processes in the motor transport complex (ATK). The conducted theoretical studies and a numerical experiment made it possible to clarify the relationship of harmful emissions, noise and the risk of road accidents with the evenness of the road surface.

Key words: highways, environmental impact, road life cycle, greenhouse gases, surface evenness, noise, road accidents.

Кириш: Атроф-муҳитга салбий антропоген таъсир йилдан-йилга ортиб бормоқда. Экологик таназул жараёнида етакчи ўринлардан бирини йўл транспорти эгаллайди [1,6].

Йўл транспортининг атроф-муҳитга зарарли таъсири қуйидагиларда ўз ифодасини топган:

- табиий ресурсларни истеъмол қилишда ички ёнув двигателидаги иш жараёнлари оқими учун зарур бўлган атмосфера ҳавоси; ёқилги нефт маҳсулотлари ва табиий газ; ички ёнув двигателларининг совутиш тизимлари ва транспорт воситаларини ювиш учун сув, транспорт корхоналарининг саноат ва маиший эҳтиёжлари; йўл қурилиши ва транспорт инфратузилмаси учун бегоналаштирилган ер ресурслари;

- сайёрамиздаги иқлим ўзгаришига ҳисса қўшадиган иссиқхона газларининг атмосферага чиқарилиши;

- инсон, ҳайвон ва ўсимликлар учун зарарли бўлган захарли моддаларнинг атмосферага чиқарилиши;

- ички ёнув двигателининг ишлаш вақтида атроф-муҳитга иссиқлик чиқишида;

- шовқин ва тебранишнинг юқори даражасини яратишда;

- одамлар ва ҳайвонларнинг шикастланиши ва нобуд бўлиши, шунингдек, аварияда моддий зарар етказилиши.

Йўл транспортининг атроф-муҳитга (АМ) энг катта таъсирини атмосферага газлар (шу жумладан иссиқхона газлари) ва қаттиқ зарраларнинг чиқиндилари деб ҳисоблаш керак, чунки:

- атмосфера ҳавосидан ифлосланиш нафас олганда одам организмига қиради;

- ифлосланиш ҳаводан ёмғир билан ювилади, у ерга тушиб, тупроққа хавфли моддаларни киритади, кейин одамлар ва ҳайвонлар томонидан истеъмол қилинадиган ўсимликларга қиради;

- атмосферада тўпланган иссиқхона газлари иқлим ўзгаришига олиб келади.

Транспортнинг атроф-муҳитга салбий таъсири қуйидаги сабабларга кўра ошиши мумкин:

- 1) транспорт воситаларининг қониқарсиз экологик хусусиятлари;

- 2) автомобилга техник хизмат кўрсатишнинг етарли даражада эмаслиги;

- 3) йўл тармоғининг етарли даражада ривожланмаганлиги ва йўл сифатининг пастлиги;

- 4) транспортни ривожлантириш ва ишлатиш соҳасида қарор қабул қилишда аниқ экологик кўрсатмаларнинг йўқлиги.

Экологик вазиятни яхшилаш билан боғлиқ қарорлар қабул қилиш бўйича кўрсатмалар олиш учун уларнинг ҳаёт цикли давомида йўлларнинг ишлаши давомида содир бўладиган барча жараёнларни боғловчи омилни аниқлаш лозим. Кейин, бу омилни сошлаш орқали АТС нинг ОС га таъсири *minimal* бўладиган қийматни топишингиз мумкин [2,3].


тодика может быть использована при обосновании модернизации, реконструкции ирригационных насосных станций с заменой однотипного оборудования только для предварительного расчета величины гидравлического удара при самых неблагоприятных условиях.

Литература:

1. Лысов К.И., Чаюк И.А. Эксплуатация мелиоративных насосных станций. –М.: Агропромиздат, 1988, 255 с.
2. Чебоевский В.Ф. Проектирование и испытания насосных станций и установок. Москва, “Колос”, 2000, 376 стр.
3. Карелин В.Я., Минаев А.И. Насосы и насосные станции. Москва. Стройиздат, 1986, 320 с.
4. Рычагов В.В, Флоринский М.М. Насосы и насосные станции. Москва. «Колос», 1975, 415 с.
5. Указания по защите водоводов от гидравлического удара. Москва. Государственное издательство, ВНИИ «Водгео», 1961, 183 стр.
6. Щавелев Ф.А. Таблицы для гидравлического расчета стальных, чугунных, асбестоцементных, пластмассовых и стеклянных водопроводных труб. Изд. 5-е, доп. М.Стройиздат, 1973, 112 с.)
7. Dr. Don J. Wood, “Water hammer Analysis—Essential and Easy (and Efficient)”, August 1, 2005, Journal of Environmental Engineering, Vol. 131, No. 8. ASCE, ISSN 0733-9372/2005/8-1123– 1131/
8. Wuyi Wan, Boran Zhang and Xiaoyi Chen Investigation on Water Hammer Control of Centrifugal Pumps in Water Supply Pipeline Systems Energies 2019 12 108
9. Daniel Himr Computation of water hammer protection of modernized pumping station EPJ Web of Conference 67 02035 (2014)
10. Keller R Investigation of sever water hammer in large pump station- Case study Proceedings of the Pipelines Conference pp 1392-1401 2014

ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИ АГРОЛАНДШАФТЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИДА ҲУДУД ТАБИЙ ШАРОИТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Suyunov Abdusali Samatovich – professor;

Xushmurodov Farrux Mirzomurodovich – stajyor tadqiqotchi.

Samarqand davlat arxitektura-qurilish instituti.

Аннотация: Агроландшафтлардан ҳўжаликда фойдаланиш мақсадларида ўрганиш уларнинг табиий салоҳиятини баҳолаш ва антропоген таъсир натижасида ўзгаришини мақсадга мувофиқ ташкил этиш муҳим амалий аҳамиятга эга. Қашқадарё воҳасининг сугориладиган ерларида табиатдан фойдаланишда ландшафтларни тиклаш учун табиатни муҳофаза қилиш хусусида баён этилган. Мақолада кишлок ҳўжалигини ривожлантириш мақсадида ҳудудларда шаклландиган агроландшафтларда табиий ва антропоген ресурсларидан фойдаланилишни оптималлаштириш тамойилларини ландшафтларни таҳлил қилишда тутган ўрни қараб чиқилган.

Таянч сўзлар: ГИС, агроландшафт, космик суръатлар, кишлок ҳўжалиги, ер фонди, геотехтисимлар, агроиклим ресурси, барқарорлик, ландшафт индикация, экологик ландшафт

Особенности природных условий региона при изучении агроландшафтов Кашкадарьинского оазиса

Аннотация: использование агроландшафтов в полевых условиях соответствует цели борьбы с центральным природным потенциалом Урги и борьбы с антропогенным воздействием. В зависимости от природоохранных особенностей для восстановления природы на землях, которые в природе строят Кашкадарьинский оазис. В статье обсуждается роль принципов оптимизации использования природных и антропогенных ресурсов в сильно развивающихся агроландшафтах в целях повышения конкурентоспособности сельского хозяйства в развитии ландшафта.

Ключевые слова: ГИС, агроландшафт, космическая фотография, сельское хозяйство, земельный фонд, геосистемы, агропромышленные ресурсы, устойчивость, ландшафтный индикатор, экологический ландшафт.

Features of the natural conditions of the region in the study of the Kashkadarya oasis agro-landscapes

Abstract: Exploring agrolandscapes in order to use them in agriculture has an essential practical importance in assessing their natural capability and organizing the change purposefully in a result of anthropogenic impacts. This article provides defending the nature to restore the landscape in using irrigated lands of the region Kashkadarya. The article considers the role of the principles of optimizing the use of natural and anthropogenic resources in the agrolandscapes formed in the regions for the development of agriculture in the analysis of landscapes.

Key words: GIS, agrolandscape, space speed, agriculture, land fund, geotextiles, agriclimate resource, landscape indication, ecological landscape.

Кириш ва долзарблиги. Ҳозирги глобаллашув жараёнида мамлакат барқарор ривожланишини ва рақобатбардошлигини таъминлаш – бу ҳудуддаги табиий ресурслар миқдорининг мавжудлигига ҳамда атроф муҳит муҳофазаси масалаларига боғлиқдир. Экологик муаммоларнинг кучайиши ҳар қандай иқтисодий фаолиятни муайян ҳудудларнинг табиий (ландшафт) шароитлари билан боғлайдиган минтақавий табиий-иқтисодий комплексларни батафсил ўрганишни талаб қилади. Аҳоли сонининг йилдан – йилга ўсиб бориши натижасида озик-овқат ва ижтимоий-иқтисодий манбаларга бўлган талабнинг ортиши кузатилади. Бугунги кунда дунё аҳолиси ҳаёт кечириётган экологик танг шароитда инсонларнинг моддий фаровонлигини яхшилаш, қишлоқ хўжалик ерларининг маҳсулдорлигини ошириш учун агроландшафтларни шаклланишини ва ривожланишини ўрганиш, уларни таснифлаш ва муҳофаза қилишнинг экологик географик асосларини ишлаб чиқиш долзарб муаммолардан бирига айланган. Бу жиҳатдан Қашқадарё воҳасининг агроландшафтларини ўрганиш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Тадқиқотнинг асосий мақсади Қашқадарё воҳасида маданий ва табиий ландшафтлар ўзаро таъсирининг ўрганишдан, агроландшафтлар шаклланишига табиий ва антропоген омилларнинг таъсирини баҳолаш ҳамда муҳофаза қилишнинг экологик географик асосларини ишлаб чиқишдан иборат.

Ҳозирги вақтда ижтимоий ва саноат тараққиётида антропоген омиллар таъсирини табиий ландшафтлар барқарорлигига, шу жумладан агроландшафтлар барқарорлигига таъсирини камайтириш асосий муаммолардан ҳисобланади. Баъзан инсон фаолияти табиатда қайтариб бўлмайдиган салбий оқибатларга олиб келади, ва бу ҳолат вақт ўтиши билан экологик инқироз ва фалокатга олиб келиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги – аҳолини озик-овқат ва саноатнинг бир қатор тармоқларини хом ашё билан таъминлашга йўналтирилган тармоғи бўлиб, жаҳон хўжалигининг энг муҳим тармоқлардан биридир.

Бутун ер юзасининг инсон томонидан ўзлаштирилган жойларининг катта қисмини агроландшафтлар ташкил қилади. Агроландшафтларнинг тарқалиш чегараси маълум бир

ҳудудларда агроиклимий ресурсларга, сув билан таъминланганлик даражасига, ер юзасининг тузилишига, тупроқ ва бошқа шароитларга боғлиқ. БМТ нинг озик овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO) маълумотларига кўра, Ер юзасининг 78 фоизида деҳқончиликнинг ривожланиши учун жиддий табиий чекловлар мавжуд, 13 фоизи майдон паст, 6 фоизи ўртача ва 3 фоизи юқори маҳсулдорликка эга. 2019-йилда бутун қишлоқнинг 37,6 фоизи қишлоқ хўжалигида фойдаланилган, шу жумладан 10,6 фоизи ҳайдалади, 25,8 фоизи яйловлар ва 1,2 фоизи кўп йиллик экинлар учун фойдаланилади¹.

Методлар ва ўрганилиш даражаси. Тадқиқотни олиб боришда дала тадқиқот, картографик, аэрокосмик, экологик-ландшафт тамойили, тизимли ёндашув, ландшафт индикация ГИС технологиялари, статистик, адабиётлар ва фонд материаллари билан ишлаш каби методлардан фойдаланилган.

Қашқадарё ҳавзаси ландшафтларини ўрганиш ва ландшафт карталарини тузишнинг айрим назарий ва услубий масалалари Л.Н.Бабуркин ва Н.А.Когай (1964, 1965), Т.В.Звонкова (1965), С.А.Нишонов (1967), Пославская, М.Ф.Расулов (1968), М.У.Умаров, И.А.Ҳасанов (19), С.И.Абдуллаев ва Р.Усмонова (1997-2002) ва бошқа тадқиқотчиларнинг ишларида ёритилган.

Қадимдан инсонлар томонидан ўсимликларнинг маданийлаштирилиши натижасида агроландшафтлар ҳосил бўла бошлаган. В.А. Николаев (1987), “agrolandscape - бу табиий ва антропоген ресурс ишлаб чиқарувчи ва атроф-муҳитни ўзгартирадиган геосистема, қишлоқ хўжалиги фаолияти объектлари” - деб таъриф берган. Унинг фикрича ландшафтларни ривожланиши ва ўзгариши турли хил антропоген таъсир натижасида юз беради. Агроландшафт деганда бирон бир қишлоқ хўжалиги тизими тушунилмайди, фақат табиий ландшафтга хос бўлган бир хил геосистемалар даражасидаги маълум (минтақавий) ўлчов тушунилади. Бу қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши томонидан ўзгартирилган табиий ландшафтдир [2].

Фирстова Ю.Г. ва Козлова И.В.ларнинг келтириши бўйича М.Н. Лебединский (1989) агро-

¹ Ru.Wikipedia.org/wiki/% 2.

ландшафтни инсон фаолияти ўзгартирадиган объект сифатида ҳам, табиий ва антропоген қишлоқ хўжалигининг ўзига хос комплекси бўлган ҳудуд сифатида ўзгариши, табиатни бошқариш самарадорлигига таъсир кўрсатадиган ва кишилар яшаш жойи сифатида кўриб чиқиш кераклигини таъкидлайди [4].

М.И. Лопырев таърифига кўра, (1995) агроландшафт деганда бир-бирига боғланган табиий компонентлар, қишлоқ хўжалиги ва ерни бошқариш тизимининг элементлари, умумий экологик тизим белгилари бўлган нисбатан автоном сув, иссиқлик ва бошқа режимларга эга бўлган ер массасини тушунамиз. У агроландшафт тузилишини табиий ва иқтисодий тизимини тақдим этади [6].

Агроландшафтларнинг асосий хусусиятлари ва уларнинг инсон фаолияти жараёнида ўзгаришининг асосий йўналишлари В.А.Ковда (1972), А.И.Куракова (1976), В.А.Николаев (1979), В.М.Чупахин (1982) ва бошқалар томонидан ўрганилган. Л.И.Куракова (1976) куйидаги агроландшафт турларини ажратади: лалмикор, суғорма, яйлов ва ўрмон хўжалиги ландшафтлари. Хар бир ландшафт турида содир бўладиган ўзгаришлар аниқ далиллар билан очиб берилган (гидротермик, физик-механик, кимёвий ва бошқа шароитлар) [5]. А.Абдулкосимов (1966) воҳа ландшафтларининг куйидагича таърифини беради: воҳа чўлларида бир неча аср мобайнида инсон фаолияти таъсирида шаклланган, дарахт, бута, ўтлар билан копланган, суғорма дехқончилик кенг ривожланган ўзига хос ландшафт комплекси [2].

В.В.Льютова таърифига кўра, (2013) агроландшафт - бу табиий ландшафтни ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда ўзгартириш асосида яратилган антропоген ландшафт. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун агроландшафт пайдо бўлиш жараёнида баъзи таркибий қисмлар фаолияти, яни ландшафт компонентлари орасидаги эволюцион алоқалар ўзгаради [7].

Агроландшафтларни тадқиқ этишда муҳим илмий ёндошув ва тамойиллар асосида олиб бориш зарур. Булардан экологик-ландшафт тамойили, тизимли ёндашув, ландшафт индикация, геоинформацион моделлаштириш (ГИС моделлаштириш) ва бошқалар. Бугунги кунда сунъий йўлдошлар орқали олинаётган суръатлар ер юзасидаги воқеа ва ҳодисаларни ҳудудий ва даврий ўзгарувчанлигини тадқиқ қилиш имкониятини бериши кўплаб тадқиқотчилар томонидан ўрганилмоқда. Бундан ташқари, географик фанлар тадқиқот усулларининг замонавийлашуви, жумладан АрсГИС ва бошқа дастурларнинг имкониятлари космик суръатлар ёрдамида ландшафтларни таҳлил қилиш имконини беради. Бу тамойилларни қўллаш кейинги йилларда геоинформацион моделлаштириш (ГИС), ер устининг рақамли тас-

вирларидан олинган маълумотларни қўллаш жараёнилари асосида ривожланиб бормоқда. Бу эса ердан фойдаланишда табиий шароитларнинг максимал даражада бир хиллигига эришишга имкон бериб, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш масалаларини ҳал қилиш, ишлаб чиқариш мониторинги, ер кадастри ва ернинг иқтисодий баҳосини самарали амалга оширишга имкон беради. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш жараёнида мавжуд ижтимоий-иқтисодий шароитларни, айниқса аҳоли пунктлари, умумий ва бошқа мақсадлар учун муҳандислик иншоотларининг жойлашишини ҳисобга олиш керак.

Ландшафт ёндашувнинг моҳияти шундаки, инсон фаолияти ҳудуднинг табиий шароитларига юқори даражада мослашиш ва табиий ресурсларга тақлид қилиш билан амалга оширилади. Ерни бошқаришдаги экологик-ландшафт тамойили бизга ердан фойдаланиш шароитида табиий шароитларнинг максимал даражада бир хиллигига эришишга имкон беради, бу эса ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш масалаларини ҳал қилиш, ишлаб чиқариш мониторинги, ер кадастри ва ернинг иқтисодий баҳосини самарали амалга оширишга ёрдам беради. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги корхоналарини ердан фойдаланишда мавжуд ижтимоий-иқтисодий шароитларни, айниқса аҳоли пунктлари, умумий ва бошқа мақсадлар учун муҳандислик иншоотларининг жойлашишини ҳисобга олиш керак.

Ландшафт-экологик ёндошиш экологик-ландшафт зоналарини ажратиш билан ҳудуднинг ландшафт фарқини ҳисобга олади ва ҳудудни агроландшафтни маълум қисмларига (жойлашиш, йўналиши, турлари, фация ва х.к.з), яъни муайян дехқончилик тизимини, қишлоқ хўжалигини, экологик жиҳатдан бир хил ҳудудларга эга бўлган атроф-муҳитни бошқаришнинг ҳудудий доираси шакллантирилади. Агроландшафт инсон ҳаёти ва фаолиятининг асоси ҳисобланиб, ўзига хос тизимдир. Агроландшафт тизимларини тадқиқ қилишда мода ва энергиянинг ўзгариши қонунларини билиш, уларга қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқариш билан мослаштириш, уни экологик хавфсиз ва иқтисодий жиҳатдан мақбуллигини аниқлаш мумкин.

Қишлоқ хўжалигидаги ерлардан самарали фойдаланиш учун табиий ландшафтлар бирламчи бўлган ва ишлаб чиқариш воситалари яъни, агроландшафт мавжуд бўлган ҳудудларни экологик-ландшафт ташкил қилиши катта аҳамиятга эга.

А.А.Юрбаевнинг (2011) фикрича, қишлоқ хўжалиги ерларининг таркиби ва майдони қишлоқ хўжалигининг ихтисослашуви ва интенсивлик даражасига қараб белгиланади.

Қишлоқ хўжалигининг агроландшафт ресурслари ва ихтисослашуви хар бир регион учун ўзига хос ва регионлар бўйича фарқ

қилади [8].

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш ресурслари қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда қатнашадиган ресурсларнинг қуйидаги турларини бирлаштиради: а) агроиклимий – маданий ўсимликларнинг маҳсулот бериши ёки яйлов учун зарур бўлган иссиқлик ва нам ресурслари;

б) тупроқ-ер ресурслари – биомасса - тупроқ ҳам табиий ресурс ва ишлаб чиқариш воситаси сифатида қаралади;

с) ўсимлик озуқа ресурслари – чорванинг озуқа базаси бўлиб хизмат қиладиган биоценозларнинг ресурслари;

д) сув ресурслари – деҳқончиликда суғориш ва чорвачиликда фойдаланиладиган ресурслар. Бундан ташқари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этишда рельефнинг хусусиятларини табиий шароит сифатида эътиборга олиш муҳим амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқот натижалари. Қашқадарё вилояти аҳолиси йилдан йилга ортиб бормоқда буни 1-расмдан кўриш мумкин. Вилоят аҳолиси 10 йил давомида 600 минг кишига ортган, аммо урбанизация даражаси паст кўрсаткичга эга. Бунинг сабаби қишлоқларда ижтимоий-иқтисодий шароит ва ҳаёт фаровонлигининг яхшиланиши ҳамда қишлоқ аҳолисида туғилиш кўрсаткичининг юқори эканлигидир.



1-расм. Қашқадарё вилоятининг аҳолиси.
Манба: Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси маълумотлари

Қашқадарё вилоят табиий географик муҳитига мос ҳолда аҳоли унинг ҳудудида бир текис жойлашмаган. Азалдан суғорилиб деҳқончилик қилинадиган Қарши, Касби туманларида аҳоли нисбатан зич жойлашган, чўл қисмларида эса аҳоли сийрак жойлашган. Қашқадарё вилоятининг Нишон, Миришкор, Косон туманларида аҳоли нисбатан зич жойлашган. Ҳозирги пайтда вилоятда Муборак, Қамаш, Чирокчи, Ғузор туманларининг яйлов қисмларида аҳоли сийрак жойлашган. Чунки, яйлов ҳудудларида фақат чорвачилик билан боғлиқ бўлган аҳолигина яшайди.

Қарши чўлида антропоген ландшафтларнинг шаклланиши ва аҳоли жойлашуви бир-бири

билан узвий боғланган. Ўртача баланд тоғлар ва баланд тоғлар этакларида жойлашган Шаҳрисабз, Яккабоғ, Китоб туманларида аҳоли энг зич жойлашган антропоген ландшафтлар таркиб топган.

Ўрта Осиё жанубий қисмининг марказида жойлашган Қашқадарё ҳавзаси тоғлик-текислик рельефига эга бўлиб, ландшафтларнинг горизонтал ва баландлик зоналик хусусиятлари иссиқлик ва намланиш шароитларига, аҳолининг жойланиш хусусиятларига, рельефига ва инсон томонидан ўзлаштирилган жойлар ва бошқа омилларга боғлиқ.

Ландшафт турларини ажратишда уларнинг структуравий – петрографик хусусиятлари эътиборга олинган ҳолда ҳар бирининг рельеф хусусиятлари, шунингдек, иқлим ва ўсимлик, тупроқ қоплами узвий боғланишда таърифланади.


Қашқадарё воҳасининг ландшафтлари қадимдан инсоннинг хўжалик фаолиятида фойдаланилган. Шу сабабли воҳанинг катта қисмида айниқса унинг текисликларида ландшафтлар турли даражада антропоген ўзгаришларни кечирган ва уларни тавсифлашда антропоген омилларнинг ролини ҳам албатта эътиборга олмақ лозим.

Қашқадарё воҳаси қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун иқлимнинг бир қатор қулай имкониятларига эга. Қашқадарё воҳасининг географик ўрни ва унинг ер юзаси тузилиши бу ҳудуд агроиклимнинг таркиб топишида муҳим аҳамиятга эга. Қашқадарё вилояти ҳам текислик, ҳам тоғли ҳудудлар доирасида жойлашганлиги учун текислик ва тоғлик агроиклимий районлари гуруҳи алоҳида – алоҳида ажратилади. Бундай ажратишнинг негизида текисликларда намлик ва иссиқликнинг ҳудудий ўзгариш омили, тоғларда эса иқлим элементларининг баландлик зоналаниш қонуни асосида тарқалиш сабаби ётади. Ўрта Осиё агроиклимшунослик илмининг мутахассисларидан Л.Н.Бабушкин ва Н.А. Когайлар Қашқадарё ҳавзасининг текислик қисмини учта, яъни Қуйи Қашқадарё, Ғузор ва Шаҳрисабз агроиклимий районларга ажратади [3].

Қашқадарё воҳасида ўлканинг қишлоқ хўжалиги қадимдан анъанавий тарзда ривожланиб келмоқда. Шунинг учун воҳада энг катта майдонни антропоген фаолият билан боғлиқ бўлган қишлоқ хўжалик ландшафтлари – агроландшафтлар эгаллайди. Қашқадарё вилояти ер фонди ва унинг таркибидаги тузилмавий ўзгаришларни таҳлил қилиш, уларнинг асосий ва устивор йўналишларини аниқлаш агроландшафтлардан самарали фойдаланиш ва маданий ландшафтларни ташкил этишда муҳим ўрин тутади (2-расм).

Қашқадарё вилояти ўзининг эгаллаб турган ер майдони бўйича Ўзбекистонда таркибидаги энг йирик вилоятлардан ҳисобланиб, унинг умумий ер майдони 2856,8 минг гектарни таш-

кил этади. Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси маълумотларига кўра 2020 йил январь ҳолатида вилоятда 2143,3 минг гектар қишлоқ хўжалик ерлари бўлиб, шундан ўрмонлар 109,1 минг гектарни, боғлар ва тоқзорлар 35,7 минг гектарни ташкил этади. Суғориладиган ерлар 417,2 минг ва лалми ерлар 253,2 минг гектардан иборат. Лалмикор ерлар ўртача йиллик ёғин миқдори 250 мм дан ошадиган ҳудудлар ҳисобланиб, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш фақат ёғинлар ҳисобига амалга оширилади.



2-расм. Қашқадарё вилоятининг қишлоқ хўжалик ер фонди тузилмаси (2020 йил 1- январь ҳолатида)
Манба: Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси маълумотлари

Қашқадарё воҳасининг мавжуд ер ресурслари лалмикор деҳқончиликда анча катта миқёсларда фойдаланиш имкониятини беради. Қашқадарё вилоятида ҳайдалиб, экин экиладиган ерлар майдони 670,5 минг гектар ёки умумий майдоннинг 23,7% га яқин бўлиб, шундан 253,2 минг гектари ёки жами экин майдонларининг 9,1% лалмикор деҳқончиликда фойдланилади.

Вилоят майдонининг 20,2 минг гектар ёки 0,70% майдони боғлар, 9,9 минг гектар ёки 0,35% майдони тоқзорлар, 8,6 минг гектар ёки 0,30% майдони тутзорлар, 1,5 минг гектар ёки 0,01% майдони кўчатлар, 21,9 минг гектар ёки 0,76% майдони бўз ерлар, 1406,8 минг гектар ёки 49% майдони яйловлар ташкил этади. Вилоятнинг яйлов сифатида фойдаланиладиган ҳудудлари чуқур ўзгаришга учрамаган табиий-антропоген ерлардир.

Қашқадарё воҳасида барча турдаги антропоген ландшафтлар тарқалган. Бу ҳудудда айниқса, қадимий аҳоли манзилгоҳлари, лалмикор ва обикор деҳқончилик билан боғлиқ бўлган селитеб ва агроландшафтлар кенг тарқалган. Юқоридагиларни таҳлил қилиш асосида Қашқадарё воҳасида агроландшафтларнинг куйидагича турларини ажратиш мумкин: обикор ландшафтлар; лалмикор ландшафтлар; боғлар ва кўчатлар; тоқзорлар; тутзорлар; бўз ерлар; яйловлар ва бошқа турдаги ландшафтлар. Бу турдаги ландшафтларни кичик турларини ҳам қишлоқ хўжаликда фойдаланиш тури ва мақсадларига қараб яна ажратиш имконияти бор. Масалан, табиий яйловларни тоғ, дашт, чўл, қуруқ тўқай ва ўрмон яйловларга ажратиш

мумкин. Суғориладиган ҳудудларда пахтачилик, ғаллачилик, сабзавотчилик қилинадиган ҳудудларнинг ландшафти ва ҳақозо. Чалачўл ландшафтларнинг иқлим шароитлари деҳқончилик ва чорвачилик учун қулай. Тоғ-чалачўл ландшафтлари тарқалган ҳудудлар ғалла етиштириладиган лалмикор деҳқончиликда фойдаланилади. Бундан ташқари, бу ерда боғдорчилик, узумчилик ва гўшт-сут йўналишидаги чорвачилик ҳам ривожланган. Адирлар ва паст тоғларнинг ландшафтлари яйловлари ва пичанзорлар сифатида фойдаланилади.

Суғориш деҳқончиликни интенсивлаштириш ва табиий ландшафтларни ўзгартиришнинг кучли омили бўлиб, у ўз ичига бир қанча мажмуали хўжалик тадбирларини бириктиради: қурилиш, ирригация системалари (каналлар, сув омборлари ва б.), ер тузиш, қишлоқ хўжалик майдонларини ва аҳоли томорқаларни суғориш, қишлоқ хўжалик экинларини қайта ишлаш ва бошқалар. Натижада суғориладиган ерларда табиат компонентлари (рельеф, ҳайвотот ва ўсимликлар дунёси, тупроқ, грунт сувлари, микроиқлим ва б.) сезиларли равишда ўзгаради. Арид иқлимли Қашқадарё вилоятнинг Қарши чўли ерларини суғориш натижасида қайта шўрланиш, зах босиш (ботқокланиш), ирригацияли эрозия, чўкиш ва бошқа салбий таъсирлар кузатилади.

1-жадвал

Қашқадарё вилояти суғориладиган ер майдонларининг тупроқ шўрланиш даражаси (2020 йил 1- январь ҳолатида)

Туманлар	Мелиоратив назоратда турган суғориладиган майдон, гектар	Шўрланиш даражаси буйича бўлинганлиги (0-100см калинликда) гектар				
		шўрланмаган	жами шўрланган майдон	Шу жумладан,		
				кучсиз шўрланган	ўртача шўрланган	кучли шўрланган
Ғузор	34979	12231	22748	17888	4242	618
Деҳқонобод	2926	2926	-	-	-	-
Қарши	50375	27327	23030	20350	2052	628
Косон	73632	26722	46910	36035	8175	2700
Қамаши	34844	18601	16243	13143	2480	620
Китоб	20282	20282	-	-	-	-
Миришкор	63358	37068	26290	24420	1719	151
Муборак	35014	6153	28861	20660	5361	2840
Нишон	57235	22610	34625	23940	8851	1834
Қасби	50537	19193	31344	26096	5039	209
Чирокчи	30227	27999	2228	2028	200	-
Шахрисабз	26125	26125	-	-	-	-
Яккабоғ	34598	34568	30	20	10	-
Жами:	514114	281805	232309	184580	38129	9600
Фойзда(%)	100%	54.8%	45.2%	35.9%	7.4%	1.9%

Манба: Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси маълумоти (2020 йил 1- январь ҳолати)

Мавжуд маълумотларга кўра ҳозирда вилоятда суғориладиган ерларнинг 45% дан ортик

турли даражада шўрланган. Суғориладиган ерларнинг кенгайиши асосан Қарши чўлида суғорилаётган ерларнинг қайта шўрланиши натижасида кенгайиб бормоқда.

Қарши чўлини мажмуали ўзлаштириш ва суғоришга тайёрлаш олдидан ўтказилган тадқиқотлар-бу ерда ўзлаштириш мумкин бўлган 1,0 млн. гектар майдоннинг 200 минг гектар и (20%) шўрланмаган, қолган 80% майдонлардаги тупроқлар турли даражада шўрланганини кўрсатган эди. Кучли шўрланган тупроқлар Ғузордарё ва Қашқадарёнинг конуссимон ёйилмаларида, жанубий –шарқий тоғолди текисликларида ва қадимий қолдиқ платолар атрофида мавжуд [1].

Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси маълумоти бўйича (2020 йил 1-январь ҳолати) вилоятда жами шўрланмаган майдон 54.8%, жами шўрланган майдон 45.2% бўлиб, шундан кучли шўрланган майдон 1,9 %, кучсиз шўрланган майдон 35,9% ва ўртача шўрланган майдон 7.4% ни ташкил этади [10].

Юқоридаги маълумотлардан кўриш мумкинки, Деҳқонобод, Китоб, Шаҳрисабз туманларида шўрланган ерлар кузатилмайди. Бунинг сабаби эса ушбу туманлар тоғли зонада жойлашганлиги, оқар сувлар билан яхши таъминланганлиги ва ёгин микдорининг анча кўплиги ҳисобланади. Қашқадарё вилоятининг чўл зонаси ҳисобланган Нишон, Косон ва Муборак туманлари кучли шўрланган майдонларнинг кўплиги жиҳатидан етакчи ўринни эгаллайди. Қамаш, Қарши ва Ғузор туманларида эса шўрланиш даражаси ўртача. Туманлараро шўрланиш даражасининг турличалиги тупроқ таркиби ва иқлимий омилларга боғлиқ ҳолатда рўй беради. Шу билан бирга тоғ ва тоғ олди ҳудудларида жойлашган туманларда шўрланмаган ерларнинг салмоғи нафақат юқори даражада сақланиб қолмоқда, балки олиб борилаётган мелиоратив ва агротехник тадбирлар таъсирида янада яхшиланмоқда. Бунинг яна бир сабабларидан бири мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган таркибий ўзгаришларни қайд этиш лозим. Чунки, юқори зонада жойлашган туманларда пахта майдонлари қисқартирилиб, ғалла, пичан, боғдорчилик, сабзаёт экинлари катта майдонларни эгаллайди. Бу эса қишлоқ хўжалиги экинларини алмашлаб экиш имконини яратиб, олиб борилган агротехник тадбирлар натижасида тупроқ сифатининг яхшиланишига олиб келди.

Қашқадарё воҳасида инсоннинг турли хилдаги фаолияти билан боғлиқ бўлган ландшафтларнинг ўзгариши ва антропоген ландшафтларнинг юзга келиши содир бўлган. Бу ерда тубдан ўзгартирилган техноген ландшафтлар, селитеб ландшафтлар, сувли (аквал) ландшафтлар вужудга келган. Аммо уларнинг майдони агроландшафтлар билан банд бўлган ландшафтлар-

нинг майдонига нисбатан анча кам ва уларнинг аксарият катта қисмини йирик масштабли ҳариталардагина ажратиш мумкин.

2-жадвал

Қашқадарё вилоятида чўлланиш жараёнининг типлари

№	Чўлланиш типлари	Фойдаланилиши	Чўлланишга қарши кураш чора-тадбирлари
I	Эол жараёнлар ривожланган кумли чўллар	Чорвачилик	Фитомелиорация (саксовул, қанди, черкез)
II	Дефляция жараёнлари ривожланган лёссли ва шўрхокли чўллар	Чорвачилик	Фитомелиорация ва кўп йиллик буталар экиш. Яйловчиликни тартибга солиш
III	Тупроқлари иккиламчи шўрланган жараёнлар	Суғориш деҳқончилиги	Агротехник чора-тадбирлар
IV	Тупроқнинг гумуссизланиши дегумизация жараёни	Қадимдан суғорма деҳқончилик	Фан-техника ютуқларидан ва табиий ўғитлардан фойдаланиш
V	Эррозион жараёнлар ривожланган тоғ олди текисликлари	Ламикор деҳқончилик ва чорвачилик	Эррозион жараёнларга қарши чора-тадбирлар (кўп йиллик буталар экиш)
VI	Сув эрозияси ривожланган ялонғочланган тоғ ёнбағирлари	Чорвачиликда ва рекреацияда	Тоғ ёнбағирларини терассалаштириш (дарёлар ва сойлар ҳавзалари бўйлаб) ва ўрмон агромулозимоти амалга ошириш

Манба:Хушмуродов Ф, 2017

Хулоса. Қашқадарё воҳасидаги мавжуд ерлардан оқилона фойдаланиш – деҳқончиликни тармоқларини янада ривожлантиришда ва тупроқ унумдорлигини сақлаб қолишда катта рол ўйнайди. Ҳар қандай жойнинг табиат комплексини ўз ривожланиш тартибига, индивидуал хусусиятларига эга бўлган экологик-географик тизим деб қараш оқилона фойдаланишнинг асосини ташкил қилади.

1. Қашқадарё воҳасининг суғориладиган ерларда табиатдан, агроландшафтлардан фойдаланишни оптималлаштириш ва чўллашаётган ландшафтларни тиклаш учун табиатни муҳофаза қилиш ва мелиоратив тадбирларни кучайтириш билан бир қаторда замонавий усуллар орқали тадқиқот олиб бориш талаб этилади.

2. Ернинг тузилиши нафақат деҳқончилик самарадорлигини оширишни, балки ерлардан оқилона фойдаланишни, экологик жиҳатдан барқарор бўлмаган ҳайдаладиган ерлар, емхашак экин майдонлари, кўп йиллик маданий экинзорлар ва табиий ландшафтнинг экологик жиҳатдан барқарор объектлари (сув ҳавзалари, ўрмонлар, ботқоқликлар ва бошқалар) ўртасидаги оқилона нисбатни таъминлашдан иборат бўлиши зарур.

3. Мамлакатимизда экологик географик муаммоларга оид замонавий илмий тадқиқотларни олиб боришда, асосан ер устининг

рақамли тасвирларидан олинган маълумотларни қўллашни ривожлантириш лозим.

4. Агроландшафтларни тадқиқ этиш экологик-ландшафт тамойили, тизимли ёндашув, ландшафт индикация, геоинформацион моделлаштириш (ГИС моделлаштириш) худуддаги ўтмиш ва ҳозирги вазиятни ақс эттирувчи маълумотларни тўплаш, тизимлаштириш ва таҳлил қилишнинг самарали усули ҳисобланади.

Юқоридагилар Қашқадарё воҳасининг агроландшафтларидаги салбий жараёнларнинг ривожланишини аниқлаш, башорат қилиш ва зарур бўлганда уларни янада сиғимли ҳамда экологик барқарор агроэкоотизимларни яратишга мослаштириш имконини беради. Бу эса юртимизда қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олишда, ҳосилдорлик миқдорини башоратлашда муҳим аҳамиятга эга. Ландшафтларнинг инсон хўжалик фаолияти таъсирида ўрганилиши шу ландшафтнинг табиий ёки ресурслар салоҳияти билан бевосита боғлиқ. Асосан ландшафтларга тавсиф беришда муайян худуднинг табиий ресурслари ҳамда инсоннинг табиатга таъсирини ҳам эътиборга олиш мақсадга мувофиқ.

Адабиётлар:

1. Абдуллаев С.И. Аҳолининг ўсишига боғлиқ ҳолда ер захираларидан оқилона фойдаланиш. – “Мухандислик-экология йўналишидаги фанларни ўқитиш услубиёти ва илмий изланишлар” мавзусидаги Рес-ка илмий-услубий семинарининг илмий

ишлар тўплами. Т., 2002 58-60 б.

2. Абдулкасимов А.А. Вопросы классификации антропогенных ландшафтов Средней Азии Научные зап. Воронеж. отд. Географ. Общества СССР. Воронеж. 1966. С.26-30.

3. Бабушкин Л.Н., Когай Н.А. Основы методики оценка природных условий для сельского хозяйства Вопросы географии. № 99. М., 1975. С.64-73.

4. Баранов В.А., Иванов А.В. Агроресурсландшафты юго-востока Европейской России: структура, эволюция, оптимизация. – Саратов : Изд-во «Научная книга», 2006. – 274 с.

5. Куракова Л.И. Антропогенные ландшафты. Изд. Московского университета. 1976.-215 с.

6. Лопырев, М.И. Основы агроландшафтного земледелия / М.И. Лопырев. - Воронеж: изд-во Воронежского ун-та, 1995. - 339 с.

7. Лютова В. В. Особенности и оценка эффективности землепользования в агроландшафтах Липецкой области / Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата географических наук. Санкт-Петербург 2013. 28 с.

8. Юрьтаев А.А. Агроландшафтные исследования: теория и практика/ Научные ведомости Серия Естественные науки. 2011. № 15 (110). Выпуск 16. С. 3-6.

9. Хушмурадов Ф. Қашқадарё водийсида чўллашиш жараёнининг хусусиятлари ва унга қарши кураш. /Магистрлик диссертацияси. Самарқанд-2017. 82 б.

10. Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси маълумотлари 2010, 2015, 2020 йй.

ХАРИТАЛАРНИ ЯРАТИШДА ArgGIS ДАСТУРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Карабеков Улуғбек Абдукаримович. Жиззах политехника институти

Аннотация: Ушбу мақолада бугунги кунда картографик тизимда ГИС дастуридан фойдаланишнинг аҳамияти, шунингдек, дастурий таъминотни ишлаб чиқишда картографиянинг ўрни ва ArcGIS-да хариталар ва картографик моделларни дастурий хариталаш ва маркалашнинг аҳамияти муҳокама қилинади.

Калит сўзлар: ArcGIS нинг картографиядаги ўрни, харита афсонасининг аҳамияти, маълумотлар базаси растр ва векторли график муҳаррирлари ва фазовий маълумотларни таҳлил қилиш.

Аннотация: В этой статье обсуждается важность использования программного обеспечения GIS в картографической системе сегодня, а также роль картографии в разработке программного обеспечения, а также важность картографирования программного обеспечения и брендинга карт, а также картографических моделей в ArcGIS.

Ключевые слова: Роль ArcGIS в картографии, важность легенды карты, редакторов растровых и векторных графиков базы данных и анализа пространственных данных.

Annotation. This article discusses the importance of using GIS software in a mapping system today, as well as the role of mapping in software development, as well as the importance of mapping software and map branding, as well as mapping models in ArcGIS.

Key words: The role of ArcGIS in cartography, the importance of map legends, raster and vector database editors, and spatial data analysis.

Бугунги кунда илм-фан ва техника ютуқларини кенг қўллаган ҳолда иқтисодиёт тармоқларига, ижтимоий ва бошқа соҳаларга замонавий инновацион технологияларни тезкор жорий этиш Ўзбекистон Республикаси жадал ривожланишининг муҳим шартини ҳисобланади. Жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳалари шиддат билан ривожланаётгани ислохотларни мамла-

катимизнинг жаҳон цивилизацияси етакчилари қаторига кириш йўлида тез ва сифатли илгарилашни таъминлайдиган замонавий инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларга асосланган ҳолда амалга оширишни тақозо этади [1].

Картография соҳасида қўлланиладиган ArgGIS дастури тадқиқот объекти бўлиб хизмат

қилади. Тадқиқотлар услуги асосини замонавий картографияда умумқабул қилинган услублар ташкил этади.

Маълумки авваллари карталар сиёҳ билан чизилган бўлса, бугунги кунда у компьютерлар ёрдамида чизилмоқда. Бунинг учун махсус дастурий таъминот (дастурий таъминот) синфи асосида яратилган Автоматлаштирилган картографик тизимлардан (АКТ) фойдаланиб келинмоқда. Бугунги кунда илмий тадқиқотлар ва амалий фаолиятда кўплаб ГИСлар ишлатилади, лекин улар орасида шахсий ГИСлар кенг тарқалган. Жумладан, уларга GeoDraw, GeoGraph (Россия География институти), AtlasGis, WinGis, ArcInfo, MapInfo (АҚШ) ва бошқа дастурларни мисол келтириш мумкин.

Географик ахборот тизими (географик ахборот тизими, ГИС) - фазовий [2] (географик) маълумотларни ва зарур объектлар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, сақлаш, таҳлил қилиш ва график жихатдан визуал тарзда намойиш этиш тизимидир.

Географик ахборот тизими тушунчаси тор маънода - фойдаланувчиларга худуднинг рақамли харитасини ва объектлар тўғрисида кўшимча маълумотларни қидириш, таҳлил қилиш ва таҳрирлаш имконини берадиган восита (дастурий махсулот) сифатида ишлатилади[3].

Географик ахборот тизими фазовий маълумотлар базасини растрли ва векторли график муҳаррирларни ва фазовий маълумотларни таҳлил қилиш учун турли хил воситаларни ўз ичига олиши мумкин. Улар картография, геология, метеорология, ер тузиш, экология, шаҳар маъмурияти, транспорт, иқтисодиёт, муҳофаа ва бошқа кўплаб соҳаларда қўлланилади. Геоинформатика томонидан геоинформацион тизимларни лойиҳалаш, яратиш ва улардан фойдаланишнинг илмий, техник, технологик ва амалий жихатлари ўрганилмоқда.

Бугунги кунда юртимизда ҳар бир соҳада замонавий технологияларни қўллаган ҳолда янгича услубларни ишлаб чиқиш, қилинадиган ишларнинг сифатини яхшилаш ва вақтдан унумли фойдаланиш борасида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Замонавий технологиялардан фойдаланиш орқали картографияни ривожланишига улкан ҳисса қўшмоқда.

Юқоридаги усуллардан фойдаланиб электрон рақамли хариталар яратиш ишлари олиб борилмоқда. Карта ёки атласнинг программаси (дастури) лойиҳалашнинг негизидир. Бу жараён қуйидагиларни ўз ичига олади: карта тузиладиган худуднинг номи, кимлар учун мўлжалланганлиги, картографик тури, типи, карта ва атласларнинг мавзулари, математик асоси, карталар мазмуни, генерализация принциплари, тасвирлаш усуллари ва шакллари, статистик ва картографик манбалар, улардан фойдаланиш

тартиби ҳамда карта ёки атласни тайёрлаш технологияси.

Карталар яратишда шартли белгиларни танлаш ва жойида ишлата билиш керак. Шартли белгилар оддий шаклда, мазмунга лойиқ танланиши зарур, шу билан бирга ҳозирги замон технологиясига мос бўлиши керак. Карта тузишда легенданинг ахамияти каттадир, шунинг учун ҳам легенда картанинг калити деб ҳам юритилади. Чунки, у карта мазмунини очиқ беради. Картани ўқишдан илгари унинг легендаси билан танишилади. Легенда ишлаб чиқишда шартли белгилар карта мазмунига мос бўлибгина қолмасдан, мантик жихатдан ҳам тўлиқ, содда, ўқилиши осон ва қисқа бўлиши зарур.

Картографияда ArcGIS дастурида сўнги йилларда бир-бири билан ҳамбарчас боғланиб бораётган билимлар соҳаларидир. Бугунги кунда картографлар ArcGIS дастурида картографик моделлар яратмоқдалар. ArcGIS дастурида бажарадиган омиллар ҳар бир худуд учун алоҳида ахамиятга эга бўлган ягона жараёни амалга оширади. У маълум бир лойиҳа учун воқеа ва ходисанинг талабларга мувофиқ равишда ҳосил қилинган фазовий моделидир.

ArcGIS дастурида электрон карталарни яратиш учун қуйидагиларни бажариш керак:

- ArcGIS дастурининг ArcView қисми компьютер базасига ўрнатилади;
- жойни космосдан туриб рақамли фотокамера ёрдамида суратга туширилади;
- трансформацияланган суратлардан жойнинг фотоплани ёки фотосхемаси тузилади;
- фотоплан олиб жойга бориб, дешифровка қилинади;
- суратларни ArcGIS дастурига масштаб бўйича туширилади;
- дешифровка қилинган фотоплан ёки фотосхемага қараб ArcGIS дастурига электрон карта чизилади.

Шу билан биргаликда маълумотлар ҳам компьютерга киритилиб борилади. ArcGIS дастури асосий икки қисмдан иборат. 1. ArcMap; 2. Arc Catalog. 1-бўлим ArcMap географик объектларни атрибут маълумотлар билан ишлашга қўлланилади. ArcMapни яъни, дастурни ишга тушириш учун, ишчи ойнадан ArcMap нинг устига сичқончанинг чап тугмасини босиш орқали ишчи ҳолатга туширилади.

Бунинг учун ArcGISнинг бирламчи манбаи ҳисобланган фазовий маълумотларни таҳлил қилиш, уларга тааллуқли бўлган атрибутларни (ўзига хос белги, хусусият) тўплаш ва ArcGIS маълумотлар базаси қатламларини яратиш кўп вақт ва меҳнат талаб қилади. Фазовий маълумотларни тасвирлаш ва таҳлил қилиш ArcGIS маълумотларни базаси қатламларининг ўлчашларини ва маълумотлари сўровини ўз ичига олади.

Географик ахборот тизимлари кўплаб тармоқларни худудий ташкил этиш режаларини ишлаб чиқишда ўз самарасини кўрсатмоқда ва бу, ўз навбатида, хариталар яратишда муҳим бўлган муаммолар ечимини ўз вақтида аниқлаш ҳамда картографияни ривожланишига катта ёрдам беради.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг

2019 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида Фармони.

2. Мирзалиев Т., Дорабоев Ж. Карталарни лойиҳалаш ва тузиш. –Тошкент, «Галкин», 2007

3. Султонов М.Д. Геоинформацион картография (ўқув услубий кўлланма) УрДУ Университети, 2014.

4. <https://lib.uwaterloo.ca/locations/umd/digital/documents/CreatingMapsInArcMap-workshop.pdf>

ЭКСПЛУАТАЦИЯ ҚИЛИНАЁТГАН ТЕМИР ЙЎЛ КЎПРИКЛАРИНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ УЧУН “МАРINFO” ДАСТУРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Эрбоев Ш.О. – доцент; Азимов Б.С. – ассисент; Ботиров Б.Ф. – магистр.
Жиззах политехника институти

Аннотация. Ушбу мақолада, анъанавий қоғоз технологияси орқали карта яратилиши билан бир қаторда, компьютер дастурлари асосида, яъни географик ахборот тизими (ГАТ) ёрдамида карталар яратиш кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: темир йўл кўприклар, географик ахборот тизими, электрон карта.

Аннотация. В этой статье обсуждается создание карт с использованием традиционной бумажной технологии, а также компьютерного картографирования, то есть географических информационных систем (ГИС).

Ключевые слова: железнодорожные мосты, географическая информационная система (ГАТ), электронная карта.

Annotation. In this state, the creation of the map with the use of traditional paper technology, as well as computer mapping, is a geographic information system (GIS).

Keywords: railway bridges, geographic information system, electronic card.

Режа ва карталарни кўпинча икки хил усулда ер устини геодезик расмга олиш (ўлчов) натижалари асосида ҳамда масофадан жойларни зондирлаш орқали олинган материаллар ёрдамида яратилади.

Рақамли карта – бу муайян форматда ёзилган, уни сақланиши таъминланадиган, тахрир қилиниши ва қайта тикланиши мумкин бўлган тематик ёки умумгеографик карталарни векторли кўринишидаги рақамли ифодасидир, номланиши бўйича тузилган карталарни ГАТ технологияси асосида энг кўп умумий кўринишни куйидагича тақдим қилиш мумкин.

1. Маълумотларни киритиш ва дастлабки материалларни тайёрлаш:

- а. электрон тахиометрли тўплагич;
- б. ЖПС қурилмаси;
- в. тасвирларни қайта ишлаш тизими;

2. Яратилаётган карта ва унга тегишли жадвалларни шакллантириш ва қатламларини муҳаррирлаш, шунингдек маълумотлар базасини шакллантириш;

3. Объектларни тавсифлари билан бирга (атрибутлари) жадвалли ва матнли маълумотларини киритиш;

4. Белгили тизимларни ишлаб чиқиш (мозий карталар);

5. Қатламларни бирлаштириш, мавзули карталар ва уларни муҳаррирлашда картографик тасвирларни шакллантириш;

6. Карталарни компановкаш ва макет нусхаларни шакллантириш;

7. Картани босмадан чиқариш.

ГАТ технологиясида оператор биринчи босқичда монитор экрандаги кузатув материаллари, картографик материалларнинг дастлабки кўриниши нусхаларини олади.

Сўнгра уларни рақамлаштириш, яъни оддий тасвирни векторлига айлантириш ва рақамли картани қатламларини шакллантириш лозим.

ГАТ технологиясида карталарни тузиш бу босқичда нафақат шакллантириш, балки муҳаррирлаштиришни ҳам ўз ичига олади. Содда кўринишда қатламни шаффоф пластик варақлардан ташкил топган деб фараз қилиш мумкин. Уларнинг ҳар бирида алоҳида (гидрография, аҳоли пунктлари, маъмурий чегаралар, йиллар тури ва бошқалар) географик асослар элементлари кўрсатилган, ҳамда алоҳида махсус (ҳар бир мавзули) элементлар бўлиши мумкин. Бу пластик варақларни бир бирини устига қўйиб картографик тасвир яратилади[1,2].

Компьютер дастури маълумотлар базасини такомиллаштириш учун ПЧ – 8 бўлимига қарашли 3738+025 км Тошкент – Самарқанд – Бухоро оралиғидаги қувур иншоотларининг маълумотлари келтирилган.

1. Туманнинг тавсифи

- зилзилабардошлиги – 8 балл

- қорли туман - 1, $s_0 = \frac{50}{1}$ кгс/м²

- шамолли туман - 1, $w_0 = \frac{38}{1}$ кгс/м²


2. Қувур тавсифи

- қувур: суғориш канали ;
- қувур схемаси: узунлиги (каллаги билан биргаликда) 49,51 м;
- қувур кўзи (очко): 1 ;
- қувур кўзининг диаметри: 125 см;
- қувур қиялиги: режада кўриниши бўйича қия, қиялик радиуси 5,8 %;
- тўшмадан ўтиш қиялиги (град): 90 ;
- қувур юқорисидан рельс тағлигигача бўлган масофа: 1,25 м.

Бундан ташқари ҳар бир иншоотнинг ҳолати тўғрисидаги бўйлама, кўндаланг ва умумий кўриниши, шикастланишлар, носозликларнинг фото лавҳалари жамланмасининг электрон шаклдаги маълумотлари киритилади.

Электрон картани яратишда кейинги қадамга MapInfo ГАТ га ўтилади. “Карталар” ойнаси ахборотларни график кўринишида тасвирлайди, бу эса маълумотларнинг ўзаро жойлашишини кўра билиш қонуниятларини аниқлаш ва таҳлил қилишга олиб келади. “Карталар” ойнасида жадвалларга боғлиқ бўлган графикли объектлар кўрсатилади. “Карталар” ойнаси бир вақтда бир неча жадвалларда ахборотларни сақлаши мумкин, бунда ҳар бир жадвал алоҳида қатлам сифатида тасаввур қилинади [1,2,3,4].

Маълумотлар бевосита жадвал кўринишида киритилади. Карта ойнасида асбоблар панелидан [i] тугмачаси орқали ахборотлар танланади ва картада объектни курсор билан кўрсатиш асносида ахборотлар киритилади [2].




1-расм. Электрон картани яратиш ойнаси.

КН	Адрес	Землепользовате	Площадь	Периметр
0001	ул.Автозаводская,	Иванов И.И	13,3га	1477,1м

2-расм. Дастурга киритилган маълумотларни жадвал кўринишидаги ойнаси.

Такомиллаштирилган компьютер дастурини бундай маълумотлар базаси билан тўлдиришдан мақсад Республика темир йўлларидаги мавжуд иншоотларнинг электрон маълумотлар базасини яратиш ва ундан келгусида иншоотларнинг эксплуатация кўрсаткичларини авто-

матлаштирилган усулини яратишдан иборат [2,3,4,5,6].



3-расм. Такомиллаштирилган компьютер дастурининг ойнаси.

“Рўйхат” ойнаси электрон жадвал форматида маълумотлар базасидан олинган маълумотларни ишнинг бошланғич маълумотлари сифатида қабул қилиш имконини беради (3 - расм).

Хулоса. Эксплуатация қилинаётган кўприкларни техник ҳолатини мониторинг қилишда такомиллаштирилган MapInfo компьютер дастуридан фойдаланилганда темир йўллардаги сунъий иншоотларнинг рақамли картага айлантириш имконияти туғилади. Такомиллаштирилган компьютер дастури учун жамланган маълумотларни ва тайёрланиш усулини амалга ошириш жараёнида ҳар бир иншоотнинг рақамли картаси ва маълумотлар базаси, ҳамда темир йўллардаги барча сунъий иншоотларнинг ҳолати ва жойлашиши бўйича электрон паспорти яратилади.

Адабиётлар:

1. MapInfo Professional. Руководство пользователя. – М.: ООО “ЭСТИМЭП”, 2000. 470 б
2. Лебедев П.П., Раклов В.П. Теория и методы кадастрового картографирования с применением географических информационных систем (ГИС): – М.: ГУЗ, 2001. Монография. 128 б
3. Ганиев И. Г., Эрбоев Ш.О. Результаты обследования и испытания эксплуатируемых пролётных строений железнодорожных мостов условиях сухого жаркого климата. Проблемы прочности материалов и сооружений на транспорте: Тезисы VII Международной конференции. Санкт - Петербург, 2008 год. 23 - 24 апреля 50 - 52 б.
4. Эрбоев Ш.О. Темир йўл кўприкларидаги носозликларни аниқлаш // Тошкент темир йўллари муҳандислик институти АХБОРОТИ чорак журнали
5. Erboev Sh. O. Organizational and structural measures to improve the process of operation concrete span // European science review № 9–10 September–

October Vienna 2016. – 184-186 б.

6 Красин Н.А., Мамажонов Р. К. Обследования и испытания пролетных строений мостов, эксплуати-

руемых в условиях сухого жаркого климата // Строительство и архитектура Узбекистана. -1990. - N 3. – 32 - 34 б.

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ КОМБИНИРОВАННЫХ ПЛАВУЧИХ КОНСТРУКЦИЙ НА ВОДОЗАБОРАХ НАСОСНЫХ СТАНЦИЙ

Норкулов Б.Э.¹, Насырова Н.Р.², Шомайрамов М.А.¹ Суюнов Ж.Ш.¹, Таджиева Д.О.³

¹Ташкентский Институт Инженеров Ирригации и Механизации Сельского Хозяйства

²Научно Исследовательский институт ирригации и водных проблем

³Самаркандский государственный архитектурно-строительный институт.

Аннотация. В статье рассматриваются отдельные виды течения с учётом динамических характеристик элементов новых плавучих конструкций защищаемых оборудование насосных станций от поступления плавника к рабочим органам насосов и предотвращающих перепады уровней воды на сороудерживающих сооружениях. Приведён анализ применения плавучих растекателей в виде запани установленных в аванкамере первой насосной станции и на водозаборе Каршинского каскада. В лаборатории была построена пространственная модель, которая может имитировать различные варианты плавучие раскатели и пригодна для проверки теоретических положений. Результаты лабораторных исследований представлены аппроксимирующими уравнениями: при водозаборе и построены кривые зависимости угла установки запани к поперечному сечению и скорости потока. Экспериментальное определение изменения профиля скоростей в пограничном слое крыла при изменении скорости потока имеет приоритетное значение для определения характеристик самоуправляемости подобных конструкций, что является актуальным для улучшения их эксплуатации. Рекомендовано погружение щитов понтонов плавучих запаней на 1-1,5 м.

Ключевые слова: плавучие раскатели, подводные крылья, насосные станции, лабораторные исследования, профили скоростей.

Annotation. The article discusses certain types of flow, taking into account the dynamic characteristics of the elements of new floating structures of the protected equipment of pumping stations from the inflow of the fin to the working bodies of the pumps and preventing drops in water levels at trash holding structures. An analysis of the use of floating spreading elements in the form of a jam installed in the front chamber of the first pumping station and at the water intake of the Karshi cascade is presented. In the laboratory, a spatial model was built that can simulate various options for floating spreading devices and is suitable for checking theoretical positions. The results of laboratory studies are presented by approximating equations: at water intake and plotted the curves of the dependence of the angle of setting of the stagnation to the cross-section and the flow rate. Experimental determination of the change in the velocity profile in the boundary layer of the wing with a change in the flow velocity is of priority importance for determining the characteristics of self-control of such structures, which is important for improving their operation. It is recommended to submerge the boards of the pontoons of floating pools at 1-1.5 m.

Key words: floating diffusers, hydrofoils, pumping stations, laboratory studies, velocity profiles.

Введение. В современных природно-хозяйственных и экономических условиях, когда возрастает стоимость эксплуатационных издержек, их экономии в первую очередь необходимо осуществлять за счет уменьшения потребления электроэнергии и других энергоносителей по основному и вспомогательному оборудованию насосных станций (НС), сокращения затрат на очистку водоподводящих и сопрягающих сооружений от плавника и наносов. Перечисленные направления должны учитывать экологические аспекты эксплуатации НС, климатические особенности Республики Узбекистан, сокращение непроизводительных потерь воды и других ресурсов [1,2].

В условиях срочной реновации должна быть определена стратегия эксплуатации, направленная на поддержание необходимых экономических параметров основных элементов этих систем, что является чрезвычайно актуальной задачей в XXI веке. Масштабы обновления инвестиционной политики требуют ужесточения требования к ресурсоемким проектам. Реконструкция систем машинного водоподъема может

дать наибольший экономический и экологический эффект [3,4]. В решении вопросов нестационарных гидромеханических процессов авторами применен последовательный подход с рассмотрением отдельных видов течения, динамических характеристик элементов новых плавучих конструкций защищаемых оборудование НС от поступления плавника к рабочим органам насосов и предотвращающих перепады уровней воды на сороудерживающих сооружениях. Комбинированные (с возможностью синхронной защиты от обволакивания наносов и плавника) плавучие конструкции имеют подводные крылья.

Методы исследований. При исследованиях используются методы научного обобщения материалов натуральных и лабораторных исследований, аналитические методы расчёта движения воды в водоподводящих сооружениях НС. Метод разрабатываемый применительно к горизонтальному подводному крылу применен для решения задачи о вертикальном подводном крыле не пересекающем свободную поверхность. Выполнение исследований на первом

этапе заключается в уточнении расчетных зависимостей элементов плавучих конструкций проф. Н.Е. Жуковского, проф. А.Я. Миловича, проф. М.В. Потапова по винтовому движению, как частного случая циркуляционного потока [5,6,7].

Как видно из выражения (6) и (7), углы поворота сечений плиты также равняются нулю на контуре, что соответствует граничным условиям (2). Все силовые факторы, возникающие в сечениях плиты, определяются известными формулами теории изгиба упругих плит. Напряженное состояние плиты не зависит от относительного вертикального перемещения $\tilde{z}_n(t)$ центра масс, так как производные по координатам x и y от функции $\tilde{z}_n(t)$ равны нулю.

Для определения обобщенной координаты $\tilde{z}_n(t)$ запишем уравнение движения плиты как системы с одной степенью свободы (без учёта затухания) следующим образом (3):

$$m^* \cdot \ddot{z}_n(t) + K^* \cdot z_n(t) = 0$$

Как известно [1], силы инерции плиты зависят от абсолютного перемещения, а силы упругого взаимодействия от относительного перемещения. Они связаны с перемещением $u_0(t)$ -упругого грунта соотношением:

$$\tilde{z}_n(t) = z_n(t) - u_0(t)$$

Из (8) с учетом (9) получим:

$$\ddot{z}_n(t) + P_{z_n}^2 \cdot \tilde{z}_n(t) = \dot{U}_0(t)$$

где $P_{z_n}^2 = K^* / m^*$ – квадрат частоты собственных колебаний круглой плиты, рассматриваемой как система с одной степенью свободы. Обобщенная масса: m^* и обобщенная жесткость k^* вычисляются, с учетом (5) следующими поверхностными интегралами [3]

$$m^* = \int_A \bar{m} [\phi(x, y)]^2 dA = \int_0^{2\pi} \int_0^{R_{кв}} \bar{m} [\phi(r, \theta)]^2 r \cdot dr \cdot d\theta = \frac{1}{5} \cdot \pi \cdot \bar{m} \cdot R_{кв}$$

$$\begin{aligned}
 \kappa^* &= D \int_A \left[\left(\frac{\partial^2 \phi}{\partial x^2} + \frac{\partial^2 \phi}{\partial y^2} \right)^2 - 2(1-\nu) \cdot \right. \\
 &\cdot \left. \left(\frac{\partial^2 \phi}{\partial x^2} \cdot \frac{\partial^2 \phi}{\partial y^2} - \left(\frac{\partial^2 \phi}{\partial x \partial y} \right)^2 \right) \right] dA + K \int_A [\phi(x, y)]^2 dA = \\
 &= D \int_0^{2\pi} \int_0^{R_{KB}} [(\Delta \phi(r, \theta))]^2 - 2(1-\nu) \cdot (\phi_r''(r, \theta) \cdot \\
 &\cdot \phi_\theta''(r, \theta) - (\phi_{r,\theta}''(r, \theta))^2] \cdot r \cdot dr \cdot d\theta + \\
 &+ K \int_0^{2\pi} \int_0^{R_{KB}} [\phi(r, \theta)]^2 \cdot r \cdot dr \cdot d\theta = \\
 &= \frac{2 \cdot \pi \cdot K \cdot R_{KB}^4 + 160 \cdot D \cdot \pi}{15 \cdot R_{KB}^2}
 \end{aligned}
 \tag{12}$$

где \bar{m} – масса плиты, приходящая на единицу площади, K – коэффициент поперечного взаимодействия, D –цилиндрическая жесткость плиты.

Решение уравнения (10), с учетом (11) и (12), при нулевых начальных условиях выражается интегралом:

$$\tilde{z}_n(t) = -\frac{1}{P_{z_n}} \int_0^t \ddot{U}_0(\tau) \cdot \sin P_{z_n}(t-\tau) d\tau
 \tag{13}$$

С учетом (13), прогиб плиты (5) примет вид

$$\begin{aligned}
 \tilde{W}(x, y, t) &= \tilde{Z}(t) - \left(\frac{X^2}{R_{KB}^2} + \frac{Y^2}{R_{KB}^2} - 1 \right) \cdot \\
 &\cdot \frac{1}{P_{z_n}} \int_0^t \ddot{U}_0(\tau) \cdot \sin P_{z_n}(t-\tau) d\tau
 \end{aligned}
 \tag{14}$$

В качестве сейсмического воздействия использовался кратковременный сейсмически импульс (4). Для иллюстрации рассмотрим основание круглой плиты со следующими исходными данными:

$$\begin{aligned}
 \rho &= 2.4 \cdot 10^{-3} \text{ кг} / \text{см}^3, E = 2.15 \cdot 10^5 \text{ кг} / \text{см}^2, \\
 \kappa &= 4 \text{ кг} / \text{см}^3, R_{KB} = 85 \text{ см}, h_{nl} = 10, \nu = 0,16
 \end{aligned}$$

На рис.2. приведении прогибы плиты (при $x = 0, y=0$) в зависимости от величины h_{nl} : кривые 1,2,3 соответствуют толщинам $h_{nl} = 10; 15; 20$ см. при 8 балльных землетрясениях. Из

этих графиков видно что с ростом толщины плиты сейсмостойкость основания сложного узла увеличивается.




Рис.2. Прогиб центра основания круглой плиты сложного узла при 8-ми балльных землетрясениях.

В дальнейших исследованиях сейсмостойкости сложного узла подземных сооружений, нами разработан алгоритм для численного решения интеграла Дюамеля (5,6) с учётом использования табулированного значения акселерограммы разрушительного Газлиского землетрясения (7).

Литература:

1. Рашидов Т.Р. Динамическая теория сейсмостойкости сложных систем подземных сооружений. –Т.: «Фан»; 1973.182с.
2. Холбутаев У. Х. Сейсмостойкость и оптимизация параметров сложных узлов подземных сооружений при землетрясениях. Рукопись деп.в ВИНТИ 12.01.88 Деп. от №158-В88 1988. 12с.
3. Ray W. Clough, Joseph Penzion. Dynamics of Structures- New York, 1975. 320с.
4. Уразбаев М.Т. Сейсмостойкость упругих и гидроупругих систем. –Т.: «ФАН», 1966.256с.
5. Холбутаев У.Х. Численное решение уравнения сейсмического колебания сложных узлов подземных сооружений при землетрясениях. //Проблемы архитектуры и строительства (научно – технический журнал.) № 2. Самарканд, 2019, с. 129-131.
6. Гехман А.С. Состояние зданий и сооружений промплощадки газового промысла Газли после землетрясения 1984 г. Сб. н. труд.: Сейсмостойкость транспортных и сетевых сооружений. –М.: Наука., 1986.с.172-181.

ВИНТ ҲАЛҚА СИРТИ ЧИЗИҚЛИ СИРТ

Мадумаров Комил Хомитович – т.ф.н., доцент; **Шоназаров Адхамжон** – ўқитувчи Наманган муҳандислик қурилиш институти

Аннотация. Мақолада Мебиус листи каби вент ҳалқа сиртларни моделлаштиришни тўғри доиравий цилиндр ҳамда очик тор сиртиларида ҳосил қилиш ва унинг натижалари берилган.

Калит сўзлар: моделлаштириш, вент ҳалқа сирти, очик вент сирти, Мебиус листи.


Аннотация. В статье представлены основы формирования и его результаты моделирования винтовых замкнутых поверхностей типа листа Мебиуса в правильном круговом цилиндре и открытом торовом поверхности.

Ключевые слова: моделирование, замкнутая винтовая поверхность, открытый тор, лист Мебиуса.

Annotation. The article presents the basics of forming and its results of modeling of closed-circuit helical surfaces of the Mobius sheet type in a regular circular cylinder and an open torus surface.

Key words: modeling, closed-circuit helical surface, an open torus, the Mobius sheet.

Винт ҳалқа сиртини ҳар томонлама изланиш учун бизга ўнғай бўлган моделларини тайёрлаш учун материаллар керак. Шунда унинг очилмаган хусусиятларини аниқлаш керак бўлади. Винт ҳалқа сирти(ВХС) бўйича изланишдан олдин “Очиқ винт сирти” га тўхталиб ўтсак, чизма геометрия фанида винт сиртлари дейилади. Унда винт сиртини тўғри доиравий цилиндр сиртида ҳосил қилиш кўрсатилади(1-расм).



1-расм. Винт сирти -геликоидни тўғри доиравий цилиндр сиртида ҳосил қилиш.


Винт сирти туридаги деталлар шнек, пружина, червяклар, конструктив резбалар, архитектуравий элементлар винтсимон зинапоя ва устунлар мавжуд бўлиб, улар каттик материаллардан тайёрланилади. Изланишларини олиб бориш учун, ВХС моделини ясашда, эгилувчан материаллардан фойдаланишни лозим топилди. Эгилувчан материалдан иборат тўғри доиравий цилиндрнинг асос айланаси диаметрдан баландлиги 5-10 марта узун бўлиши маъқул. Асос айланаларини тенг бўлакга бўлиб, нуқталар ҳосил қиламиз. Топилган нуқталарнинг бир исмлиларини бирлаштирувчи чизиклар – параллеллар(ясовчилар) чизиб оламиз. Тўғри доиравий цилиндрни эгиб, икки асосини ўзаро бириктириб, тор сиртини ҳосил қиламиз. Тўғри доиравий цилиндр сиртидаги параллел тўғри чизиклар очик тор сирти параллеллари(айланаларга) айланади.

Агар тўғри доиравий цилиндрнинг икки учини ўзаро бириктириш жароёнида, бир учини кўзгалмас қилиб, иккинчи учини α бурчакга буриб уланса, очик тор сирти ҳосил бўлади.

$\alpha = 360^\circ/p$, бунда: p – ясовчилар сони.

Бу ҳолда, тўғри доиравий цилиндр сиртидаги ясовчи чизиклар ўзаро бирин кетин уланиб, фазовий берк эгри чизик ҳосил бўлади. Бундай чизик тор сиртидаги геодезик чизик бўлади. Ҳосил бўлган чизик берк геодезик чизик узунлиги $g = p * h$ бу ерда h – цилиндр баландлиги.

Агар $p = 2$ бўлса, берк геодезик чизик Мебиус листининг қиррасини беради(2-расм.).



2-расм. Очик тор сиртида геодезик чизик - Мебиус листи қирраси.

Тўғри доиравий цилиндрнинг ўқи тор сиртининг айлантирувчи айлана ўқиға, параллеллари эса кетма – кет уланиб яхлит бир фазовий эгри чизикни ҳосил қилади. Агар $p = 2$ бўлса, берк геодезик чизик Мебиус листининг қиррасини беради. Қирранинг исталган нуқтасидан нормаль текислик ўтказилиши мумкин. Нормаль текислик Мебиус листи қиррасини 4 та нуқтада кесиб ўтади. Бундай нормаль текислик шу нуқталар учун нормалдир. Нормаль текисликда иккита бинормаль чизик бўлиб, Мебиус листи қиррасидаги иккитадан нуқтани туташтириб туради.

Қуйидаги жадвалда меридионал кесимдаги кесмаларнинг ўзаро жойлашувиға нисбатан олинган маълумотлар келтирилган.

Меридионал кесимдаги кесмаларнинг ўзаро жойлашуви	Меридионал кесимдаги кесмаларнинг сони	Буралиш сони	Барикчалар (лепестков) сони	Сиртнинг кўриниши
—	2	1,3,5,...	1	1 томонли
		0,2,3,...	2	2 томонли
Y	3	1,4,7,...	1	1 каналли
		2,5,8,...	1	
		0,3,6,...	3	3 каналли
+	4	1,3,5,...	1	1 каналли
		2,6,10,...	2	2 каналли
		0,4,8,...	4	4 каналли
* (5-pointed)	5	0,5,10...дан бошқа	1	1 каналли
		0,5,10,...	5	5 каналли
* (6-pointed)	6	3,9,15,...	3	3 каналли
		0,6,12,...	6	6 каналли
		1,7,13,...	1	1 каналли
		5,11,17		
2,8,14,...	2	2 каналли		
4,10,16,...				
* (7-pointed)	7	0,7,14,...	7	7 каналли
		0,7,14,...дан бошқа	1	1 каналли
* (8-pointed)	8	1,9,17,...	1	1 каналли
		7,15,23,...		
		2,10,18,...	2	2 каналли
		6,14,22,...		
		3,11,19,...	1	1 каналли
5,13,21,...				
4,12,20,...	4	Тўрт каналли		

Текис эгри чизикға танланган нуқтадан фақат битта уринма ва нормаль ўтказилиши мумкин. Фазовий эгри чизикларға танланган нуқтадан чексиз бир текисликда ётган уринма тўғри чизиклар ўтказилиши мумкин. Бундан танланган нуқтадан, уринма текисликға перпендикуляр бўлган, нормаль текислик ўтказиш

мумкинлигини беради [3].

Меридионал кесимдаги кесмаларнинг сони 2,3, 5,7, 11, 13 бўлганида натижалари фақат икки хил, Бир ва 2,3, 5,7, 11, 13 ли барикли бўлиши кузатилди.

Литература:

1. Абдурахмонов Ш., Мадумаров К.Х.К геометрии поверхностей, гранями которых служат ленты Мебиуса. Вопросы динамики сооружений и надежности машин. Сб. конф. ТашПИ. вып. 4-

Наманган, 1988. с.16-28.

2. Вальков К.И. Лекции по основам геометрического моделирования. -Л., 1975,-179.

3. Гильберт Д., Кон-Фоссен С. Наглядная геометрия. -3-изд. -М. : 1981.-344 с.

4. Мадумаров К.Х., Махкамов Г.У. Графические способы изображения замкнутых винтовых поверхностей. Высшая школа. Научно- практический журнал №7. 2017г. Стр.33-37.

UDK. 629.331

ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ СИНАШ УСУЛЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Омонов Махмуд – ўқитувчи. Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти

Ҳаққулов Боходир – катта ўқитувчи. **Ҳаққулов Комил** – магистр

Жиззах политехника институти

Аннотация. Ушбу мақолада асосан транспорт воситаларининг тўқнашув жараёнида зарба кучларини аниқлаш услубияти ечимлари ёритилган.

Калит сўзлар: зарба стенди, моникен, платформа-тележка, пневмоцилиндр.

Аннотация. В данной статье в основном рассматриваются решения методики определения сил удара транспортных средств в случае столкновения.

Ключевой слова: ударный стенд, манекен, платформа-тележка, пневмоцилиндр.

Annotation. This article mainly discusses the solutions of the methodology for determining the impact forces of vehicles in the event of a collision.

Keyword: shock stand, manikin, platform trolley, pneumatic cylinder.

Йилдан йилга мамлакатимизда енгил ва юк автомобилларини ишлаб чиқарилиши кўпайиб, кўча ва йўлларда уларнинг ҳаракат оқими ортиб бормоқда. Бу эса транспорт воситалари, ҳайдовчи ва йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминлашда бир қанча муаммоларни келтириб чиқармоқда. Йўлларда автомобиллар ҳаракати кескин ортиши ҳаракат хавфсизлигини юқори даражада таъминлашни қийинлаштиради, шунинг учун ҳар хил зарбаларга бардошли бўлган автомобиллар ишлаб чиқариш лозим. Автомобиль ишлаб чиқарувчи компаниялар олдида турган асосий вазифалардан бири ишлаб чиқаришда автомобилларни ҳар хил зарбаларга синашга текшириш муҳим эканлигини билдиради.

Ҳозирги вақтда мавжуд бўлган ва автомобилларни зарба ҳосил қилиб синовчи қурилмалар тўртта асосий гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Автомобиль қисмларини мустаҳкамликка синашга мўлжалланган зарба стендлари;

2. Автомобилларни тўқнашув пайтидаги контакт кучи ва тезланиш қонунларини ўрганишга мўлжалланган зарба стендлари;

3. Реал шароитларда натурал объектларга таъсир қилувчи куч ва тезланишларни аниқлашга мўлжалланган зарба стендлари;

4. Зарба уйғотиш усули билан системанинг частота характеристикаларини (тебраниш хусусиятларини) ўрганишга мўлжалланган зарба стендлари.

Зарба стендларига қўйиладиган асосий талаблардан бири автомобиль модели ёки унинг

макетининг тезлик олиш жараёнида юкланиш даражаси минимал бўлиб, ишчи миқдор ўн фоздан ошиб кетмаслиги керак. Бунинг учун автомобиль тезлик олишини объектининг юқоридан эркин тушиши билан ҳосил қилиш мақсадга мувофиқдир. Бунда юкланиш талаб этилган миқдордан ошиб кетмайди, яъни бир бирликка тенг деб қабул қилинади.

Зарба ҳодисасини тажрибада икки усул билан синаш мумкин:

1. Автомобилнинг ўзини синаш;

2. Автомобилнинг айрим қисмларини синаш.

Одатда автомобилларни зарбага синашда сунъий равишда авария ҳолати барпо этилади.

Ушбу тажрибаларнинг асосий камчиликлари қуйидагилар: транспорт воситасини тажриба ўтказишда бир икки мартадан ортиқ фойдаланиб бўлмайди, яъни тажрибалар сони чекланган бўлади, синов шароитини назорат қилиш қийин бўлади, тажриба ўтказиш учун катта материал ва маблағ талаб этилади.

Йўл-транспорт ҳодисаси билан боғлиқ бўлган жараёнларни синаш махсус полигонларда ўтказилади. Бунинг учун синалаётган автомобиль кўзгалмас тўсиққа ёки бошқа бир автомобиль билан турли вазиятларда тўқнашиш ҳосил қилиб зарба параметрлари ёки автомобилнинг кейинги ҳолатлари аниқланади.

Масалан: автомобилларни зарбага синовчи стенд 1960 йил “**Мерседес-Бенц**” фирмаси томонидан ишлаб чиқилган. Ушбу стенд иккита лебёдка ёрдамида троснинг ҳаракати орқали

рельсада ҳаракатланувчи плотформа-тележкадан иборат. Плотформа устига автомобилнинг олдинги ўриндиғи руль бошқармаси билан биргаликда ёки автомобилнинг барча олд қисми бошқарув органлари билан биргаликда кўзгалмас қилиб ўрнатилади. Бунда рельс бўйлаб ҳаркат қилаётган тележка зарур бўлган бошланғич тезликка эриштирилади ва шундан кейин кўзгалмас берер ёки деворга урилади.

Барер деворининг юзаси эластик материалдан тайёрланади ёки амортизаторлар билан жихозланган бўлади. Ушбу синовларда тележкани ҳаракатга келтириш учун пружина кучида, сиқилга хаво босимидан ёки портловчи модданинг ёнишидаги реактив кучдан фойдаланилган.

1965 йилда автомобилсозлик бўйича илмий тадқиқотлар асосацияси автомобил-ларни зарбага ва тўқнашишларга синовчи махсус лаборатория ташкил қилди. Синалаётган автомобиль узунлиги 52 метр бўлган махсус йўл устида индукцион электродвигатель ёрдамида ҳаракатлантирилади. Бунда автомобилнинг бошланғич тезлиниши 15g миқдоригача чекланган бўлади. Автомобилнинг массаси ва турига қараб синовларни ўзгартириб туриш учун электродвигателда 10 позицияли кучланишли бошқариш пульти мавжуд.

Автомобиль тўсиққа 3 метр масофа қолганда йўлак остида жойлашган электродвигатель автоматик равишда автомобилдан ажратилади ва тормозланади. Бу вақтда автомобил ўз ҳаракатини давом эттириб инерция кучи билан ҳосил қилган тезлигини йўқотмаган ҳолда тўсиққа урилади. Синов бир неча секундлар ичида содир бўлади. Синовни автоматик бошқариш аниқ хронометраж ўтказиш ва барча синов шароитларини яратишга имкон беради. Бир пайтнинг ўзида юқори тезликдаги киноаппарат ёрдамида синов жараёнини ёзиб олиш мумкин.

Тавсия этилаётган зарба аравачасининг конструкцияси автомобилнинг тўсиқ билан урилишидаги охириги натижаларни аниқлаб олиш учун хизмат қилиб, бошқарув ва тезликни аниқлашда юқори тезликдаги киноаппарат ёрдамида синов натижаларини қайд этиш мумкин.

Реал ҳолатларда автомобил йўл сатҳидаги ёки четгидаги тўсиқларга беҳосдан урилганда ўзаро тўқнашувчи объектлар орасида жуда кичик вақт ичида максимал қийматга эришувчи зарба кучи ҳосил бўлади. Зарба кучининг таъсир чизиғи тўқнашишга сабаб бўладиган автомобилнинг ҳаракат йўналишига мос келади. Агар умумий ҳолда тўсиқ кўзгалувчан бўлиб, унинг абсалют қаттиқ жисм эмаслиги эътиборга олинса, у ҳолда тўсиқ билан маълум контакт юза орқали таъсирлашадиган автомобил қисмлари ҳам, тўсиқ элементлари ҳам де-

формацияга учрайди. Шу билан бирга тўсиқнинг ҳаракат йўналиши бўйлаб силжиши оғирлик маркази атрофида айланиши ёки горизанталга нисбатан бирор бурчак остида отилиб кетиши каби ҳолатлар кузатилади.

Демак, зарба кучининг максимал қиймати ҳаракат тезлигидан ташқари тўқнашувчи жисмлар материалининг физик-механик хусусиятларига ва деформация ҳамда кўчишлар характерига боғлиқ бўлади. Зарба кучининг миқдорини тўғри аниқлаш орқали автомобил кузови конструкциясининг мустаҳкамлигини ҳисоблаш ёки ҳаракат хавфсизлигини автоматик равишда таъминловчи қурилмаларни яратиш ва лойиҳалаш имкони яратилади.

Зарба назариясидан маълумки, ўзаро тўқнашувчи жисмлар орасидаги таъсир кучи зарба ҳосил қилувчи жисм оғирлигидан бир неча баробар юқори бўлади ва динамик коэффициент билан баҳоланади:

$$k_a = \frac{F_{z \max}}{G_a}$$

бу берда: $F_{z \max}$ – зарба кучининг энг катта қиймати.

G_a – автомобилнинг оғирлик кучи.

Агар тўғри чизикли марказий зарба жисмда тўсиқнинг бирор x_T масофага силжишини, тўқнашувчи контакт юзаларнинг δ_a ва δ_T бўйлама деформациясини аниқлаш мумкин деб ҳисобласак, у ҳолда ўзаро тўқнашувчи жисмлар орасидаги энергиянинг сақланиш ва бир турдан иккинчи турга айланиш қонунига асосан, зарба кучининг ҳисобий қийматини аниқлаш мумкин:

$$F_{z \max} = \frac{m_t \cdot U_t^2}{2(x_t + \delta_t + \delta_a)} + \frac{x_t (m_t g_t + k_t A_t U_t^2)}{(x_t + \delta_t + \delta_a)} - \frac{(\rho_t \delta_t + \rho_a \delta_t) \cdot A_k \cdot U_t^2}{(x_t + \delta_t + \delta_a)}$$

бу ерда: m_t – тўсиқнинг массаси, кг; g_t – тўсиқ билан йўл орасидаги ишқаланиш коэффициентини; k_t – тўсиқнинг хавога қаршилик коэффициентини, Н·с²/м⁴; ρ_a , ρ_t – мос равишда автомобил ва тўсиқ материалининг зичлиги, кг/м³; A_k – контакт юза майдони, м²; U_t – тўсиқнинг зарба бошидаги тезлиги, м/с.

Хусусий ҳолда, агар тўсиқ йўлга нисбатан бикр, силжимас бўлса, у ҳолда $x_t = 0$ бўлиб, зарба кучи асосан ўзаро тўқнашувчи жисмлар орасидаги деформацияларга боғлиқ бўлади:

$$F_{z \max} = \frac{(m_t + 2A_k \rho_t \delta_t + 2A_k \rho_a \delta_t) \cdot U_{td}^2}{2(\delta_t + \delta_a)}$$

бу ерда, U_{td} – деформация ҳосил қилиш тезлиги. Тўсиқнинг зарбадан олган тезлиги

қуйидагича аниқланади:

$$U_t = \frac{m_a}{m_a + m_t} \cdot \varepsilon V_a$$

бу ерда: m_a – автомобил массаси, кг; ε – тикланиш коэффициентлари ($\varepsilon=5/9$ пўлат материаллар учун); V_a – автомобилнинг тўсиққа урилиш пайтидаги тезлиги.

Динамик коэффициентини аниқлаш учун кичик ўлчамли тажриба қурилмаларида автомобилнинг масштаб моделидан фойдаланиб натижалар олиш тажриба сарф харажатлари ва уни ўткази учун кетган вақтни тежаш имкони беради.

$$F_{z \max} = \frac{m_T \cdot U_t^2}{2x_t} + m_t g \cdot f_t + k_t A_t \cdot U_t^2$$

бу ерда:

$$f_t = 0,018 \quad k_t = 0,57 \frac{Hc^2}{M^4} \quad A_t = 0,008 M^2$$

деб қабул қилинади.

1-жадвалда 1:20 масштаб билан тайёрланган автомобил макетининг кўзгалувчан тўсиқларга урилиши орқали олинган айрим натижалар берилган.

Тажриба натижаларидан кўринадики, йўл-

нинг қиялик даражасини ўзгартириш усули билан зарба кучини маълум чегарагача ошириб бориш ва ҳар хил динамик коэффициентларга эришиш мумкин.

Кейинги татқиқот ишларида динамик коэффициентларнинг масштаб моделига асосланиб, ҳақиқий автомобилларнинг зарба пайтидаги динамик хусусиятлари бевосита ортиқча вақт ва маблағ сарфланмасдан солиштириш усули билан аниқланади.

1-жадвал.

№	m_a , кг	l_1 , м	l_2 , м	α	V_g , м/с	V_a , м/с	x_t , м	F_z , Н	k_d
1	1	3,0	1,0	$1^0 46^1$	0,86	0,63	0,066	1,94	0,20
2	1	3,0	1,0	$3^0 31^1$	1,56	1,45	0,126	3,53	0,36
3	1	3,0	1,0	$5^0 10^1$	1,95	1,95	0,188	4,36	0,44
4	1	3,0	1,0	$6^0 51^1$	2,46	2,46	0,276	5,15	0,53

Изоҳ: тажриба ўтказишда ўзаро тўқнашувчи жисмларнинг деформацияси жуда кичик бўлгани учун ҳисобга олинмади, яъни $\delta_a = 0$ ва $\delta_T = 0$.

Адабиётлар:

1. Иванов В.Н. “Активная и пассивная безопасность автомобилей” М.: “Высшая школа” 1974 йил.
2. Азизов Қ.Х. “Харакат хавфсизлиги асослари” Тошкент 2010 йил.

УДК 624.04

УСТОЙЧИВОСТЬ СОСТАВНОЙ ОБОЛОЧКИ ВРАЩЕНИЯ ПРИ ДЕЙСТВИИ ВНЕШНЕГО ИЛИ ВНУТРЕННЕГО ДАВЛЕНИЯ

Утегенова Гульзар – к.т.н.

Каракалпакский государственный университет

Аннотация. В статье рассмотрен комплекс задач охватывающих вопросы геометрического построения поверхностей составных оболочек вращения, их параметризации и анализа геометрических свойств, вопросы дискретизации уравнений устойчивости и разработки методики их решений, определения критического внешнего и внутреннего давления составных оболочек. С использованием уравнений устойчивости оболочки вращения методом криволинейных сеток изучены вопросы прочности и устойчивости составных оболочек вращения, набранных из цилиндрических элементов.

Ключевые слова: Срединная поверхность; параметризация и построения криволинейных поверхностей; оболочки вращения; тороидальная поверхность; конусоидальная поверхность; сферическая поверхность; цилиндрическая поверхность; эллипсоид; параболоид; гиперболоид; устойчивость; равновесие; дискретизация уравнений криволинейные сетки.

Аннотация. Мақолада цилиндр, тороид, сферик, конуссимон сиртларга эга бўлган элементлардан ташкил топган юпка деворли қобикларни бир неча шаклини параметрлаштириш, геометрик хусусиятларни конструктив жиҳатидан таҳлил қилиш, устиворлик бўйича тенгламалар системасини дискретлаштириш ва уларни ечиш усулини ишлаб чиқиш, қобик ичидан ёки сиртидан таъсир этувчи критик босимни аниқлаш каби муаммолар жамламаси кўриб чиқилган. Бундай мураккаб геометрик тузулмага эга бўлган қобикларнинг устиворлик тенгламасига эгри чизикли тўрлар услини қўллаб, ҳар бир геометрик эгри сирт кесимида ҳосил бўлувчи куч ва эгувчи момент каби зўриқишларни аниқлаб уларнинг мустақамлиги ва устиворлиги таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: Ўрта сирт; эгри сиртларнинг геометрик шаклини параметрлаштириш ва тузиш; айланма қобиклар; тороид; конуссимон; сферик; цилиндр; параболоид; гиперболоид; эллипсоид; устиворлик; мувозанат; тенгламани дискретлаштириш; эгри чизикли тўрлар.

Annotation. The article deals with a set of problems covering the geometric construction of surfaces of composite shells of rotation, their parameterization and analysis of geometric properties, the discretization of stability equations and the development of methods for their solutions, the determination of the critical external and internal pressure of composite shells. Using the equations of stability of the shell of rotation by the method of curved grids, the problems of strength and stability of composite shells of rotation composed of cylindrical elements are studied.

Keywords: Median surface; parametrization and construction of curved surfaces; shells of rotation; toroidal surface; conusoidal surface; spherical surface; cylindrical surface; ellipsoid; paraboloid; hyperboloid; stability; equilibrium; discretization of equations curved grids.

Задачи исследования упругого равновесия оболочки сопряжены с определенными математическими и техническими трудностями, поскольку описывающие их деформирование уравнения имеют сравнительно высокий общий порядок и определены в двумерной области. При этом, с усложнением формы оболочки, эти трудности быстро возрастают, так как коэффициенты уравнений становятся функциями координат сложного вида. Как правило, в этих случаях к задаче прочностного расчета добавляются дополнительные задачи, требующие построения срединной поверхности оболочки и анализа ее геометрических свойств.

В данной статье рассмотрен ряд задач охватывающих вопросы геометрического построения поверхности оболочки их параметризации и анализа геометрических свойств, а также уравнений устойчивости оболочки вращения методом криволинейных сеток.

Приведено систематизированное изложение вопросов численного построения решений дифференциальных уравнений с частными производными. С применением методики исследования нелинейных уравнений равновесия оболочки, изучены вопросы прочности и устойчивости составных оболочек вращения, набранных из цилиндрических, конических, тороидальных и сферических элементов поверхностей.

С геометрической точки зрения оболочки характеризуются формой их срединной поверхности. Локальные свойства поверхности определяются параметрами ее первой и второй квадратичных формул. В первом приближении бесконечно малый участок поверхности можно заменить бесконечно малым участком костельной плоскости. Тогда квадрат дифференциала дуга, отложенной на элементы поверхности можно выразить через коэффициенты первой квадратичной формулы. Интегрируя выражение для ds вдоль некоторой кривой, можно вычислить полную длину кривой.

С помощью первой квадратичной формулы можно вычислить площади тех или иных участков поверхности.

Меру отклонения поверхности от касательной плоскости в окрестности точки касания характеризует вторая квадратичная формула, поскольку она позволяет определить нормаль кривизны поверхности. Определим произведение и полу-сумму главных кривизн:

$$\Gamma = k_1 \cdot k_2 = \frac{b_{11}b_{22} - b_{12}^2}{a_{11} \cdot a_{22} - a_{12}^2}; \quad (1)$$

$$K = \frac{k_1 + k_2}{2} = -\frac{2a_{12}b_{12} - a_{11} \cdot b_{22} - a_{22}b_{11}}{2(a_{11} \cdot a_{22} - a_{12}^2)}. \quad (2)$$

Первая из этих величин называется гауссовой кривизной поверхности в данной точке, вторая средней кривизной. По знаку гауссовой кривизны можно судит и о форме поверхности в окрестности данной точки. Если $\Gamma > 0$, то образуется эллиптическая поверхность. Напротив при $\Gamma < 0$, то поверхность называется гиперболической. Наконец, в случае $\Gamma = 0$ поверхность называется гиперболической.

Примерами поверхностей положительной гауссовой кривизны являются сфера и эллипсоид. Цилиндрическая и коническая поверхность имеют нулевую гауссову кривизну; тороидальная поверхность является поверхностью смешанного типа. Отрицательную гауссову кривизну имеют оболочки минимальных поверхностей.

Поверхностью 2-го порядка называется геометрический образ, который в декартовой системе координат выражается уравнениями 2-й степени

$$\frac{x^2}{a^2} + \frac{y^2}{b^2} - \frac{z^2}{c^2} = 0; \quad (3) \text{ конус 2-го рода;}$$

$$\frac{x^2}{a^2} + \frac{y^2}{b^2} = 1; \quad (4) \text{ эллиптический цилиндр;}$$

$$\frac{x^2}{a^2} - \frac{y^2}{b^2} = 1; \quad (5) \text{ гиперболический цилиндр;}$$

$$y^2 = 2px; \quad (6) \text{ параболический цилиндр;}$$

$$\frac{x^2}{a^2} + \frac{y^2}{b^2} + \frac{z^2}{c^2} = 1; \quad (7) \text{ трехосный эллипсоид;}$$

$$\frac{x^2}{a^2} + \frac{y^2}{b^2} - \frac{z^2}{c^2} = 1; \quad (8) \text{ -однополостный (линейчатый) гиперболоид;}$$

$$\frac{x^2}{a^2} + \frac{y^2}{b^2} - \frac{z^2}{c^2} = -1; \quad (9) \text{ двуполостный гиперболоид;}$$

$$\frac{x^2}{p} + \frac{y^2}{q} = 2z; \quad (10) \text{ эллиптический параболоид;}$$

$$-\frac{x^2}{p} + \frac{y^2}{q} = 2z; \quad (11) \text{ гиперболический параболоид.}$$

Уравнения срединной поверхности сферы и тора в параметрической форме имеет вид:

$$\begin{aligned} \text{для сферы -} \\ x &= R_0 \cos x^2 \cdot \cos x^1; \\ y &= R_0 \cos x^2 \cdot \sin x^1; \\ z &= R_c \sin x^2; \end{aligned} \quad (12)$$

$$\begin{aligned} \text{для тора -} \\ x &= (R_0 + R_t \cos x^2 \cdot \cos x^1); \\ y &= (R_0 + R_t \cos x^2) \sin x^1; \\ z &= k \cdot R_t \sin x^2. \end{aligned} \quad (13)$$

Здесь $b = R_0 - (R_0 - R_t) \sin \varphi_t$. $a = R_0 + R_t$ и условная эллиптичность торосферы

$$K_{ycl} = b/a;$$

где $\varphi_t = \arccos \left(\frac{R_0 - R_t}{R_0 + R_t} \right)$. -угол раствора.

Для цилиндра
у




Рис. 1. Геометрические размеры торосферической оболочки вращения.




Рис. 2. Геометрические размеры тороцилиндрических оболочек.

Для конической оболочки

Здесь — ; — .

R - радиус большого основания конуса;
 A - радиус малого основания конуса;
 H - высота конуса;
 L - длина образующей конуса;
 α - угол при основании конуса.




Рис. 3. Геометрические размеры оболочек вращения составленных из двух торидиальных, из двух конических поверхностей и сферы: R_t - радиус торидиальных поверхностей; R_s - радиус сферических поверхностей; R_c - радиус цилиндра; H - высота резервуара; t - толщина оболочки.




Рис. 4. Геометрические размеры оболочки с торосферическими днищами.

где H - высота верхней сферической части оболочки;
 L - высота нижней части оболочки




Рис. 5. Геометрические размеры оболочки вращения, составленных из торидиальных конических, сферических и из горизонтального плоского стального листа (резервуар или газгольдер каплевидного очертания).

Литература:

1. Гольденвейзер А. Л. Теория упругих тонких оболочек. -2-е изд., испр. и доп. -М.: наука, 1976 - 512с.
2. Григолоук Э.И., Кабанов В. В. Устойчивость оболочки. -М.: наука, 1978-359с.
3. Гуляев В. И. Бажиков В. А., Гоцуляк Е. А. Устойчивость нелинейных механических систем. - Львов: Выша ик., 1982-1540с.
4. Мяченков В. И., Григорьев И. В. Расчет составных оболочечных конструкций на ЭВМ.: Справ-М.: Машиностроение, 1981-216с.
5. Паймушин В. Н. К задаче параметризации срединной поверхности оболочки сложной геометрии // Прочность и жесткость сложных систем. К.: наук. думка, 1970.с. 78-84.
6. ШНҚ 2.03.05-13 Пўлат конструкцияларни лойиҳалаш меъёрлари. Тошкент., 2013. 174 бет.

ҚУРИЛИШДА ТАЪЛИМ

KOMP'YUTER GRAFIKASI TIZIMIDA BADIYY NAQISH CHIZISH IMKONIYATLARI

Qulnazarov B. – dotsent; **Qulnazarova Z.B.** – assistant
Samarqand davlat arxitektura-qurilish instituti

Аннотация. Maqolada kompyuter grafikasi yordamida har qanday naqshlarni ham, qo'lda chizishga nisbatan bir nech barobar tez, aniq va oson bajarish imkoniyati mavjud ekanligi aytiladi.

Аннотация. В статье излагается разработка о возможности быстрого и качественного выполнения народного росписи на компьютерной графике, сравнительно чем выполнять от руки.

Annotation. The article describes the development of the possibility of quick and high-quality execution of folk painting on computer graphics, comparatively to carry out by hand.

Kalit so'zlar: Xalq amaliy san'ati, naqsh, islami naqsh, geometrik (girik) naqsh, naqqoshlik, geometrik yasashlar, kompyuter grafikasi.

Mamlakatimiz Prezidenti tomonidan kelajagimiz davomchilari bo'lmish navqiron yoshlarimizga ishongan holda, bu yilni "Ilm - ma'rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yili" deb e'lon qilinishi bejizga emas, yoshlarga bo'lgan katta ishonchdir. Chunki, barcha sohalar qatori bunyodkorlik, qurilish va arxitektura sohalarini jadal sur'atlar bilan rivojlanishi ana shu yoshlarning zimmasiga yuklanmoqda. Shu boisdan arxitektor, dizayner va quruvchilarga ham keng ko'lamlilik imkoniyatlar berilgan. Shundan foydalanib, bo'lajak arxitektorlar, dizaynerlar, quruvchilar ya'ni oliy dargohlarda tahsil olayotgan talabalarning shijoati baland, ular ijod qilmoqda, yaratmoqda. Bunda ularga axborot texnologiyalari, kompyuterlar tizimi, kompyuter grafikasidek sohalar yordamga kelmoqda. Shu texnologiyalardan ya'ni kompyuter grafikasidan foydalanib, amaliy san'atning badiiy naqshning (*girik va islami*) turlarini rivojlantirish asosiy maqsad qilib qo'yildi.

Markaziy Osiyo amaliy sanati qadimdan dunyoda mashhurdir. O'tmishda ota-bobolarimiz qurgan muhtasham binolar hozirgi kungacha o'zining maftunkor jilvasini yo'qotmagan. Yuksak did bilan qilingan, ishlangan naqshlar har bir tomoshabinni hayratga solib kelmoqda. Xattoki chet ellardan tashrif buyurgan sayyohlar ham mamlakatimizdagi qadimiy yodgorliklarni, badiiy did bilan ishlangan naqshlarni ko'rib lol qolmoqdalar. Buxorodagi Ulug'bek madrasasi, YUNESKO muxofazasidagi Ismoil Somoniylar maqbarasi, Kalon minorasi, Samarqanddagi Shohizinda maqbarasi, Amir Temur maqbarasi, Ulug'bek, Sherdor, Tilloqori madrasalari va boshqalar sharqning nodir go'zalligi, soddadilligi hamda naqsh motivlarining ulug'vorligi bilan kishilarni sehirlab kelmoqda. Yuzlab, minglab xalq me'morlarining qavariq qo'llari bilan yaratilgan bu yodgorliklardagi jonli naqshlar xuddi diyorimizdagi tabiatning go'zallik olamini kuylayotganday tuyiladi va kishilar ruhiyatiga ko'tarinki ruh bag'ishlaydi. Chunonchi Samarqanddagi asrlar davomida musulmon sharqida dong taratgan oliy

bilim maskani bo'lgan Ulug'bek madrasasini tomosha qilar ekanmiz, uning ta'lim – tarbiya maqsadida ko'zlab bunyod qilinganligini naqqoshlar bezagidagi bir-birini kesib o'tgan behisob chiziqlardan ko'p burchakli va ko'p qirrali yulduzlardan tashkil topgan naqshlar xuddi koinotdagi charaqlab turgan yulduzlar, naqshlarni asrlar osha hikoya qilib turganday tuyuladi (1-rasm). Ana shu bir-birini kesib o'tgan behisob chiziq, har xil burchakli va qirrali yulduzlardan tashkil topgan geometrik naqshlarni *girik naqsh* deb yuritiladi.



1-rasm.

Geometrik (girik) naqshi. *Girik* – forscha, «chigal», yoki «tugun» degan ma'noni anglatadi, boshqacha qilib aytganda Handasiy naqsh. Murakkab naqsh turi. Geometrik naqshlar muayyan taqsimlarga ega bo'lib, har bir taqsim o'z tuzilishiga ega. *Girik* Markaziy Osiyoda va Yaqin Sharqda keng tarqalgan naqsh bo'lib, XII-XVI asrda ayniqsa Markaziy Osiyoda keng taraqqiy qilgan. Shu bilan birga Pokiston, Turkiya, Ispaniya, Xitoy va Yaponiya kabi mamlakatlarda ham keng rivojlangan. Markaziy Osiyoda bu girihlarni arxitektura minoralaridan tortib kitob varaqlarigacha bezatilanligining guvohi bo'lamiz. Albatta biz tarixga nazar tashlar ekanmiz o'sha zamon uchun girihni chizmachilik asboblari, matematik formulalar asosida ishlanishi bu katta ilmiy kashfiyot edi. Bu girihlarni ishlagan ustalar matematikani puxta egallagan kishilar bo'lganlar.

Arxitektura yodgoliklari, minoralariga geometrik naqshlar shunday aniqlikda ishlanganki, kishini lol qoldiradi. Olimlarimiz ana shu girih ishlash sirlarini topish maqsadida ko'p izlanishlar qildilar, lekin bu jumboqlardan to'la ma'lumot olaolmadilar. Chunki, o'sha vaqtdagi ustalar bu geometrik naqshni qurishni sir deb bilib qog'ozda yoki biror joyda yozib, chizib, tushintirib qoldirmaganlar. Shuning uchun ham otadan-bolaga og'zaki o'tib unitilib ketgan. Shu sababli hozirgi zamonimizdagi ko'pgina ustalar girih naqsh yechimini topishga qiynaladilar. Sharqning mashhur olimlaridan *Abdulvafo al Buzjoniy* (940-998) o'zining kitoblaridan birida 20ga yaqin geometrik naqsh yechimlar to'g'risida yozib qoldirgan. Bunda girihning ba'zi bir oson yo'llarini tushintirib, masalan, qurilish va geometrik naqsh yechimini tushintirib o'tgan. U o'zining kitobida kvadratni uchga, beshga bo'lishning antiqa oson yo'llarini keltiradiki, bu o'sha davr uchun katta ilmiy va amaliy ahamiyatga ega bo'lgan. Bu kitob hozirda Parijdagi muzeylardan birida saqlanmoqda.

Hozirgi rivojlangan zamonda turli xil loyihalar, chizmalar ularni geometrik modellashtirish, maketlashtirish innovatsion texnologiyalar asosida yaratilmoqda. Geometrik yasashlar bunda asosiy rol o'ynaydi, ularsiz arxitekturaviy loyihalashni tasavvur qilish qiyin. Geometrik yasashlar bu ko'pburchakliklar yoki aylanani teng bo'laklarga bo'lishdan hosil bo'lishi hammaga ma'lum. Ayniqsa, geometrik yasashlar deganda – loyihalash, arxitekturada eng ko'p ishlatiladigan elementlar hisoblanadi. Geometrik yasashlar yordamida hayotda juda ko'p yangiliklar yaratib kelingan. Masalan, aylanani bir necha bo'laklarga bo'lib, muntazam ko'pburchak ichiga chiziladigan naqshlarni turiga qarab bajarish mumkin.

Geometrik naqsh elementlari to'rt qismdan iborat, uchburchaklar, to'rtburchaklar, ko'pburchaklar va ayrim egri chiziqlardan tashkil topgan. Komp'yuter grafikasining AutoCAD dasturida osongina bajarish mumkin. Ularni bajarish bosqichlari quyidagicha:


AutoCAD ishga tushirilgach, xuddi nuqta va to'g'ri chiziqlarni topish kabi, *Model* qatoridan *Линия* qatoriga o'tiladi. *Линия* qatorida bitta ko'rinish oynasi paydo bo'ladi. Ko'rinish oynasini model muhitiga o'tkazamiz (ko'rinish oyna ichida sichqonchani ikki marta bosib olish orqali).

-belgiga sichqoncha chap tugmasi bosiladi va quyidagi shakillar chiziladi(2-rasm). -ga sichqoncha chap tugmasi bosiladi va turli aylanalar chizib, ularni bir necha bo'laklarga bo'lish mumkin(3-rasm).


-ga sichqoncha chap tugmasi bosiladi va to'rtburchk, uning ichiga yarim aylanalar chiziladi(4-a,rasm).

-belgiga sichqoncha chap tugmasi bosiladi va to'rtburchk ichiga dioganallar chiziladi (4-b,rasm).


-belgiga sichqoncha chap tugmasi bosiladi, kerakli to'rtburchk shakli tanlanganch ko'paytirilishi, shu asnoda juda ko'p kompazitsiyalar tuzish mumkin bo'ladi(4-c,d,rasm). 5-rasmda oddiy kompazitsiya ishlanmasi misol keltirilgan.




2-rasm.



3-rasm.




4-rasm



5-rasm.

Xulosa qilib aytganda, geometrik yasashlar asosida shularga o'xshagan juda qiziq, chiroyli va zamonaviy dizayn yechimiga ega bo'lgan narsalarni, uy-ro'zg'or buyumlarini yaratish mumkin. Masalan, o'quv zallarida, mehmonxonalar fayisida, gazeta uchun stellar, istiroxat bog'larida va hokazo joylarda qo'llash mumkin. Shu bilan birga bo'lajak yosh arxitektorlar, dizaynerlar va konstruktorlar va ularning ijodiy ilmiy ishlari uchun ham asos bo'la oladi. Yuqorida ko'rsatilgan usullar bilan ya'ni Komp'yuterning CRELDRAW, AutoCAD va

boshqa dasturlarida ko'p ajoyib naqshlarni juda oson va qo'lda chizganga nisbatan bir nech barobar tez bajarish mumkin. Quyidagiga o'xshgan naqshlarni kompyuterda tez va oson bajarish imkoniyati mavjud (6-rasm).



6-rasm.

Adabiyotlar :

1. Bulatov S. O'zbek xalq amaliy bezak san'ati T. : Mexnat, 1991.
2. Qosimov Q. Naqqoshlik T.: «O'qituvchi», 1982.
3. Qulnazarov B.B. Ibragimov X.M. Chizmachilik va kompyuter grafikasi asoslari (o'quv qo'llanma). Samarqand, 2006 y. - 256 bet.

УДК 378.1.

ТЕХНИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЛАБА АМАЛИЁТИ ТАДҚИҚИ

Бегматов Бахриддин Яхшибоевич – мустақил тадқиқотчи
Жиззах политехника институти

Аннотация: Ушбу мақола олий таълим тизимида мутахассислар тайёрлашда амалиётлар аҳамиятига бағишланган бўлиб, талабаларнинг ўқув-танишув, ишлаб чиқариш, эксплуатацион технологик ва битирув малакавий иши олди амалиётларинини мазмуни ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Олий таълим муассасаси, бакалаврият, ҳаракатлар стратегияси, ўқув-танишув амалиёти, малакавий амалиёт, эксплуатацион-технологик амалиёт, битирув малакавий иши, битирув олди амалиёти.

Аннотация: Данная статья посвящена важности стажировок в подготовке специалистов в системе высшего образования, а также освещает содержание стажировок студентов в области обучения, производства, операционных технологий и дипломной работы.

Ключевые слова: высшее учебное заведение, бакалавр, стратегия действий, стажировка, квалификационная стажировка, оперативно-технологическая стажировка, выпускная квалификационная работа, стажировка студентов.

Annotation. This article is devoted to the importance of internships in the training of specialists in the higher education system, and highlights the content of internships of students in the field of training, production, operational technology and graduate work.

Keywords: Higher education institution, bachelor, action strategy, internship, qualification internship, operational-technological internship, graduate qualification work, undergraduate internship.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки даврдан бошлаб таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциялашувини таъминлаш, таълим мазмунини бевосита корхоналар, муассасалардаги техника, технология, ишлаб чиқариш муносабатларига ҳамда истикболли ривожланишга мувофиқ шакллантириш борасида ислохотлар амалга оширилди. Натижада, кадрлар тайёрлаш соҳасида таълим сифати даражасини ошириш, кадрларнинг иш билан бандлигини таъминлаш ва касбий фаолияти мониторингини олиб бориш тизими, тайёрланаётган кадрларнинг миқдори ва сифатига nisbatan davlat talablari, korxonalar va tashkilotlarining buyurtmalarini shakllantirishning mexanizmlari joriy etildi. Amalga oshirilgan

ishlar bilan bir qatorda bugungi kunda mutaxassislarini tayyorlashda tarmoqlararo integratsiyalashgan hamkorlikni kengaytirish zarurati mavjud. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «узлуксиз таълим тизимини янада тақомиллаштириш йўлини давом эттириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ, юқори малакали кадрлар тайёрлаш»⁶ белгилаб берилди. Бу борада

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси конун

жумладан, тармоқлараро интеграциялашув жараёнларининг педагогик имкониятларини тизимлаштириш, инновацион технологиялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, кадрлар буюртмачилари талаблари ва муносабатлари асосида мутахассиснинг касбий тайёргарлиги даражасига оид ахборот тизимларини жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Амалиётлар бакалаврият асосий таълим дастурининг мажбурий бўлаги ҳисобланади. Амалиётлар ўқув ёки ўқув-ишлаб чиқариш машғулоти кўринишида бўлиб, талабаларнинг касбий-амалий тайёргарланганлигига бевосита йўналган бўлади. Бакалаврларни тайёрлашнинг таълим дастури ўқиётганлар учта амалиётни – ўқув-танишув, ишлаб чиқариш ва эксплуатацион-технологик амалиётларини ўтишни ўз ичига олади.

Малакавий амалиётларни ташкил этишга кўйидаги талаблар қўйилади:

Ўқишнинг биринчи йилида ўқув-танишув амалиёти ўтказилади, мақсад – талабаларни иш жойларидаги чилангарлик дасгоҳлари, турли ҳил токарлик станокларида ишлаши ҳамда автотранспорт воситаларини тузилиши бўйича кўникма олиш. Амалиёт натижаси ва ҳисоботи баҳолаш меъзонлари асосида баҳоланади.

Ишлаб чиқариш амалиёти таълабаларни автотранспорт воситаларининг асосий деталларига ишлов беришнинг технологик жараёнлари, автотранспорт воситаларини тайёрлашнинг асосий босқичлари, ишлаб чиқаришнинг илғор технологиялари, автотранспорт воситаларини ишлаб чиқарувчи корхона бўлимларининг хусусиятлари билан таништириш; автотранспорт воситаларини ишлаб чиқариш, йиғиш ва уларга хизмат кўрсатишнинг баъзи операцияларини бажариш, автотранспорт тармоғи корхоналари ва компанияларининг эксплуатацион, техник, ҳаракат хавфсизлиги ва бошқа бўлимлари ҳамда автотранспорт воситаларига ёнилғи-мой қўйиш шахобчаларининг ишлаши бўйича кўникмаларини эгаллашга мўлжалланган.

Эксплуатацион-технологик амалиёти талабалар автотранспорт воситаларини эксплуатацияси, техник хизмат курсатиш ва таъмирлаш технологик жараёнларини ишлаб чиқишнинг амалий кўникмаларини эгаллаши ва уларда қўлланиладиган ҳужжатларни ўрганишга мўлжалланган.

Амалиётни ўтказиш муддатлари ўқув режасига биноан белгиланади. Амалиёт тугагандан сўнг талабалар бажарилган иш ҳақида амалиёт ўқитувчилари-раҳбарлари ва қабул қилувчи ташкилот вакилларида таркиб топган комиссия олдида ҳисобот беришади. Баҳолаш шакли ўқув режасида белгиланади.

Умуман олганда бугунги галдаги вазифа:

- олий таълим тизимида мутахассисларни тайёрлашда кадрлар буюртмачилар ва таълим муассасаси ўртасида алоқани мустаҳкамлаш;

- кадрлар буюртмачиларини мутахассислар тайёрлаш сифатига бўлган талаблари асосида тармоқлараро интеграциянинг педагогик имкониятлари ва интегрatív таълим мазмунини такомиллаштириш;

- таълим дастурларида ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган ҳолда, яъни кадрлар буюртмачиларининг талаба асосида фан дастурларини ишлаб чиқиш ва таълим бериш жараёнида дарс машғулотларини бевосита ишлаб чиқариш корхоналарида ташкил этиш;

- олий таълим тизимида мутахассисларни тайёрлашда бўлажак мутахассисларнинг компетентлик даражаси, уларнинг профессионал тайёргарлиги сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи таълим жараёнини хорижий давлатлар илғор тажрибасини ўрганган ҳолда ташкил этиш;

- битирувчиларни эгаллаган касби ва мутахассислиги бўйича бандлигини таъминлашнинг ахборот-методик тизимини такомиллаштиришдан иборатдир.

Мақоланинг мақсади - Жиззах политехника институти “Ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси (автомобил транспорти)” талабаларининг ишлаб чиқариш амалиётга муносабатларини мониторинг қилиш ва касбий мослашиш муаммолари ўрганиш.

Мақола муаллифи биринчи навбатда бўлажак мутахассиснинг таълим алиш жараёнидаги назарий билимларини мустаҳкамлашда ишлаб чиқариш амалиётининг аҳамияти билан қизиқди.

Усул ва методлар. Социологик тадқиқот ўтказишда респондентларни танлаш Жиззах политехника институти “Ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси (автомобил транспорти)” таълим йўналишининг I, II, III ва IV курслари талабалари ўртасида танловнинг кўп босқичли (кетма-кет жойлаштирилган) моделига асосланди. Биринчи курсдан тўртинчи курсгача талабаларни касбий мослашуви жараёнининг динамикасини аниқлаш учун саволларга жавоблар тўплами ишлаб чиқилган бўлиб, уларга жавоблар уларнинг касбий ривожланишининг бошланғич (I йил), оралик (II, III йил) ва якуний (IV йил) босқичларида бўлажак мутахассисларнинг касбий ўзига хослигини акс эттиради. Социологик тадқиқот асосида тўпланган ахборотга дастурий-таҳлилий комплекси ёрдамида ишлов берилди. Қиёсий таҳлил институт ва талабаларнинг амалиётлари олиб бориладиган ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан амалиётларни ташкил этишдан қониқиш / норозилик даражаси жинси бўйича ўтказилди.

Натижалар. Талабаларнинг ишлаб чиқариш корхоналарида ўтказилган амалиётлардан қониқиш даражаси талабаларнинг институтда ўқитиш сифатини, олинган мутахассисликка муносабати ва келажакдаги касбдаги муваффақиятини баҳолашга таъсир қилади. Талабаларнинг амалиётга тайёрлигини мустақил баҳолаш бўйича маълумотлар келтирилган. Унинг муваффақиятли ўтишининг мезонлари шакллантирилган. Кўпинча тингловчилар дуч келадиган муаммолар ва қийинчиликлар ошкор бўлади.

Илмий янгилик. Ушбу тадқиқотлар амалиёт ўтаётган талабаларнинг касбий ўзини ўзи англашга ижобий таъсир кўрсатишини ва ушбу касбда ишлашга барқарор ижобий муносабатни шакллантиришга ёрдам беришини тасдиқлайди. Шу билан бирга, унинг институционал шаклда ишлаши ва бўлажак мутахассисларнинг касбий социализацияси учун самарали восита эканлиги (талабаларга институтда олган билимларини замонавий ишлаб чиқариш шароитида синаб кўриш, шахсий касбий ва шахсий салоҳиятини баҳолаш, келажакдаги касб талабларига мослашиш ва у келажакда ишлаш учун мумкин бўлган ишлаб чиқарувчи корхонага тавсия этиш) аслида институтлардаги ўқув жараёнининг назарий қоидалари сақланиб қолган. Аслида, таълим олувчиларнинг учдан бир қисми институт ва ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан амалиётни ташкил этишдан қониқишмайди; талабаларнинг тўртдан биридан кўпроғи амалиёт пайтида корхоналарда (муассасаларда, ташкилотларда) ишлаш учун тайёр эмасликлари тўғрисида хабар беришади; қарийиб 40% ўзларининг келажакдаги касблари соҳасида аниқ кўникмаларга эга эмаслар ва ҳоказо. Буларнинг барчаси талабалар жамоасида амалиёт вақтни бекор қилиш деган фикрни ривожлантиради. Институт раҳбарияти ва профессор-ўқитувчилари талабалар амалиёти самарадорлигини ошириш учун янги услуб ва воситаларни қидиришда жиддий иштирок этишлари керак.

Амалий аҳамияти. Бўлажак мутахассисларнинг амалий тайёргарлигини оширишда талабаларнинг амалиёти билан боғлиқ тузилмаларга, ўқув режаси ва ишлаб чиқариш режаларига тегишли ўзгартиришлар киритиш таклиф этилади.

Изланиш саволлари:

Тадқиқот талабаларнинг амалиёти билан боғлиқ бўлган учта асосий факторлар (Ф) (бўйича таҳлил қилинди.

Биринчи фактор – талабаларнинг ўқиётган таълим йўналишлари бўйича қизиқишлари ва амалиёт ўташ жойини танлаш:

1. Ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси таълим йўналиши катта ижти-

мой аҳамиятга эга.

2. Менинг олий таълим муассасасини танлашдаги қарорим транспорт фаолиятига бўлган қизиқишим билан белгиланган.

3. Менинг касбий тайёрлигим ва касбий компетенцияларимни ҳосил қилиш учун амалиёт катта аҳамиятга эга.

4. Мен яшаш жойим яқинида амалиёт ўташим зарур деб ҳисоблайман.

5. Мен Ватанимизнинг исталган худудида нуфузли транспорт корхоналарида амалиёт ўташим зарур деб ҳисоблайман.

Иккинчи фактор – амалиёт ўташ жойи, амалиёт билан назарий билим ва кўникмаларни ўзаро боғлиқлигини баҳолаш:

1. Амалиёт ўтаган корхонада етарлича кўникмага эга бўлиш учун барча имкониятлар мавжуд.

2. Амалиётни бошлаш даврида менда қийинчиликлар вужудга келди.

3. Амалиёт ўташ учун келган талаба стажёр ишчи сифатида ишга қабул қилиниши зарур деб ўйлайман?

4. Олий таълим муассасасида олган билимларим амалиёт ўташ даври менга асқотди.

5. Амалиёт билан назарий билим ва кўникмалар умуман боғлиқ эмас.

Учинчи фактор - амалиётнинг касбий келажакка ва ушбу соҳа бўйича фаолиятга таъсирини баҳолаш.

1. Мен амалиёт ўтаган корхонамда етарлича билим, малака ва кўникмага эга бўлдим.

2. Амалиётда олган касбий компетенциялар келажакда жуда зарур деб ўйлайман.

3. Амалиёт ушбу соҳада фаолият юритишимда катта таъсир кўрсатади.

4. Амалиётни ўташ давомида кундалик ва ҳисоботларни тўлдириб бориш муҳим аҳамиятга эга.

5. Амалиёт давомида муаммоларни ҳал қилиш ёки қийин топшириқларни бажариш етук мутахассис бўлиб шаклланишда муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, жаҳон талабларига мос ва рақобатбардош мутахассислар тайёрлашда кадрлар буюртмачилари ва таълим муассаси ўртасида алоқани ривожлантириш доирасида кадрлар буюртмачиларнинг мовқеини ошириш зарур.

Адабиётлар:

1. Абдураимов Ш. С. “Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш сифатини таъминлашда тармоқларо интеграциянинг педагогик имкониятларини такомиллаштириш” мавзусидаги диссертацияси. Тошкент.-2017.

2. 5310600- Ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси (автотранспорт) бакалаврият таълим йўналишининг малака талаблари, Тошкент. 2018 йил.

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ УЗБЕКИСТАНА

Назаров М.Р., старший преподаватель, Мукумова Н.Н., преподаватель,
Райимов М.А., стажер-преподаватель
Самаркандский государственный архитектурно-строительный институт

Аннотация: В данной статье рассматриваются кардинальные изменения в системе высшего образования. Высшее образование является краеугольным камнем устойчивого развития страны.

Annotation. This article discusses fundamental changes in the system of higher education. Higher education is the cornerstone of the country's sustainable development.

Введение. «Стремление овладеть современными знаниями, быть просвещенными и обладать высокой культурой должно стать для всех нас жизненной потребностью», подчеркнул Президент Узбекистан Ш.М. Мирзиёев в своем послании к Олий Мажлису. [1]

Узбекистан в ближайшие годы планирует присоединиться к Болонской декларации для повышения конкурентоспособности отечественных кадров с высшим образованием на международном рынке. Этот вопрос будет рассмотрен в рамках реализации Стратегии действий, утвержденной главой государства. По оценкам экспертов, присоединение к данной декларации послужит гармоничному развитию национальной системы высшего образования с мировой практикой, кардинальному повышению качества подготовки кадров. [3]

Анализ и результаты. В настоящее время в республике действуют всего 117 высших учебных заведений, среди них 25 университетов, 33 института, 2 академии, 30 филиалов, 1 консерватория, 1 высшая школа, 22 филиалов иностранных вузов. В 2020 году планируется создать 18 новых высших учебных заведений и их филиалов.

Система высшего образования встречается с двумя проблемами: доступ, качество и актуальность.

Доступ. Подавляющее большинство населения Узбекистана – молодые люди, которым нужны перспективы в жизни. В связи с этим возникает высокий спрос на высшее образование.

В период с 2008 по 2015 гг. средние затраты на образование в расчете на одного ученика выросли более чем в 2 раза, однако все равно значительно уступают аналогичным показателям в других развитых странах.

Если до 2018 года в вузы принималось около 9,5% процентов выпускников средних учебных заведений, то в этом учебном году за счет принятия более 146 тысяч студентов на первый курс уровень охвата высшим образованием достиг 20%. В следующем году эту цифру планируется довести до 25%. В Средней Азии по количеству вузов у Узбекистана второй показатель, после Казахстана, а среди постсоветских стран — после России, Украины и того же Ка-

захстана — четвертый. Если учесть такой фактор, как численность населения страны то получается, что в Узбекистане самый низкий показатель количества вузов на душу населения среди стран постсоветского пространства.

Количество вузов на 1 млн. чел. в постсоветских и соседних с Узбекистаном странах за 2017/2018 учебный год, в ед.



График 1.

Количество студентов на 10 000 человек в постсоветских и соседних с Узбекистаном странах за 2017/2018 учебный год, в чел.




График 2.

На сегодняшний день по всему миру в сфере высшего образования наблюдается феномен массивификации, когда количество студентов

в университетах растет большими темпами, а образование охватывает широкие слои населения. В более развитых странах массификация уже достигла своих пределов. Однако переход от элитарного высшего образования к массовому нередко сопровождается разного рода проблемами. Можно выделить ряд возможных рисков для Узбекистана, связанных с резким увеличением охвата. [4]

1. Рост напряженности на рынке квалифицированного труда.

2. Нехватка компетентных управленцев для открытия частных и государственных вузов.

3. Обострение нехватки квалифицированных преподавателей.

4. Открытие вузов несоответствующего уровня.

5. Нехватка библиотечного фонда и прочих условий для обучения.

Качество и актуальность. Система высшего образования Узбекистана медленно адаптируется меняющимся потребностям экономики страны. При том, что квоты приема корректируются с учетом потребностей рынка труда с увеличением квот на инженерные, строительные и производственные программы обучения, все еще остаются и несоответствия. Эти несоответствия приводят к тому, что многие выпускники не могут найти работу по специальности, а те, кто такую работу нашел, зачастую не обладают комбинацией практических навыков должного уровня, востребованными работодателями.

Ни один узбекский университет не входит в число двух самых известных университетских рейтингов (Quacquarelli Symonds World University Rankings и Times Higher Education). В то время как 10 вузов Казахстана, 6 вузов Украины и 25 вузов России смогли попасть в топ-1000 этих рейтингов, 2 вузам из соседнего Казахстана удалось войти в топ-350. [5]

Еще один вопрос, вызывающий озабоченность, связан с обеспечением качества высшего образования. В настоящее время в университетах отсутствуют отвечающие требованиям механизмы обеспечения качества. Внешние процессы обеспечения качества ограничиваются государственной аттестацией и государствен-

ной аккредитацией, проводимыми Государственным центром тестирования один раз в 5 лет, однако, эти механизмы не соответствуют общепринятым международным стандартам.

Заключение и предложения. Для улучшения системы образования и развития человеческого капитала предлагается ряд мер, в частности:

1. Повышение охвата высшим образованием посредством увеличения числа вузов.

2. Актуальность образования может быть улучшена путем углубления связей вузов с промышленностью, усовершенствования учебной среды посредством предоставления лабораторий и библиотечных ресурсов, а также внесения изменений в учебные планы и программы таким образом, чтобы более эффективно использовать ресурсы, и эффективного отслеживания выпускников на рынке труда.

3. Укрепление взаимосвязей вузов и научно-исследовательских институтов с зарубежными партнерами, участие в международных программах стажировки студентов и ученых.

Как отметил, Президент «...достижение благородных целей, стоящих перед народом Узбекистана, будущее страны, ее процветание и благоденствие, то, какое место она займет в мировом сообществе в XXI веке, — все это зависит, прежде всего, от нового поколения, от того, какими вырастут наши дети».

Литература:

1. Послание Президента Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёева Олий Мажлису от 24.01.2020г.

2. Муминов А. Г. Реформы в образовании Узбекистана: состояние и перспективы // Бюллетень науки и практики. 2019. Т. 5. №8. с. 202-208.

3. Узбекистан устраняет пробелы в образовании: страна планирует присоединиться к Болонской декларации//

Инт.: <https://podrobno.uz/cat/obchestvo/uzbekistan-ustranyaet-probely-v-obrazovanii-strana-planiruet-prisoedinitnya-k-bolonstroy-deklaratsii/>

4. Массификация высшего образования в Узбекистане //

Инт.: <http://dgp.uz/publications/massifikatsiya-vysshego-obrazovaniya-v-uzbekistane/>

5. Uzbekistan Education Sector Analysis Final Report. The World Bank. 2018

OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA KREDIT-MODUL TIZIMIGA O'TISHNING AFZALLIKLARI

Xudaykulov U. - katta o'qituvchi; **Yuzbayeva M.** – katta o'qituvchi; **Yuzbayeva Sh.** – o'qituvchi Samarqand davlat arxitektura-qurilish instituti

Аннотасија: Ushbu maqolada oliy ta'lim tizimida kredit-modul tizimiga o'tishning afzalliklari keltirilgan. Amaldagi hamda kredit-modulga asoslangan o'quv rejalar solishtirma tahlil etilgan.

Калит со'злар: kredit-modul tizimi, ECTS krediti, talabaniq mehnat sarfi, auditoriya mashg'ulotlari, mustaqil ish, erishilgan bilim.

Аннотасија: В статье представлены преимущества перехода на кредитно-модульную систему в системе

высшего образования. Сравняются текущие и кредитные модульные учебные планы.

Ключевые слова: кредитная модульная система, кредит ECTS, затраты на оплату труда студентов, аудиторные занятия, самостоятельная работа, приобретенные знания.

Annotation: The article presents the advantages of switching to a credit-modular system in the higher education system. Current and credit modular curricula are compared.

Keywords: credit modular system, ECTS credit, student salary costs, classroom lessons, independent work, acquired knowledge.

Bugungi kunda ta'lim dasturlarini amalga oshirish uchun dunyo tajribasida kredit-modul tizimi deb nomlangan amaliyotdan keng foydalaniladi.

Jahon amaliyotida Amerika Qo'shma Shtatlari kredit tizimi (USCS), Kreditlarning to'plash va o'tkazishning Britaniya tizim (SATS), Yevropa kredit tizimi (ECTS), Universitet kreditlarini o'tkazishning Osiyo - tinch okeani tizimi (UCTS) eng keng tarqalgan tizimlar hisoblanadi.

"Kredit" atamasi (ECTS - credit) – sinovdan o'tdi, ma'lum bir kursni o'quv yurtida o'tganligi haqidagi guvohnoma ma'nosini anglatadi.

Kredit – shartli sinov birligi bo'lib, talabani o'quv fanining ma'lum bir qismini o'tganligi haqidagi ma'lumot beradi. Har bir o'quv faniga ma'lum miqdordagi kredit birliklari ajratiladi. Kredit birliklari soni talabalarning mehnat sarfiga mos holda belgilanadi.

ECTS – Yevropa Kredit Transfer Tizimi 1989 yilda asos solingan bo'lib, Yevropa davlatlari tomonidan ishlab chiqilgan, tekshirilgan va takomillashtirilgan kreditlarni taqsimlash tizimidir. ECTS tizimida talaba olgan bilimining bahosini bir davlatdan (OTMdan) ikkinchi davlatga (OTMga) erkin ko'chishini, erishilgan ko'nikma va malakasini erkin tan olinishini, pirovardida barchasini hisobga olib daraja (diplom) olishini nazarda tutuvchi tizimdir.

O'zbekiston Respublikasi prezidentning 2019 yil 8 oktyabrdagi farmoni bilan tasdiqlangan «O'zbekiston Respublikasi oliy ta'lim tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasi»ga ko'ra, mamlakatdagi OTMlarning 85 foizi 2030 yilgacha bosqichma-bosqich kredit-modul tizimiga o'tishi rejalashtirilgan. 2020-2021 o'quv yilining o'zida mamlakatimizdagi 33dan ortiq yirik OTMlar kredit-modul tizimiga o'tilgan. Mazkur OTMlarda asosan ECTS kredit-modul tizimi joriy etilishi ko'zda tutilgan.

Ushbu OTMlar qatorida Samarqand davlat arxitektura-qurilish institutida ham 2020-2021 o'quv yilidan 1 kurslar uchun o'quv jarayoni kredit modul tizimida olib borilmoqda.

2020-2021 o'quv yilidan 17 ta bakalavr ta'lim yo'nalishlari (1923 nafar talaba), 14 ta magistratura mutaxassisliklari (111 nafar talaba) va 6 ta sirtqi yo'nalishlar (360 nafar talaba) kredit modul tizimida o'quv jarayoni olib borilmoqda.

Kredit-modul tizimi mamlakatimiz oliy ta'lim tizimiga ta'limning amaldagidan ko'ra ancha mukammal o'lov birligini olib kiradi.

ECTS tizimida ta'lim olishning barcha turlari

(kunduzgi, kechki, sirtqi, masofaviy) va o'quv yuklamasining barcha ko'rinishlari (ma'ruza, amaliyot, laboratoriya v.h) uchun qo'llanilishi mumkin.

ECTS tizimida 3 ta muhim tushuncha mavjud:

1) ECTS krediti,

2) Erishilgan bilim – (Learning outcomes) shaxsning o'rganilayotgan fan bo'yicha erishgan bilimlari, uni amalda qo'llay olishi, fanning mohiyatini tushuna olishi, mushohada yurita olish darajasi v.h.

3) Ish hajmi va turi – (Workload) ma'ruza, amaliyot, mustaqil ish, laboratoriya.

Talabani mehnat sarfi – auditoriya mashg'ulotlari mustaqil ishlar va o'quv rejasida ko'zda tutilgan boshqa faoliyatlarini o'z ichiga oladi. Ya'ni, ECTS kreditlari faqat auditoriya soatlari bilan chegaralanmasdan talabalarning to'la yuklamasiga tayanadi. Shuning uchun ECTS kreditlarini talaba mehnat sarfining o'quv fanlari bo'yicha shartli-sonli ifodasi deb hisoblash mumkin.

Unga ko'ra, institutda o'tiladigan har bir fan endilikda undagi o'qish yuklamasi miqdoriga qarab, kreditlarda aks etadi. Masalan, har bir fan o'rtacha 2, 3, 4 yoki 6 kreditlarda aks etishi mumkin. Talaba esa har semestr, o'quv yilida muayyan miqdorda kreditlar to'plab borishi mumkin va bu miqdorga qarab, unga bakalavr yoki magistr darajasi beriladi.

ECTS kredit-modul tizimida bir yillik kreditlar miqdori 60 ni tashkil etadi. Bir o'quv yili 2 semestrda iboratligini hisobga olsak, talaba o'qishi davomida har semestrda 30 kredit to'plab borishi kerak bo'ladi. Bakalavr dasturi odatda 4 yilligi hisobga olinsa, talaba ushbu darajani qo'lga kiritish uchun jami 240 kredit, magistratura dasturini tugallash uchun esa 120 kredit to'plashi talab etiladi.

Kreditlar shunchaki raqamlar emas. Har bir kredit talaba bajarishi kerak bo'lgan ma'lum miqdordagi o'qish yuklamasini bildiradi. Institutda mavjud ta'lim yo'nalishlari va mutaxassisliklari o'quv rejasida ECTS kredit-modul tizimida 1 kredit o'rtacha 30 soatlik o'qish yuklamasi belgilangan. Bu degani, agar fan 6 kreditli fan bo'lsa, talaba ushbu fan bo'yicha belgilangan miqdordagi kreditlarni qo'lga kiritish uchun semestr davomida 180 soatlik o'qish yuklamasini bajarishi kerak bo'ladi (30*6=180). 1 kredit o'qish yuklamasi (25-30 soat oralig'ida) aynan necha soat bo'lishini, odatda har bir OTM o'zining ichki

qoidalarida belgilaydi. SamDAQIda 1 kredit o'qish yuklamasi 30 soat qilib belgilangan.

Shuni ta'kidlash kerakki, 1 kredit uchun belgilangan 30 soatlik o'qish yuklamasi bu fanni o'rganish uchun sarflanadigan jami harakatlar jamlanmasi bo'lib, unga nafaqat dars vaqti, balki talabanning fanni o'rganish uchun uyda va kutubxonada sarflagan vaqti, imtihonlar vaqti, qo'yingki talaba ushbu fanni o'zlashtirish uchun sarflagan barcha tizimli harakatlari vaqtini qamrab oladi.

Institutda mavjud ta'lim yo'nalishlari va mutaxassisliklari bo'yicha o'quv rejalarini kredit-modul tizimiga o'tkazish mexanizmlarini ishlab chiqish, ularni ta'lim jarayoniga tadbiiq etish va yangi tizimga muvofiq lashtirish maqsadida tashkil etilgan ishchi guruhlar tomonidan o'quv rejalar kredit modulga moslashtirilgan.

1- jadval

O'quv davri umumiy hajmining taqsimlanishi

№	O'quv davrlari	Kunduzgi ta'lim shakli uchun	Kechki ta'lim shakli uchun	Sirtqi ta'lim shakli uchun
1	Nazariy amaliy ta'lim	40-60%	40-60%	40-60%
	Shu jumladan mustaqil ta'lim		15-35%	25-45%
2	Attestasiya	6-8%	6-8%	6-8%
3	Ta'til	10-30%	10-30%	10-30%
4	Malakaviy amaliyot	15-30%	15-30%	15-30%
5	Bitiruv malakaviy ishi	2-3%	2-10%	2-10%
	Jami:	100%	100%	100%

"Bino va inshootlar qurilishi" ta'lim yo'nalishi o'quv rejasi misolida ko'radigan bo'lsak, 4 yilda jami haftalar 204 haftani tashkil etadi: Shundan, nazariy ta'lim 117 hafta, attestasiya 32 hafta, malakaviy amaliyot 14 hafta, bitiruv malakaviy ishi 5 hafta, kredit ta'lim tizimiga kirish 2 hafta, ta'til haftalari 34 hafta.

2- jadval

"Bino va inshootlar qurilishi" bakalavr ta'lim yo'nalishi o'quv rejasi tahliliy jadvali

№	2018 yilda tasdiqlangan o'quv reja			2020 yilda tasdiqlangan kredit-modulga asoslangan o'quv reja		
	O'quv bloklari	Umumiy yuklama (soat)	Umumiy yuklama %	O'quv bloklari	Umumiy yuklama (soat)	Umumiy yuklama %
1	Gumanitar va tabiiy-ilmiy fanlar	2053	29,7	Tabiiy-ilmiy va gumanitar fanlar	1800	27,0
	Fanlar soni	11		Fanlar soni	10	

2	Umumkasbiy fanlar	2777	40,2	Umumkasbiy fanlar	2670	38,0
	Fanlar soni	13		Fanlar soni	12	
3	Ixtisoslik fanlari	1784	25,8	Ixtisoslik fanlari	2250	35,0
	Fanlar soni	9		Fanlar soni	9	
4	Qo'shimcha fanlar	298	4,3	-	-	-
	Fanlar soni	3		-	-	-
	JAMI:	6912	100	JAMI:	6720	100
	Tanlov fanlar	176 soat		Tanlov fanlar	510 soat	

3- jadval

"Bino va inshootlar qurilishi" magistratura mutaxassisligi o'quv rejasi tahliliy jadvali

№	2018 yilda tasdiqlangan o'quv rejalar			2020 yilda tasdiqlangan kredit-modulga asoslangan o'quv rejalar		
	O'quv bloklari	Umumiy yuklama (soat)	Umumiy yuklama %	O'quv bloklari	Umumiy yuklama (soat)	Umumiy yuklama %
1	Umummetodologik fanlar	260	16,0	Umummetodologik fanlar	300	16,7
2	Mutaxassislik fanlari	870	54,0	Mutaxassislik fanlari	1500	83,3
3	Tanlov fanlari	490	30,0	Tanlov fanlari	450	
	JAMI:	1620	100	JAMI:	1800	100
4	Ilmiy faoliyat	2430		Ilmiy faoliyat	1800	
	Hammasi	4050		Hammasi	3600	

Yuqorida keltirilgan jadvaldan ko'rinib turibdiki, bakalavr ta'lim yo'nalishlari o'quv rejasida 1 blok-tabiiy ilmiy va gumanitar fanlar bloki 1800 soat (27%), 2 blok-umumkasbiy fanlar 2670 soat (38%), 3 blok-ixtisoslik fanlar 2250 soatni (35%) tashkil etadi. Tabiiy ilmiy va gumanitar fanlar bloki 29,7% dan 27% ga, umumkasbiy fanlar bloki 40,2% dan 38,0% ga tushirilgan, ixtisoslik fanlar bloki esa 25,8 % dan 35% ga oshirilgan. Tanlov fanlar 176 soatdan 510 soatga ko'paygan.

Kredit-modul tizimi joriy etilishi, tanlov fanlari sonining ko'payganligini alohida ta'kidlash lozim.

Kredit-modul tizimi amaliyotida auditoriya va mustaqil o'qish soatlari nisbati o'rtacha 40/60 foizni tashkil etadi. Bu nisbat, boshqacha qilib aytganda, 1/1.5ga to'g'ri keladi, ya'ni talaba muayyan fan bo'yicha belgilangan har bir soat dars uchun darsdan tashqari bir yarim soat mustaqil o'qishi, tayyorlanishi kerak bo'ladi.

Bunda OTM 10 kredit uchun 300 soatlik o'qish yuklamasi belgilangan bo'lsa, undan 120 soati

($300 \cdot 40\% = 120$) auditoriya soatlari, 180 soati ($300 \cdot 60\% = 180$) esa talabani mustaqil o'qish soatlariga to'g'ri keladi. Ushbu taqsimot asosida 10 kreditlik fan o'qish yuklamasini aniqlaydigan bo'lsak, talaba ushbu fan bo'yicha belgilangan kreditlarni qo'lga kiritish uchun 2 semestr davomida 120 soat ($(30 \cdot 10) \cdot 40\% = 120$) auditoriya darslarini, 180 soat ($(30 \cdot 10) \cdot 60\% = 180$) mustaqil o'qish yuklamasini bajarishi kerak bo'ladi.

O'quv jarayonini tashkil etishning ECTS kredit texnologiyasiga o'tishda quyidagi maqsadlar ko'zlanadi:

- xorijda o'qishni davom ettirish uchun oliy yurtini tanlashda shart-sharoit yaratish;
- O'zbekistonda ta'lim olgan muddatni xorijiy davlatlarda tan olinishini ta'minlash;
- rivojlangan mamlakatlar oliy o'quv yurtlari o'quv rejalarini o'rganish va shu asosida o'quv jarayonini takomillashtirish;
- talabalar qobiliyatini to'laroq ochilishiga va o'qitishning yuqori natijalariga erishish.

Kredit-modul tizimini joriy etilishi, mamlakatimiz oliy ta'lim tizimiga ta'limning jahon tan olgan mukammal o'lchov birligining olib kirilishiga, o'quv jarayonining shaffoflashishiga,

o'quv dasturlarida muvozanat va me'yor paydo bo'lishiga, o'quv dasturlari mehnat bozori va kadrlar buyurtmachilarining talabalariga asosida shakllanishiga, darslarning sifati yaxshilanishiga, har bir talaba o'zining mustaqil o'quv dasturiga ega bo'lishiga xizmat qiladi.

Adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 8 oktyabrda PF-5847-son bilan tasdiqlangan "O'zbekiston Respublikasi oliy ta'lim tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasi", 1-ilovasi, 9- bandi.

2 O'zbekiston Respublikasi Oliy va O'rta Maxsus Ta'lim Va'zirining 2020 yil 30 iyundagi 357-sonli buyrug'i, 1-ilovasi.

3 2015 European Credit Transfer and Accumulation System (ECTS) User's Guide, a Joint Project by the European Higher Education Area, the Bologna Process and European Commission in 2015. Evropa kreditlarni ko'chirish va jamg'arib borish tizimi bo'yicha foydalanuvchiga qo'llanma (ECTS). Bu qo'llanma ECTS kredit-modul tizimining tushunchalari, uning ishlash mexanizmlari bo'yicha asosiy tamoyillarini o'zida jamlagan rasmiy manba. U Evropa Oliy Ta'lim Hududi, Bolon'ya Protessesi, Evropa Komissiyasi tomonidan birgalikda 2015 yilda ishlab chiqilgan.

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖИДА ЕТУК МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ

Каржавов З. – доцент; **Жонузоқов О.** – магистр;
Элмуродов Р. – магистр; **Утамов Р.** – магистр;

Аннотация. Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш стратегиясида рақобатбардош кадрларнинг ўрни ва аҳамияти кўриб чиқилган. Муаллифлар томонидан юқори малакали мутахассислар тайёрлаш иқтисодий ривожлантиришнинг асосий омили сифатида кўриш таклифи киритилган.

Калитли сўзлар: ривожланиш стратегияси, иқтисодий реал тармоқлари, малакали кадрлар.

Аннотация. В данной статье рассматривается место и значение конкурентоспособных кадров в реализации Стратегии по дальнейшему развитию Республики Узбекистан. Авторами предложено рассматривать подготовку высококвалифицированных кадров в качестве основного фактора развития экономики.

Ключевые слова: Стратегия развития, реальные отрасли экономики, квалифицированные кадры.

Annotation. This article discusses the place and importance of competitive personnel in the implementation of the Strategy for the further development of the Republic of Uzbekistan. The authors proposed to consider the training of highly qualified personnel as the main factor in the development of the economy.

Keywords: Development strategy, real sectors of the economy, qualified personnel.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг янги босқичи бугун макроиқтисодий барқарорликни, иқтисодийнинг юқори ўсиш суръатларини таъминлаб, халқимизнинг ижтимоий-иқтисодий шароитларини тубдан яхшилашда асосий замин бўлмоқда. Айни вақтда, тараққиёт йўлимизнинг таҳлили бугунги кунда жаҳон бозорида конъюнктура кескин ўзгариб, рақобат тобора кучайиб бораётганини албатта ҳисобга олишни, шу асосда давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун янги ёндашув ва тамойиллар билан ишлашни тақозо этмоқда. Бу борада мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев

ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва жаҳон ҳамжамияти томонидан алоҳида эътироф этилаётган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устивор йўналишлар ва вазифалар айнан ана шу мақсадларга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Бугунги кунда саноатни янада ривожлантиришнинг янги имкониятларини ишга солиш, ҳудудларнинг мавжуд ҳам ашё ва ресурс салоҳиятидан оқилона фойдаланиш эвазига уларни жадал ва мувозанатли ривожланишини таъминлашга қаратилган чоратadbирларнинг кўрилаётганлигини алоҳида

таъкидлаш жоиз. Жумладан, ташки бозорларда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқарувчи замонавий корхоналарни кўпайтиришга оид фаол инвестиция сиёсати юритилмоқда.

Айни вақтда мамлакатимизда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, уларни энг замонавий, илғор техника ва технологиялар билан жиҳозлаш, инновация жараёнларини такомиллаштириш, илм-фан, техника соҳаларида янги ишланмаларни яратиш ва жорий қилиш, уларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий механизмларини замон талаблари асосида ташкил қилишга катта аҳамият қаратилмоқда. Шу билан бирга бугун яратилаётган имкониятлардан янада самарали фойдаланиш, сифатли, арзон ва харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни йўлга қўйиш асосида хизматлар соҳасида миллий брендларни ташкил этиш, ишлаб чиқарилаётган товар ва маҳсулотларни жаҳон бозорларига “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” бренди билан олиб чиқиш талаб этилмоқда. Юқоридагилар билан бир қаторда бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий жараёнларга мамлакатнинг келажакка йўналтирилган мақсадлари йўлида таъсир кўрсатувчи бошқарув тизимларини, унинг энг илғор усулларини жорий этиш зарур бўлиб қолмоқда. Буларнинг барчаси ўз навбатида замонавий бошқаришни талаб этишидан келиб чиқиб, барча соҳа ва тармоқларга замонавий менежмент ва маркетингни жорий қилиш ва бу соҳада кадрлар тайёрлаш бўйича ўрта ҳамда узок муддатли “Йўл хариталар”ини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Бугунги яна бир ўта муҳим вазифа – бу мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш ва иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлашдан иборат бўлмоқда. Жаҳон иқтисодиётида кечаётган мураккаб жараёнлар шароитида ўзимизда мавжуд имкониятларни янада самарали ишлатиш, иқтисодий ўсишнинг янги омилларини излаб топиш, янги ташки бозорларни ўзлаштириш, айниқса худудларнинг ресурс солоҳияти ҳамда мавжуд имкониятларидан оқилона фойдаланиш эзига миллий иқтисодиётимизнинг самарадорлигини, унинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирларни амалга оширишимиз зарур. Таъкидлаб ўтилганлар кўп жиҳатдан етук мутахассис кадрларга боғлиқлиги барчамизга аён. Бугунги давр, айниқса, замонавий билим ва малакага эга бўлган муҳандис-технологлар, иқтисодчилар, корпоратив бошқарув менежерлари, маркетинглар, шунингдек, ахборот технологиялари соҳасида дастурчиларни тайёрлашни тубдан кучайтириш ва мазкур соҳаларда истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлашни талаб қилмоқда. Чунки, айрим тармоқ ва корхоналарда маҳсулот бозорлари ва ташкилот ҳолатини таҳлил қилиш, унинг кучли бош омилларини баҳолаш, стратегик ривожланишини белгилаш,

ички ва ташки хўжалик боғланишларини мувофиқлаштириш, шартномавий муносабатларни тартибга солиш, айниқса, ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлаш ва бошқаришда ҳамон оқсоқликка йўл қўйилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Мамлакатимиз Президенти таъкидлаганидек бунга олий маълумотли кадрлар тайёрлашдаги тизимли камчиликлар сабаб бўлмоқда. Инсон омилни иқтисодиётнинг реал соҳалар ва тармоқларини ривожлантиришда асосий омил сифатида қабул қилиш мамлакатимиз олдида турган вазифалардан бири ҳисобланади.

Бугунги шароит ходимлар манфаати ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, моддий рағбатлантириш механизмларини тубдан янгилаш, уларнинг бурч ва мажбуриятларини бажаришлари бўйича масъулиятини ошириш, юқори фойда билан ишлашга ундовчи омилларни кучайтиришни талаб этмоқда. Буларнинг барчаси, шубҳасиз, хўжалик юритувчи субъектларнинг юқори малакали, масъулиятли ва етук кадрлар билан қай даражада таъминланганлигига боғлиқ. Бунинг учун таълим тизими, айниқса, барча соҳага бўлажак кадрларни тайёрлашнинг таянчи бўлган олий ўқув юртлари фаолиятини замон талаблари асосида янада такомиллаштириш, таълим хизматлари сифатини жаҳон андозалари даражасида таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, республикамиз ва ривожланган хорижий мамлакатларда тўпланган илғор тажрибани атрофлича ўрганиш, чуқур таҳлил қилиш, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини мутлақо янгилаш лозим бўлмоқда. Чунки бу жараён мунтазамлик ва давомийликни талаб этади.

Ҳатто энг ривожланган мамлакатларда ҳам кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириб боришга катта аҳамият қаратилади. Бу борада айниқса, Япония, АҚШ ва Европа мамлакатларида бошқарув соҳасида кадрлар тайёрлаш борасида тўпланган жуда катта тажрибани ўрганиш асосида ўзимизни кадрларимизни, урф-одатларимизни ва халқимиз минталитетини ҳисобга олган ҳолда уларни жорий этиш аҳамиятли бўлади. Давлатимиз раҳбари томонидан олдимизда турган кенг қўламли вазифаларни бажариш учун кадрлар билан ишлашнинг бутун тизимини такомиллаштиришга доир қатор ишларни амалга ошириш лозимлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, кадрларнинг амалий захирасини шакллантириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг муҳим масалаларини ўз ичига оладиган мақсадли дастурни ишлаб чиқиш вақти келганини, шунингдек, бугунги замон барча соҳалар қаторида илм-фанни ҳам янги босқичга кўтаришни талаб қилаётгани, жамият олдида турган долзарб масалаларни илм-фансиз ечиш қийинлиги, фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини яна-

да такомиллаштириш муҳимлиги алоҳида эътироф этилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам кадрлар тайёрлаш масалаларига устувор аҳамият қаратилган. Айниқса, олий ўқув юртлири талабаларини бозор иқтисодиёти талаблари ва иш берувчиларнинг эҳтиёжларига жавоб берадиган йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича тайёрлаш ҳамда ишга жойлаштириш борасидаги ишларни такомиллаштириш, олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технологияли марказлар ва технопаркларни ташкил этиш юзасидан вазифалар белгилангани эътиборга молик.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Президентимиз томонидан қабул қилинган “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарор айнан ана шу белгиланган вазифаларни амалга ошириш, ушбу соҳада бугун долзарб бўлиб турган масалаларни ҳал этиш ва ҳаётга жорий этишнинг кенг қамровли ва комплекс чора-тадбирларини кўзда тутаётганлиги билан жуда катта аҳамиятга эга. Шу билан бирга Қарорда белгиланган чора-тадбирларнинг ҳуқуқий, ташкилий ҳамда молиявий жиҳатдан қафолатланганлиги улар иж-

росининг қафолатланганлигидан далолатдир. Энди уларнинг рўёби фақат мутасаддиларнинг фидойилигига, масъулият билан ишлашига, белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва самарали амалга оширишларига боғлиқ. Бир сўз билан айтганда, бугун мамлакатимизда ҳар бир соҳа ва йўналишда амалга оширилаётган ислохотлар изчиллигини таъминлаш юқори билимли ва малакали мутахассисларга, юксак интеллектуал салоҳият ва тажрибага эга бўлган кадрларга бевосита боғлиқ. Шу муносабат билан олий таълим тизимида ишлаб чиқаришда кадрларга бўлган талабларни тўлиқ ҳисобга олиш, амалий кўникмаларга эга бўлган мутахассислар тайёрлашга йўналтирилган тартиб жорий этилиши зарур бўлмоқда.

Етук салоҳиятга эга кадрлар келажакда эркин бозор талабларига тўла жавоб берадиган иқтисодиётни бошқариш тизимларини янада мукамаллаштириш, ишлаб чиқаришни изчил ва мунтазам модернизация қилиб бориш, иқтисодиётнинг ички ва ташқи рақобатбардошлигини ошириш, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини юксалтириш, ички бозорларимизни сифатли, арзон ва харидоргир маҳсулотлар билан тўлдириш, энг асосийси, халқимиз турмуш фаровонлигини янада юксалтириш каби эзгу ни-ятларимизга етишишда муҳим омил бўлади.

Мундарижа

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА БУЮМЛАРИ
СТРОИТЕЛЬНЫЕ МАТЕРИАЛЫ И ИЗДЕЛИЯ

Камилов Х.Х., Турапов М., Тохиров Ж.О. Оптимизация состава теплоизоляционного арболита на основе рисовой шелухи и портландцемента	3
Mirazimova G. O'. Giltuprok va sanoat chiqindilari asosida keramik g'isht hamda yo'lak plitkalari ishlab chiqarish uchun tarkibni tanlash va ularning fizik – mexanik xossalarini o'rganish	6
Амиров Т.Ж., Қурбонов Б.Э., Жуманов И.Б. Асфальтбетон қопламали йўл тўшамаларининг муддатидан олдин бузилиш сабаблари	8
Хакимов О. М. Ботиров Б.Ф. Методика технологического составления и проектирования состава асфальтобетонных смесей	10
Хамрақулова Э. О. Технологические методы улучшения долговечности бетонов в условиях сухого жаркого климата Узбекистана (в примере Джизакской области)	12
Каракулов Х.М., Хамрақулова Э. О. Методика получения добавки из отходов лакокрасочных полимерных материалов для повышения качества дорожного битума	15
Асатов Н.А., Испандиярова У.Э., Гуломова А. А. Исследование водонепроницаемости бетона с комплексными химическими добавками	17
Сафаров Р., Саидмуратов Б.Б. Ўрама матоли қоплама бетон композит материаллини ишлаб чиқариш технологиясини оптимал моделлаштириш	19
Очилов А.Э., Маматов Э.М. Цемент клинкерини олиш жараёнида ёнۇвчи техноген материаллардан фойдаланиш	22
Рахимова Г., Очилов А.Э. Дуродгорлик-мебель буюмларини пардозлаш технологияси соҳасида муоммолар	25
Парсаева Н.Ж., Шаропова Л. Ю. Сайдингги бирикма тизимида керамик материаллардан фойдаланиш технологиясини такомиллаштириш	26
Тулаков Э.С., Иноятов Д.Т., Қурбонов А.С., Матёқубов Б.П. Биноларнинг ертўла деворларини иссиқлик изоляциялаш ва унинг калинлигини ҳисоблаш	29
Шуқуров Ғ., Фозилов Ф., Эгамова М.Т. Биноларнинг ташқи деворларининг иссиқлик ҳимоясини ошириш ҳақида	32
Хушвақтов У.Н., Ядгаров С.Н., Худойбердиев М.Д. Йўл ва кўприқларда кулранг асфальтбетонли композит қопламаларни ишлаб чиқариш ва қўллаш	34
Mahmudov M.M., Mahmudova Sh., Saidmurodova S.M. Гипс ва ёғоч қипиқлари асосида олинган материалнинг иссиқлик ўтказувчанлик хусусиятлари	38
Shakarov N.J., Eshqobilov Sh.A., Nomirov M.N., Ergashev I.Sh. Qurilishda gidravlik bog'lovchi moddalarning ahamiyati	41
Мухаммадиев Б.А. Автомобиль йўллари йўл пойини турғунлиги ва мустаҳкамлигини таъминлаш	44
Асатов Н.У. Малоэтажный дом из арболита	46
Содиқов Ж. И., Ядгаров С.Н. Автомобиль йўллари қопламаси раволигини ҳаво муҳитига таъсирини баҳолаш	47
Қорақулов Х.М., Хидоятуллаев Х.Х., Мустафоқулов М. Методика получения минерального порошка из углеродистого известняка для повышения качества дорожного битума	50

ИНЖЕНЕРЛИК ТАРМОҚЛАРИ ҚУРИЛИШИ
СТРОИТЕЛЬСТВО ИНЖЕНЕРНЫХ СЕТЕЙ

Саидов С.С., Зокиров М.З. Баромембран усулларида фойдаланган ҳолда табиий ва чиқинди сувларни тозалашнинг мураккаб технологик схемалари	55
Бобоев С.М., Тоштемиров М., Эрмахамматов А. Разработка двухступенчатой системы обработки приточного воздуха с использованием эжекционного воздухораспределителя-увлажнителя	57
Зокиров М.З., Саидов С.С. Технологик эритмалар ва чиқинди сув таркибидаги моддаларнинг фракцияси ва концентрацияси	59
Абдуллаев Қ.Ю., Танибердиев Ш.Х. Сутка давомида узликсиз ишлайдиган гелиосовуткичнинг такомиллаштирилган конструкцияси	64
Abbosov Y.S., Abdulkarimov V.A., Sattorov A.X. Botiq quvurli quyosh havo kollektorida havo harakatining gidrodinamik nazariy tahlili	66
Уралов Б.Р., Исломов К.С., Улжаев Ф., Хакимова Г. Влияния морфометрических элементов русла на гидравлическое сопротивление машинных каналов насосных станций.	68
Базаров Д.Р., Уралов Б.Р., Нурматов П.А., Ишонкулов З., Қаюмов А. Влияние формы живого сечения безнапорного машинного канала и шероховатости его смоченной поверхности на гидравлическое сопротивление.	73
Адилов О.К., Умиров И.И., Тожиев Ж., Пардабоев Ў. Уралбаев А. У. Ички ёнۇв двигателларини диагностикалашда таҳлил услублари	77

Халманов А.Т., Айматов Р.Р. Особенности эффективного использования газообразного топлива в печах для производства строительных материалов.....	79
Вахобова Г.Н., Абдуллаев Қ.Ю. Адсорбент, аммиакни адсорбция қилишииинг босимга боғлиқлиги...	83
Гадаев А.Н., Жураев А. Кудуклар дебитини фосфорорганик комплексонлардан фойдаланиб қайта тиклаш тартибини ишлаб чиқиш.....	85
Холбоев У.Х., Алибекова Н. Модернизация пылеуловители и организация воздухообмена в производственных помещениях.....	89
Икрамов Н.М., Мажидов Т.Ш. Высота входа всасывающей трубы насосной установки относительно дна русла.....	91
Кан Э.К., Муратов А.М., Юсупов М., Икрамов Н. Методы расчета гидравлического удара в напорном трубопроводе ирригационных насосных станций при модернизации их оборудования.....	95
Suyunov A.S., Xushmurodov F.M. Қашқадарё воҳаси агроландшафтларининг ўрганилишида худуд табиий шароитининг ўзига хос хусусиятлари.....	100
Карабеков У.А. Хариталарни яратишда Arggis дастурининг аҳамияти.....	106
Эрбоев Ш.О., Азимов Б.С., Ботиров Б.Ф. Эксплуатация қилинаётган темир йўл кўприқларини мониторинг қилиш учун “MapInfo” дастурини такомиллаштириш.....	108
Норкулов Б.Э., Насырова Н.Р., Шомайрамов М.А. Суёнов Ж.Ш., Таджиева Д.О. Использование комбинированных плавучих конструкций на водозаборах насосных станций.....	110
Исроиллов О.Б. Состояние железнодорожного пути для высокоскоростного движения поездов.....	115
Журакулов Д.О., Мардонова Н.С., Музропова Ф.И. Автоматизированная система кадастровой картографии, реализующая гат-технологию при разработке кадастровых карт и планов.....	117
Имомкулов Ў.Х., Муратов С.М. Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасида ерни масофадан зондлаш маълумотлари ва уларнинг қўлланилиши.....	119

ҚУРИЛИШ ЭКОНОМИКАСИ ВА УНИ БОШҚАРИШ ЭКОНОМИКА И УПРАВЛЕНИЕ СТРОИТЕЛЬСТВОМ

Усманов И.А., Буриев Х.Т., Сайдирасулов А. Основные задачи строительной отрасли республики Узбекистан.....	123
Мелиев И.И. Роль сферы услуг в устойчивом функционировании экономики.....	126
Kasimova G.A., Rayimov M.A., Toshimov A.H. Byudjet tashkilotlarida byudjetdan tashqari jamg'armalar mablag'lari shaklanishi va ularning sarflanishi hisobini takomillashtirish annotatsiyasi.....	128
Суёнов А.С., Буриев Х.Т., Буриева С.З. Управления качеством работ в строительстве при реализации инвестиционных проектов.....	132
Кушаков М.М., Омонов М.Б. Суёнов Н. Ўзбекистон Республикасида қурилиш комплексини ривожланиш тенденциялари.....	134
Исламова Н. Пути решения проблем несовершенствования ценообразования в строительстве.....	136
Абдужаббарова М.Т. Развитие промышленного производства республики Узбекистан в годы независимости.....	138
Ахророва С.Т., Якубджанов И.И. Меҳмонхона активларини баҳолашнинг асосий усулларини таҳлил қилиш.....	143
Turdibekov Y.I., Giyasov B.Dj., Isrofilov F. O'zbekistonda ko'chmas mulk bozori: o'ziga xos xususiyatlari va rivojlanish istiqbollari.....	145
Абдукадинова Д.Т. Лойиҳа ресурслари Microsoft project дастурида тузилиши қодалари.....	148
Гийсов Б.Д., Мусурмонов Р.М., Гийсова З.Х. Особенности управления инновационными процессами в промышленно развитых странах.....	152
Суёнов А., Каржавов З. Турар-жой кўчмас мулкнинг бозор қийматини шакллантиришнинг техник-иктисодий асослари.....	155

ИНЖЕНЕРЛИК ИНШОТЛАРИ НАЗАРИЯСИ ТЕОРИЯ ИНЖЕНЕРНЫХ СООРУЖЕНИЙ

Хакимов З.Т. Требования к параметрам и рабочим характеристикам специализированного стенда для измерения параметров ВОСП.....	158
Қосимов Т.Қ., Ибрагимов Н.Х., Сержанова У.Е. Буқилган профилдан тайёрланган стерженнинг сиқилишга ишлашини тадқиқ этиш ва ҳисоблашни моделлаштириш.....	160
Маматов Э.М., Тураев Х.Ш. Биржинсиз асосда ётган тўсиннинг тебраниши.....	164
Тўраев Х.Ш., Исмадова Д.М. Бир қатламли, биржинсиз эластик асосда ётган энсиз плиталарни устиворлиги.....	165
Холбутаев У.Х., Шадмонкулова Н.У. Определение перемещения основания круглой плиты сложного узла при вертикальных сейсмических колебаниях.....	167
Мадумаров К.Х., Шоназаров А. Винт ҳалка сирти чизикли сирт.....	169
Омонов М. Б., Ҳаққулов Б. А. Ҳаққулов К.Б. Транспорт воситаларини синаш усуллари таҳлили.....	171

ҚУРИЛИШДА ТАЪЛИМ

Qulnazarov B., Qulnazarova Z.B. Komp'yuter grafikasi tizimida badiiy naqish chizish imkoniyatlari.....	174
--	-----

Бегматов Б.Я. Техника олий таълим муассасаларида талаба амалиёти тадқиқи	176
Назаров М.Р., Мукумова Н.Н., Райимов М.А. Актуальные проблемы высшего образования Узбекистана	179
Xudaykulov U., Yuzbayeva M. Yuzbayeva Sh. Oliy ta'lim muassasalarida kredit-modul tizimiga o'tishning afzalliklari	180
Каржавов З., Жонузоқув О., Элмуратов Р., Утамов Р. Миллий иқтисодиёт ривожига етук мутахассислар тайёрлашнинг аҳамияти	183

Муҳаррирлар: Х.М.Ибрагимов, Ш.Қосимова.
Корректорлар: т.ф.н. доц. В.А.Кондратьев.
Компьютерда саҳифаловчи: Х.М.Ибрагимов

Теришга 2020 йил 23 декабрда берилди. Босишга 2020 йил 31 декабрда рухсат этилди.
Қоғоз ўлчами 60x84/8. Нашриёт ҳисоб тобоғи 9,9. Қоғози – офсет.
Буюртма № 12/2. Адади 200 нусха. Баҳоси келишилган нархда.

СамДАҚИ босмахонасида 2020 йил 1 апрелда чоп этилди.
Самарқанд шаҳар, Лолазор кўчаси, 70. Email ilmiy-jurnal@mail.ru

ПРАВИЛА ОФОРМЛЕНИЯ СТАТЕЙ ДЛЯ ЖУРНАЛА «Проблемы архитектуры и строительства»

1. Объем статьи не более 5-6 страниц машинописного текста. Текст статьи печатается через 1 интервал, размер шрифта 14 пт. Рисунки шириной не более 9 см. Формулы – в редакторе Microsoft Equation или MathType.

2. К статье прилагаются: аннотации и ключевые слова на узбекском, русском и английском языках (объем 5-10 строки), список литературы. Титульная страница должна содержать: УДК, название статьи, фамилию (или фамилии) и инициалы автора (ов), затем указать институт или организацию, представившую статью.

3. Для каждой представляемой статьи должен быть представлен акт экспертизы той организации, где работает автор.

4. Текст статьи должен быть представлен в электронном варианте, а также в распечатанном виде - 2 экз.

5. Представленная статья проходит предварительную экспертизу. Независимо от результата экспертизы, статья автору не возвращается. Решение о публикации статьи в журнале принимается главным редактором совместно с членами редколлегии по специализации представленной статьи.

6. Автор(ы) должны гарантировать обеспечение финансирования публикации статьи.

Редколлегия